

**П.М.Лутфуллаев**

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ СИФАТИ**

**(бенчмаркинг, тюнинг ва диагностика)**

**П.М.Лутфуллаев**

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
СИФАТИ**

**(бенчмаркинг, тюнинг ва диагностика)**

**МОНОГРАФИЯ**

**Наманган-2020**

Лутфуллаев П.М. Хорижий мамлакатларда олий таълим сифати: бенчмаркинг, тюнинг ва диагностика (Монография). – Наманган: НамДУ, 2020. – 143 б.

Монографияда Давлат илмий-техника дастурининг «Олий таълим сифати диагностикаси ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида нашр этилган. Бунда олий таълимда сифатини баҳолашнинг асосий моҳияти ва функцияларини ташкил этувчи концептуал тизим ўрганилган. Ривожланган мамлакатларда олий таълим сифатига таъсир этувчи сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил этилган. Ўзбекистон шароитида бенчмаркинг, тюнинг методларидан фойдаланиш ва диагностикани ташкил этиш шарт-шароитлари асослаб берилган. Олий таълим сифатининг хорижий тажрибалари асосида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография талабалар, профессор-ўқитувчилар, олий таълим муассасасининг раҳбар-ходимлари ва кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

### **Тақризчилар:**

#### **Азимова З.Э.**

Андижон давлат университети “Педагогика” кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори

#### **Сотволдиев Н.Ж.**

Наманган давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

*НамДУ Илмий-техникавий Кенгашида муҳокама этилган (2020 йил 10 декабрдаги 1-сонли баённома).*

*Наманган давлат университети Кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.*

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>I БОБ. Олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг назарий асослари</b>	
1.1. Олий таълимда сифатни таъминлаш мазмуни ва моҳияти.....	13
1.2. Хорижий олий таълимда сифат менежменти, сифат кафолати ва академик стандартларнинг хусусиятлари.....	24
1.3. Олий таълимда сифат ва рақобатбардошлик масалаларининг ўрганилиши ҳолати.....	32
Биринчи боб бўйича хулоса.....	41
<b>II БОБ. Хорижий олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг самарали йўллари</b>	
2.1. Хорижий олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашга доир замонавий ёндашувлар.....	43
2.2. Бенчмаркингнинг олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни.....	48
2.3. Тюнинг методининг хорижий олий таълимда қўлланилиши таҳлили.....	68
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	78
<b>III БОБ. Хорижий олий таълимда халқаролашув жараёни, унинг сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни</b>	
3.1. Глобаллашув ва халқаролашув сифатнинг устувор омиллари сифатида.....	80
3.2. Халқаролашув жараёни асосида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш.....	86
3.3. Олий таълимда халқаролашув ва билимларнинг коммерциялашуви.....	91
Учинчи боб бўйича хулоса.....	98
<b>IV БОБ. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида сифатни таъминлаш бўйича хорижий тажрибаларни татбиқ этиш имкониятлари</b>	
4.1. Хорижий тажрибаларни олий таълимда қўллаш имкониятлари.....	100
4.2. Педагогик фанларда тадқиқот мавзусига оид муаммоларнинг ўрганилиши ва тажриба-синов ишлари.....	106
Тўртинчи боб бўйича хулоса.....	121
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	122
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	127
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	140

## Кириш

Хорижий мамлакатлар олий таълим тизимида интеграллашув, халқаро меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, муассаса ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илмий методик базани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълимда сифатни таъминловчи хусусиятлар – бенчмаркинг, тюнинг методи, кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими, ялпи сифат менежменти, сифат кафолати, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари, узлуксиз сифатни яхшилаш каби механизмларни ўрганиш ва уларнинг методларидан фойдаланиш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Бу эса олий таълим муассасаларининг бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда мустақиллигини оширмоқда.

Бошқарув қарорларининг қанчалик самарали бўлиши кўп жиҳатдан муассасадаги бошқарув жараёнини, унинг натижаларини ўз вақтида, ҳар томонлама объектив баҳолаш билан боғлиқ. Бунинг учун эса, замон талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасалари бошқаруви жараёни, унинг самарадорлигини баҳолашда замонавий усул ва услубларни қўллашни тақозо қилади. Ҳозирги вақтда таълим муассасаси ички муҳитида бошқарувнинг турли бўғинларида самарадорлик баҳолашда содда, қулай, эгилувчан услублар етарли бўлмаганлиги учун уларга эҳтиёж мавжуд. Турли характердаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган ва энг мақбул қарорга келишни таъминлайдиган кўп мезонли комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш методларини таълим муассасалари бошқаруви жараёнида самарали қўллаш ўзининг имкониятлари кенглиги ва истиқболлиги билан ажралиб туради. Таълим муассасаси бошқарув жараёни самарадорлигини комплекс баҳолаш кўпгина бозор субъектларида қизиқиш уйғотади ва долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон шароитида олий таълимдан илмий-техник ютуқлар ва инновация соҳасида юқори даражали қўшимча қийматни яратиш қобилияти талаб этилмоқда. Бунда олий таълим сифати иқтисодий барқарорлик кафолати ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> [Каримов И.А. Юсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарты //халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. \(http://oldxs.uz/home/133-buqun-sonda/946-maruza.html\)](http://oldxs.uz/home/133-buqun-sonda/946-maruza.html)

Шунингдек, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”ни амалга оширишнинг “4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” бандида белгиланган “сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” ҳамда “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш” каби долзарб илмий-амалий вазифалар олий таълим сифатига иқтисодий ёндошувни талаб этмоқда. Айниқса, халқаро тажрибага таянган ҳолда олий таълим сифатини ошириш, дипломларни ўзаро тан олишда ҳамда талабалар ва ўқитувчилар алмашинувида барча иштирокчи давлатларни қўллаб-қувватловчи Болонья жараёнига қўшилиш масаласини ҳал этиш чора-тадбирларининг муҳимлиги қайд этилган<sup>2</sup>.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Давлат илмий-техника дастурлари доирасида «Олий таълим сифати диагностикаси ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси бажарилмоқда. Амалий тадқиқот лойиҳаси 2018-2020 йилларга мўлжалланган бўлиб, 2018 йилда олий таълим сифати бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш вазифаси белгиланган. Бунда ривожланган мамлакатлар олий таълим тизимида таълим сифатининг зарур даражасига эришиш учун амалга оширилаётган диагностика йўналишлари ва уларнинг натижавийлиги илмий таҳлил этилди ҳамда тажрибалардан маҳаллий шароитларда фойдаланиш имкониятлари борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ушбу монография соҳадаги долзарб муаммоларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, тадқиқотлар жараёнида олинган тизимли илмий хулоса ва амалий таклифлардан сифатни ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ўқув жараёнини режалаштириш, ишчи ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, сифатни баҳолаш ва тасдиқлаш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. - Б. 108.

# **I БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Олий таълимда сифатни таъминлаш мазмуни ва моҳияти**

Жаҳоннинг аксарият олий таълим муассасаларида (ОТМ) таълим сифати, яъни сифатли кадрлар тайёрлаш долзарб масала бўлиб келмоқда. Бу, айниқса, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида тобора кучаймоқда. Хорижий давлатлардаги аксарият ОТМларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусий университетларнинг кўпайиши, таълимнинг иқтисодий тизимдаги товар каби баҳоланиши, ўз мижозларига (манфаатдорлар ва буюртмачи талаблари) эга бўлиши ОТМлар ўртасида рақобат пайдо қилмоқда ва улар тайёрлаётган кадрларнинг сифатини тўхтовсиз ошириб бориш устида тинимсиз ишлашга мажбур қилмоқда. Ҳозир ва келажакда ҳам ҳар бир ОТМ ўз мижозларини ўзи топиши тамойилида ишлайди. Рақобатбардош, сифатли кадр тайёрлайдиган ОТМлар иқтисодий ва илмий жиҳатдан кучайиб боради ҳамда рейтинги ошиб боради. Шу ўринда савол туғиладики, олий таълимда сифатни ўзи нима ва у қандай тушунчаларга эга? Олий таълимда сифат бу кўп қиррали, кўп даражали ва динамик тушунча бўлиб, у таълим моделининг мазмуний бирлигига, муассасанинг миссия ва вазифаларига ҳамда ўзига хос маълум стандартларга боғлиқдир [124;178-б]. Рақобатнинг луғавий маъноси «рақиб»ликка тақалиб, қандайдир нохуш кайфият қолдирса-да, бозор иқтисодиёти шароитида у ҳар томонлама фойдалидир. Рақобат доимо сифатли бўлишга етаклайди. Сифат ва рақобат бир-бири билан боғлиқ ва аксарият ҳолларда бирга қўлланиладиган тушунчалардир. Бу тушунча ўзбекистонлик олимлар А.А.Каримов ва Л.В.Перегудовлар томонидан берилган таърифда: «Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари - ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик,

таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳит фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак.» [24; 51-б] Россиялик олимлар томонидан эса сифатнинг таърифида кўп мунозарали фикрлар баён қилинган ҳолда, унинг қисқа ва лўнда таърифи ҳам берилган, яъни сифат талаблар тавсифига хос мослик даражасидир [26; 1-б]. Унинг икки томони кўрсатилади: 1) таълим жараёни натижаси сифати; 2) сифатни таъминловчи системалар тавсифи. Бунга таълим мазмуни, абитуриентларни тайёрлаш жараёни, педагог кадрлар, ахборот-методик таъминот, таълим технологиялари, илмий фаолият кириши айтилади.

Шу билан бирга, сифат тушунчаси олий таълимдан манфаатдор гуруҳлар ва турли ваколатли ташкилотлар томонидан турлича қабул қилиниши мумкин.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган манбаларда унинг уч компоненти ҳақида фикрлар учрайди:

1. Таълим субъектлари. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- таълим ташкилотчилари. Уларга ректор, деканат, ўқув бўлими, кафедралар киради;

- таълим хизматларини кўрсатувчи шахслар. Уларга профессор-ўқитувчи, методист, маслаҳатчи, лаборант, дастур ва ўқув адабиётлари киради;

- таълим хизматларидан фойдаланувчилар. Уларга талаба ва тингловчилар киради.

2. Таълимнинг меъёрий ҳужжатлари. Уларга таълим концепциялари ва парадигмалари, ўқитиш технологиялари, ўқув адабиётлари, сифатли билимларни бериш ва назорат қилиш методлари киради.

3. Таълим муҳити. Бунга ижтимоий, маданий, психологик муҳит киради [29; 7-б].

Юқоридаги компонентларга кирган ҳар бир қисмдаги тайёргарлик даражаси пировардида олий таълим сифатини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ОТМлари фаолиятида юқоридаги компонентлар мавжуд, лекин уни сифат даражасига кўтариш лозим. Бунда хорижий тажрибаларни ўрганиш шу соҳада такомилга эришиш учун асос бўлади. Республикамизда илм-фан ва таълим тизими дунё тажрибалари асосида янада бойитиб борилмоқда ва шу тариқа глобаллашув жараёнида мамлакатимиздаги олий таълим жаҳон таълим тизимида ўз ўрнини топиб бормоқда. Демак, таълимдаги «сифат» категорияси етакчи компонент бўлиб хизмат қилади. Халқ хўжалиги ва таълимнинг қайси тури ва босқичи бўлмасин, унинг бозор иқтисоди шароитида яшаши ва амал қилишида сифат мезони асосига таянади. Олий таълим соҳасида сифатнинг таъминланиши пировардда етук кадрлар тайёрлашга сабаб бўлади. Бу борада мамлакатимизда жаҳон тажрибалари ҳам ўрганилмоқдаки, бу ўз навбатида Ўзбекистондаги олий таълимнинг жаҳон олий таълимининг таркибий қисми сифатида глобаллашув жараёнларида ўз ўрнини топиб олаётганлигидан далолат бермоқда. Бизнингча, бу каби жараёнлар илмий жамоатчилик томонидан янада ўрганилиши лозим, бинобарин, сифатнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш эҳтиёжлари пайдо бўлди. Бунда жаҳон тажрибасини танқидий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълимда сифат ва сифатни баҳолаш масаласи XX асрнинг охирида дунё миқёсида энг долзарб масала сифатида майдонга чиққан. ЮНЕСКО томонидан 1998 йилда ўтказилган конференцияда бутун дунё декларацияси қабул қилинди ва унинг 11-моддаси «Сифатни баҳолаш» деб номланди ва унда сифат олий таълим соҳасида кўп ўлчамли концепция деб таърифланди. Унга кўра, ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ишлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ўқув бинолари, моддий-техника база, жиҳозлар, жамият учун сифатли кадрлар тайёрлаш, академик муҳит сифатни белгиловчи дастурлар қаторида келтирилади. Шунингдек, сифатни баҳолайдиган ташкилотлар тўғрисида маълумот берилади [20; 22-б].

Хорижий илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳон олий таълимидаги сифат тушунчасини ёритиб бериш ва унинг универсал изоҳи

бўйича муайян ва якуний тўхтамга келинган эмас. Шундай бўлса-да, унинг бир неча талқинлари бор. Бу борада ғарб олимларининг турлича қарашлари юзага келди. Олий таълимда сифат тушунчасини талқин қилишда Диана Гриннинг қарашлари ўзига хосдир [76]. У сифатнинг анъанавий маъноси (the traditional concept of quality) тўғрисида фикр юритади. Унга кўра, мижозлар томонидан кўйилаётган талаб даражасида маҳсулот етказиш, сервис кўрсатиш ва муваффақиятга эришиш, имиджга эга бўлиш сифат ҳисобланади. Қиёслаш учун саноат соҳасидаги «Мерседес» ёки «Ролс Ройс» автомобил компаниялари каби олий таълимда ҳам Оксфорд ва Кембридж университетларининг талабалар ва тадқиқотчилар ўртасида имиджга эга бўлиши яққол мисол бўла олади. Масалан, Оксфорд университетида ҳозирги кунда 23 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади, уларнинг 11728таси бакалавр ва 10941таси бакалаврдан кейинги (магистратура ва докторантура) босқич таълим олувчиларидир. Чет эллик талабаларнинг улуши 40 фоизни ташкил этиб, асосан АҚШ (1421), Хитой (705), Германия (632), Канада (355), Ҳиндистон (308), Австралия (253), Франция (198), Ирландия (188) Италия (178) ва бошқа давлатлар фуқаролари ҳисобига тўғри келади. 85 нафар Нобель лауреатлари етишиб чиққан Кембридж университетида ҳам 19 минг талабанинг 38 фоизи хорижликлардир. Ҳар икки университет ҳам кўп йиллардан бери «Таймс олий таълим рейтинги» (Times Higher Education-QS World University Rankings), Хитойнинг Жио Тонг университетидаги Олий таълим тадқиқот маркази (Higher Education Research institute of Jiao Tong University in Mainland China) каби дунё рейтингларида юқори поғоналарни эгаллаб келмоқда [101; 5-б]. Бизнинг фикримизча, ОТМнинг маҳаллий ва халқаро даражада ўзига хос имиджга эга бўлиши ва манфаатдор гуруҳларнинг талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиши ҳозирги замоннинг талабидир.

Д.Грин маҳсулот ёки сервисларнинг стандартлар ёки спецификацияларга мувофиқлиги (Conformance to specification or standards) тўғрисидаги фикри ҳам кенг тарқалган. Олий таълимда талабанинг

Ўзлаштиришидаги юқори натижа ва етарлича малакага эга бўлиши стандартлар орқали баҳоланади. Масалан, Британия олий таълим муассасаларида «Академик стандарт»ларга мувофиқ бўлиш ҳам сифатли, деб қабул қилинади.

Д.Грин сифатнинг мақсадга мувофиқлиги (Quality as fitness for purpose) ҳақида ҳам фикр билдиради. Грин бу ғояни бир неча саволлар қўйиш орқали тушунтириб беради: олий таълимнинг мақсади жамиятга етук кадрларни етказиб бериш бўлса, у ҳолда бу вазифани улар уддалай олмақдами, таълим дастурлари етарлича билим ва кўникмаларни акс эттира олганми, ОТМ ўзи белгилаган истиқбол (vision) ва миссия (mission) ижро этилмоқдами? каби.

Демак, ушбу қарашлар орқали таълим стандартлари сифатни аниқлашда асос бўлади, деб ҳисобланади, лекин олий таълимнинг мақсадини аниқлаш ва интерпретация қилишда ҳам турли қарама-қарши фикрлар мавжуд. Олий таълим мақсадини талабалар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, раҳбарият ёки ҳукумат аниқлаб бериши мунозараси ҳам бор. Албатта, ушбу манфаатдор гуруҳларнинг олий таълимдан кўзлаган мақсадлари бир-бирларидан айни ўринда фарқли ва уларнинг уйғунлиги ҳам бор. Бу эса олий таълимнинг кўп мақсадли эканлигини ҳам кўрсатади.

Д.Грин сифат мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига қаратилганлигини (Quality as meeting customers' stated or implied needs) таъкидлайди. Бундай фикрни Л.Власеану, Л.Грунберг ва Д.Парле ҳам тасдиқлайдилар [124; 45-6]. Қиёслаш учун дунёда охириги икки ўн йиллик мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш маълум бир андозаларга эмас, балки мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ давлатнинг таълим секторида мижознинг ким эканлиги ҳам мунозара қилинади. Айниқса, олий таълимда мижозни аниқлашда фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Олий таълимдаги мижоз унинг хизматидан фойдаланувчи талабаларми ёки хизмат кўрсатувчилар ўқитувчи ёки ҳукуматми? Талаба мижозми ёки «маҳсулот»ми ёки ҳар иккаласими? Албатта, талабанинг интеллектуал эҳтиёжидан келиб чиқадиган

хизматларнинг (яхши кутубхона, шинам ётоқхона ёки бошқалар билан таъминланганлик) сифат даражасини баҳолаш осон, лекин олий таълимда у бошқа жараёнларда кечади, чунки унда хизматнинг мазмуни деганда, ўқитиш ва ўрганиш жараёни ҳамда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабат ва мулоқот бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришдан фарқли ўларок, олий таълимда хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш жараёни талаба ва ўқитувчи ўртасидаги уйғунликда акс этади. Шунингдек, олий таълимдаги сифат мезонларини фақат талабанинг талаб ва истаклари белгиламайди, балки олий таълимда раҳбариятни таълим жараёни сифати қизиқтирса, талаба, ота-она ва буюртмачиларни эса таълим натижалари сифати кўпроқ қизиқтириши мумкин. Бизнинг фикримизча, олий таълимда «хизмат кўрсатувчи», «буюртмачи» ва «мижоз» категориялари бўлиши керак. Бу категория йиғиндисини анъанавий тарзда «манфаатдор гуруҳлар» деб аташ ўринли ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон шароитида таълимни тарбиядан мутлоқо ажратиб бўлмайди. Билим олувчи (тарбияланувчи, ўқувчи, талаба) таълим муассасасида фақат билим олиш билан чекланмасдан унинг маънавий дунёқараши шаклланиб, тарбияси ҳам ўсиши зарур. Шунинг учун мамлакатимиздаги ОТМларнинг буюртмачиси (ОТМ маҳаллий ёки халқаро бўлишидан қатъий назар) жамиятнинг ўзи деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ОТМларида ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари каби лавозимларнинг жорий этиш тажрибаси, дунёда кам сонли мамлакатлардагина мавжудлиги маълум бўлди ва буни ўзига хос тажриба деб ҳисоблаш мумкин. Бизнинг таълим тизимимизда маънавий ишлар ва ёшлар билан ишлаш масаласи таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланса, бошқа мамлакатларда маънавий ишлари билан шуғулланиш талабалар масалалари бўлими (student affairs office) зиммасига юклатилган ва бу бўлимларнинг фаолияти таълим жараёнининг бир қисми эмас, балки талаба ўз хоҳиши билан муурожаат қилган тақдирдагина маслаҳат бериш билан чекланади. Шу

туфайли Ўзбекистон ОТМларининг маънавий ишлари сифат кўрсаткичларининг энг асосий индикаторларидан ҳисобланади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, олий таълимда сифат тушунчаси мураккаб ва кўп қирралидир. Шундай экан, олий таълимда сифатни ким белгилайди? деган ҳақли савол туғилади. Хорижий олий таълимда сифатни белгилаш ва баҳолаш ҳам ҳар доим баҳс-мунозалар ичида бўлиб келган. Масалан, К.Кампбел ва К.Розниаларнинг: «Сифат баҳоланмайди ва ўлчанмайди, балки илм аҳли томонидан сифатнинг қаерда ва қачон таъминланиши тан олинади», деган талқини ҳам мавжуд ва у турли мунозараларнинг янада кучайишига сабаб бўлади [57]. Британиялик муаллифлар Н.Жаксон ва Х.Лунд олий таълимдаги сифатни баҳолаш ва белгилаш масалаларига ёндошишда концептуал тизимга (conceptual framework) асосланадилар (1.1-жадвал) [87; 33-б].

## 1.1-жадвал

### Сифатни баҳолаш ва белгилаш концептуал тизими (Жаксон ва Лунд бўйича)

Кирим ва ресурс (Input)	Жараён (Process)	Натижа мақсад (Output)
<p><b>Талаба:</b> унинг дастлабки билим савияси, қобилияти, ихтисослиги ва малакаси;</p> <p><b>Педагог ходим:</b> илмий салоҳияти, малакаси, экспертлик даражаси, компетентлиги, ривожланувчи таълимга тайёрлиги;</p> <p><b>жисмоний ресурслар:</b> турар жой, шарт-шароитлар, техника ва жиҳозлар, кутубхона ва инфор­мацион технология имкониятлари.</p> <p><b>молиявий ресурслар:</b> талаба ва ўқитувчи ходимларга сарфланадиган сарф харажатлар;</p> <p><b>ташқи ресурслар:</b> но-академик мутахассислардан фойдаланиш, олий таълим муассасаси қарамоғида бўлмаган техника ва жиҳозлардан фойдаланиш;</p>	<p>Таълим дастури ва ўқитиш шарт-шароитлари билан <b>гаништириш, Ўқув дастурлари дизайни ва баҳолаш ўқитиш ва ўрганиш:</b> стратегиялари ва методлари, эффективлиги, инновацион ёндашувлар;</p> <p><b>талабаларга раҳбарлик ва қўллаб қувватлаш:</b> академик ва индивидуал сабоқ бериш тизими, қўлланма ва бошқа турдаги маъруза матни ҳамда маълумотлар, лойиҳаларга супервайзерлик қилиш;</p> <p><b>талабалар фаолиятини қайд қилиш тизими:</b> талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш ва ҳисобот тайёрлаш;</p> <p><b>менежмент ва административ бошқарув тизими</b> тизимли ва самарали бошқарув маҳорати, стратегияларни билиш;</p> <p>талабалардан ёки ходимлардан келиб тушадиган талаб ва таклифлар асосида <b>таҳлилий ишлар ва камчиликларни тузатиш.</b></p>	<p><b>Талабанинг</b> рақобатбардош кадр бўлиб етишиши, юқори рейтингга эга бўлиши, таълим стандартларини бажариши, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига тайёр бўлиши;</p> <p><b>Педагог ходимлар:</b> уларнинг ўқитиш, илмий тадқиқотларда, бошқарувда, супервайзорликда самарадорлик ва креативликка эришиши.</p>

Ушбу тизим олий таълимнинг асосий моҳияти ва функцияларидан ташкил топган бўлиб, улар «Кириш ва ресурс (Input)», «Жараён (Process)», «Натижа ва мақсад (Output)» каби кетма-кет таъсир қилувчи устунларга бўлинган. Сифатни белгиловчи «Кириш ва ресурс» устунда таълим жарёнини йўлга қўйиш учун зарур бўлган барча ресурс турлари ҳисобга олинган. «Жараён»нинг самарали олиб борилиши ва «натижа»га эришишда ресурслар сифатига ва андозага мос келишига алоҳида аҳамият берилади. Умуман олганда, «Кириш ва ресурс», «Жараён», «Натижа ва мақсад» элементлари таълим тадқиқотларининг асоси ҳисобланиб, аксарият адабиётларда кенг ёритилган. Норвегиялик муаллифлар Ченг ва Там ҳам ушбу элементлар асосида олий таълим сифатини белгилаш керак деб биладилар [65]. Стандартлар ҳам шу устунлар бўйича белгиланиши таъкидланган. Улар Д.Грин фикрларига қўшилган ҳолда, сифатни белгилашда олий таълимдан манфаатдор гуруҳлар, яъни «мижоз»лар томонидан кутилажак талаб ва истаклар асосида амалга оширилишини қўллаб-қувватлайдилар. Е.Ченг ва В.Там манфаатдорларни ички ва ташқи гуруҳларга бўлиб, ички гуруҳни олий таълим муассасаси талабалари, ўқитувчилари, ишчи-ходимлари ташкил этса, ташқи гуруҳни вазирликлар, давлат ва хусусий ташкилотлар, органлар ва талаба бўлишни истовчи ёшлардан иборат деб биладилар.

Жаҳон банки нашрлари ҳам юқоридаги концептуал тизимни янада тўлдиради [132]. Унда таъкидланишича, дунё тажрибасидан келиб чиқиб, олий таълим сифатига:

- абитуриентларнинг етарлича билим ва кўникмага эга бўлиши;
- ўқитувчи кадрларнинг компетентлиги ва ўқитиш мотивациясининг юқорилиги;
- етарли ахборот ресурслар билан таъминланганлиги;
- халқаро алоқаларнинг амалда бўлиши;
- ўз-ўзини баҳолаш механизмларининг ишлаб чиқилганлиги;
- бакалавриятдан кейинги таълимни ва илмий тадқиқотни кучайтириш;
- бакалаврият таълим дастурларининг амалиёт билан ўзаро боғлиқлиги;

- амалиёт ва ОТМ ўртасида алоқаларнинг кучайиши каби бир неча омиллар фаол таъсир кўрсатади.

Бизнингча, Н.Жаксон ва Х.Лунднинг концептуал тизимидаги иккинчи устуннинг давомига талабанинг мустақил таълим олиши учун педагогик механизмнинг мавжудлиги ва иқтидорли талабалар билан ишлаш тизимининг мавжудлиги кўшилса, унинг мукамаллигини таъминлаган бўлар эди.

Шу ўринда хорижий давлатлар ОТМларида сифат масаласи қачон ва қандай пайдо бўлди ҳамда нега у долзарблашиб кетди? деган ҳақли савол туғилади. Хорижий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, олий таълимда сифат масалаларига қизиқиш ғарб давлатларида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган. Олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг жадаллашуви, олий таълимнинг оммалашуви (*massification of higher education*), олий таълимдан манфаатдор гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўсиб бориши сифатни тобора оширишга бўлган қизиқишни кучайтирган. Албатта, олий таълим сифатига бу қадар қизиқишнинг ошиб боришига бир неча омиллар сабаб бўлди. Асосий омил бу олий таълим ва давлат ўртасидаги муносабатнинг ўзгариши, яъни уни ОТМларининг давлат тасарруфидан чиқиши ва уларнинг автономияси таъминланишидир. М.Баувернинг фикрича, қатор давлатларда ҳукумат олий таълим устидан назорат қилишдан воз кечиб, ОТМларининг автономиясига эрк бермоқда [51]. Айни замонда ОТМларидан таълим сифати ва самарадорлиги талаб қилинмоқда. Европа Иттифоқи мисолида олсак, олий таълимда сифатга бўлган қизиқиш куйидагича омил ва факторлар туфайли ривожланиб келган:

- олий таълим муассасаси автономиясининг кучайиши;
- олий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ортиши;
- олий таълим муассасалари даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши;

- «Интеллектуал жамият» (knowledge society) тушунчасининг пайдо бўлиши ва олий таълимнинг маҳаллий, минтақавий ва умумевропа иқтисодийётига таъсирининг кучайиши;

- «Европа таълим ва тадқиқот зонаси»нинг яратилиши (Европада Болонья жараёнининг пайдо бўлиши бунга мисол бўла олади),

- олий таълимнинг глобаллашуви ва европалашуви,

- олий таълимда рақобат ва маркетингнинг цивилизацияси [71; 12-б].

Ушбу факторларнинг умумийлигига карамай, Европа давлатларининг олий таълим ва давлат муносабатлари борасида тутган ўрни турли хил бўлиб қолмоқда, чунки ғарбий Европа давлатларида олий таълим тизими бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ОТМ даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши Англияда 50 фоиздан кўпроғини ташкил этса, Скандинавия давлатларида 5 фоиздан ошмайди. Европадан фарқли ўлароқ АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда, деярли, 60 фоиз атрофида маблағ хусусий сектордан келади [54; 14-б]. Шунга қарамай, сифат масаласида барча учун тенг талаблар қўйилади.

Т.Гисмадиянинг эътирофи этишича, XX асрнинг 70-йилларидаги глобал иқтисодий юксалиш ва давлат секторларида сифатли хизмат кўрсатишга бўлган талабнинг ортиб бориши муносабати билан олий таълимда ҳам сифатга бўлган қизиқиш кучайган [67]. Унинг таъкидлашича, олий таълим сифатини ошириш эҳтиёжлари қуйидаги омиллар туфайли юзага келган:

- давлатдан берилажак маблағни унумли сарфлаш,

- давлатнинг олий таълимга ажратадиган маблағининг камайиб бориши,

- олий таълим муассасасининг автономиясини кучайиши,

- сифатли олий таълимга талабнинг ортиб бориши,

- талабалар сафарбарлигига (student mobility) молиявий кўмакнинг кўпайиши,

- олий таълим ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши,

- ОТМлар ўртасида халқаро доирадаги ўзаро рақобатнинг кучайиши.

Британияда XX асрнинг 80-йилларда олий таълим ислоҳ қилинди ва таълим давлат томонидан стандартлаштирилди. Бу эса олий таълимда сифат масалаларига жиддий эътибор қаратилишига олиб келди [80].

М.Брукес ва Н.Бекет дунёдаги барча олий таълим тизимларидаги сифат ва рақобатбардошликка эътиборнинг ошиб кетишини ўрганиш натижасида умумий хулосага келиб, уларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий таъсир кучлардан иборат эканлигига тўхталган.

Сиёсий таъсир кучлари (political forces) қуйидаги мазмунга эга:

- давлатларнинг олий таълим олувчилар сафини кенгайтириш ташаббуси;

- давлатларнинг ОТМларни кўпайтириши ва ривожлантириши;

- олий таълим ўқув дастурларини давлатлар томонидан назорат қилишнинг кучайиши;

- олий таълимнинг давлат томонидан назорат қилинишининг марказлашган ёки бирлашган тизимининг йўқлиги.

Иқтисодий таъсир кучлари (economic forces):

- давлат томонидан ҳар бир талаба бошига ажратиладиган маблағнинг камайиши ва чегараланиши;

- хусусий сектордан келадиган маблағларга таяниб қолиш;

- талабанинг тўлов-контракт пули ёки хорижий талабалар тўлов ҳақига таяниб қолиши;

- ҳар бир талаба бошига сарфланадиган ҳаражатларнинг ошиши;

- хусусий олий таълим муассасаларининг кўпайиши;

- халқаролашувга кўпроқ эътибор берилиши.

Ижтимоий-маданий таъсир кучлари (socio-cultural forces):

- абитуриентларнинг кўпайиши;

- талабаларнинг турли ижтимоий гуруҳлардан иборат бўлиши;

- таълим бериш шакллариининг кенгайиши;

- олий таълим мижозлари томонидан кутилажак талабларининг ошиб боришини кўзда тутди. [54]

Маласан, Тинч океани ҳавзаси давлатларида (Австралия, Хитой, Гонг Конг, Ҳиндистон, Япония, Корея, Малайзия, Тайван ва Янги Зеландия) сиёсий ва иқтисодий таъсир кучларининг умумийлиги мавжуд. Марказлашган бошқарув ва давлат маблағи ҳисобига таянадиган Европа мамлакатлари (Чехия, Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Греция, Голландия, Польша ва Туркия каби) ОТМларида эса иқтисодий таъсир кучлари умумийлиги мавжуд [54]. Шунинг учун бу давлатларда хусусий университетларнинг кўпайиши ва молиялашнинг диверсификацияси кўп учрайди. Жанубий Америка мамлакатларидаги аҳоли сонининг кескин кўпайиб бориши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг ошиши туфайли бу давлатлардаги олий таълим тизимидаги сифат ва рақобатбардошликка ижтимоий-маданий кучлар кўпроқ таъсир этмоқда.

Турли минтақа ва мамлакатларда таълим сифатига қизиқишнинг ўсиб бориши ўзига хос тарзда кечди. Бунга жамиятда, фанда, иқтисодиётда глобализация жараёнларининг бошланиши ва мисли кўрилмаган даражада тез авж олиши асосий омил бўлди. Бенчмаркинг, тюнинг ёки бошқа метод ва усулларнинг барчаси бир мақсад учун, яъни муассасада сифатни кўтариш ва унга эришиш учун хизмат қилади.

## **1.2. Хорижий олий таълимда сифат менежменти, сифат кафолати ва академик стандартларнинг хусусиятлари**

Олий таълимда сифатни баҳолаш ва уни белгилаш ишлари мураккаб бўлса-да, сифатни таъминлаш ва кафолатлаш талаблари кун сайин долзарблашиб бормоқда. Шу билан бирга, олий таълимдаги мижоз ва маҳсулот тушунчаларини аниқлаш ҳам мураккаблигича қолган. Шунинг учун олий таълимда сифатни бошқариш, кафолатлаш ва яхшилаш механизм ва моделларини иқтисодиётдан олиш ва мослаштириш зарурати туғилган. Бизнинг фикримизча, хорижий манбаларда таъкидлаб ўтилган асосий термин ва тушунчаларни батафсил ёритиш тадқиқотимиз мақсадига мувофиқ бўлар эди. Сифат менежменти (Quality Management) муассасадаги сифат билан

боғлиқ бўлган барча ишларни, яъни, ўз ичига сифат кафолати (quality assurance), сифат назорати (quality control) ва сифатни баҳолаш (quality assessment) каби фаолиятларни қамраб олган мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи фаолиятдир. Олий таълимда сифат кафолати (Quality assurance in Higher Education) эса олий таълим натижаси ва жараённинг сифатлилигини мониторинг қилувчи тизимли (systematic) менежмент ва баҳолаш жараёни тушунилади [125].

Сифат кафолатининг мақсад ва вазифалари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълимдан манфаатдор гуруҳларга таълим сифати даражасининг ишончилигини асослаш;
- талаба ва ўқитувчи манфаатларини ҳимоя қилиш;
- илмий унвон ва стандартларни халқаро даражада тан олиншини таъминлаш;
- ўқитиш тажрибаларининг такомиллашуви ва талабанинг етук кадр бўлиб етишини таъминлаш.

Сифат кафолати бир неча сифат моделларини қўллаш орқали олиб борилади. Масалан, Осиё Тинч океани регионларида сифат кафолати уч кўринишга эга бўлиб баҳолаш, аудит ва аккредитациядан иборат. Бундан ташқари рейтинг, тақдирлаш (award), асосий натижалар кўрсаткичи (key performance indicators), аттестация, ISO 9000 халқаро стандарти бўйича сифатни баҳолаш каби бир-бирига чамбарчас бўлган моделлар ҳам сифат кафолати фаолиятнинг кўринишлари ҳисобланади [102; 9-б]. Уларнинг баъзиларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

ISO 9000 (International Organization for Standardization) маркази Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи нодавлат ташкилотдир. Сифат бошқаруви тизими (Quality Management System) фаолиятининг асосий таянчларидан бири ҳисобланади. ISO нодавлат ташкилот бўлса-да, уни давлат ва хусусий сектор ўртасидаги кўприк деб юритилади, чунки ISO 162та давлатдаги миллий стандартлар

ташкilotларини бирлаштириб турувчи тармоқ ҳисобланади [133; 16-б]. Халқаро стандартлар ISO рақам[:йил] кўринишида бўлиб, масалан ISO 9001:2000 модели, 2000 йилги 9001 - сифат стандарти демакдир. ISO белгилаган стандарт ва талабларга мос келган муассаса сертификат билан тақдирланади, масалан, биргина 1996 йилнинг ўзида Европанинг 100 мингдан ортиқ муассасалари ISO 9000 сертификатини олган [133; 35-б]. ISO 9000 стандартлари авваллари фақат ишлаб чиқаришда қўлланилган бўлса, XX асрнинг 90-йиллар мобайнида олий таълимга ҳам кириб келган [133; 16-б], жумладан, Малайзиядаги Малайя университети ўзининг ички сифат тизимини яхши йўлга қўйганлиги, ички аудит тизими ва сифатни таъминлашда барча талабларга мос келганлиги туфайли, шу мамлакат университетлари орасида биринчи бўлиб, 2001 йил июнь ойида ISO 9001:2000 стандарти сертификатини олган. Бу, албатта, университет имиджини юқори бўлишини таъминлаган [114; 2-б].

Олий таълимда сифатни баҳолаш (quality assessment) термини кенг тарқалган бўлиб, унда кўпроқ миқдорий кўрсаткич ва натижалар баҳоланади. ОТМнинг ўқув жараёни, ўқув дастурлари, битирувчи талабаларнинг малакаси ва ишга тайёрлиги, таълим инфраструктураси каби фаолиятларнинг даражасини белгилайди. Бунда ОТМ ўз олдига қўйган мақсад, вазифалари, истиқболи ва миссияларининг мазмуни ҳисобга олинади. Шу ўринда таълим сифатини ички ва ташқи баҳолаш тушунчалари ҳам кенг тарқалганлигини ҳам таъкидлаш жоиз, масалан, М.Юлдашев таълим сифатини ташқи баҳолашни француз модели сифатида ва ички баҳолашни инглиз модели деб атайти. Ички баҳолаш амалиётини рақобатбардошликка етакловчи ва ташқи баҳолашни кўпроқ стандартлар ва миқдорий кўрсаткичларни аниқлашга қаратилганлига ишора қилади [40]. Бизнинг фикримизча, ҳар икки модел ҳам ҳозирги шароитда Ўзбекистон ОТМлари учун муҳим ҳисобланади. Сифатни доимо ички ва ташқи баҳолашниб турилишини зарур деб ҳисоблаймиз.

Аудит асосан бухгалтерия соҳасида қўлланилиб, текширув маъносини билдиради, лекин олий таълимда сифат аудити (Quality audit) деб аталиб,

ОТМдаги сифат кафолати жараёни ва ишларининг тўғри ташкил этилганлиги ва олиб борилаётганигини текшириш учун қўлланилади [48; 74-б]. Шу билан бирга, сифат кафолати механизмларининг кучли ва заиф томонларини ўрганиш методи деб аталса ҳам бўлади. Австралия ва Янги Зеландия олий таълим тизимида аудит муассаса ўзи белгилаган вазифа ва мақсадлари сари иш олиб боришини текширишдан иборат. Норвегияда эса сифат аудити ташқи сифат кафолатининг ажралмас элементи ҳисобланади. У Норвегия ОТМларида ички сифат кафолати тизими мавжудлиги, таълим фаолияти белгиланган критерийларга мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун мустақил текширув сифатида қўлланилади [77; 1-б].

Аудит ва баҳолаш бир-биридан, оз бўлса-да фарқланади, чунки уларни қўллашда мақсад қандай турганлиги муҳим бўлади. Аудит доимо мустақил текширув бўлиб, маълум даражада миқдорий ва мазмуний таҳлилга эга. Баҳолашда эса мустақиллик камроқ бўлиб, кўпроқ консултатив ёндашилади.

«Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий хужжатлари»да: «Олий таълим муассасаси аккредитацияси - олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг олий таълим давлат таълим стандарти мезон ва талабларига жавоб беришнинг давлат томонидан эътироф этилиши», деб таърифланади. Бу ғоя давлат таълим муассасалари учун мосланган [12; 10-б]. Хорижда эса аккредитация давлат ёки нодавлат ваколатли органи ёки ташкилоти томонидан ОТМдаги ўқув дастури, мутахассислик йўналиши ёки муассасани тўлалигича белгиланган стандарт ва минимал талабларга жавоб бера олишини тан олиш учун баҳолаш жараёни деб аталади [124; 18-б]. Аккредитация нафақат ОТМ мақомини белгилаш, балки сифатни оширишда муассасага амалий ва услубий ёрдам кўрсатади. Аккредитация ОТМга илмий даража, диплом бериш ваколати ва ҳуқуқини беради. Власеану ва бошқалар, аккредитацияни институционал, регионал ва махсус каби турларга бўлганлар [124; 19-б]. Институционал аккредитация муассаса миқёсида унинг барча ёки қисман фаолиятини стандартларга мувофиқ эканлигини текшириш, деб тушунилади. Регионал аккредитация эса

географик ва тарихий яқинликка эга бўлган маълум бир регион миқёсида олиб борилади, масалан, жанубий-шарқий Осиё (ASEAN) давлатлари учун регионал миқёсдаги таълим сифати стандартларига мос келишини белгилаб беришда регионал аккредитация олиб борилади. Махсус аккредитация индивидуал ўқув дастури, бўлим, кафедра каби ОТМ тузилмасини белгиланган стандартларга мослигини аниқлаш деб ҳисобланади. Португалия олий таълим тизимида миллий аккредитация ва халқаро аккредитация фаолиятлари мавжуд [111; 43-б]. Аккредитация ОТМ эгаллаган ёки эгалламоқчи бўлган мавқеи ва даражасига лойиқлигини белгиловчи фаолият дейиш ҳам мумкин ва у дунёнинг деярли барча мамлакатлари олий таълим тизимида қўлланилади. Масалан, АҚШда аккредитация юз йилдан ортиқ тарихга эга. Унинг асосий вазифаси олий таълим тизимида сифатни яхшилаш ва ОТМларининг фаолиятига ташқи баҳо бериб ривожланиш учун кўмаклашишдир.

Демак, аккредитацияни олиб бориш учун юқорида бир неча бор қайд этилган стандартлар аввалдан белгиланиб олинини кераклиги маълум бўлади ва шу ўринда бу стандартларни ким аниқлайди? деган савол туғилади. Масалан, мамлакатимизда «Давлат таълим стандарти» ўқув дастурлари ва фанларни аккредитациялаш учун асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари Давлат тест маркази олий таълим муассасаларини аккредитация ва аттестациядан ўтказиш ваколатига эга эди. 2018 йилдан бошлаб эса бу масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси зиммасига юкланди. Демак, Ўзбекистонда янги ташкил этилган Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ОТМларни аккредитация ва аттестацияси учун масъул бўлса, Малайзияда бу вазифани «Олий таълим муассасаларини аккредитациялаш уюшмаси» (Malaysian Qualification Agency), Австралияда «Австралия университетлар сифати агентлиги» (Australian Universities Quality Agency), Ҳиндистонда «Миллий баҳолаш ва аккредитация консули» (National Assessment and Accreditation Council), Японияда «Академик даражалар

миллий ташкилоти» (National Institution for Academic Degrees) ва «Япония университетларни аккредитациялаш ассоциацияси» (Japan University Accreditation Association), Россиянинг миллий аккредитацион агентлиги (Национальное аккредитационное агентство в сфере образования (Росаккредагентство)) каби ташкилотлар бажаради. Бу каби ташкилотлар таълим сифатига жавобгарликни ошириш механизми устида иш олиб боради ва улар ўртасида бенчмаркинг методи асосида ҳамкорлик ўрнатиш ва тажриба алмашишни тавсия этамиз.

Скандинавия давлатларидаги Дания баҳолаш институти (Danish Evaluation Institute), Финландия олий таълимни баҳолаш консули (Finnish Higher Education Evaluation Council), Швеция олий таълим миллий агентлиги (National Agency for Higher Education, Sweden), Норвегия тармоқ консули (Network Norway Council) каби ташкилотларда бошқа давлатларга нисбатан аккредитация фаолияти кенг кўламда олиб борилади [79; 5-б]. Шунинг учун 2000 йилнинг май ойидаги юқоридаги ташкилотлар вакилларининг Копенгаген учрашувида бу 4та ташкилотлар зиммасига скандинавия ОТМларини Болонья жараёни ва давлат маблағининг қисқариши шароитларида сифатни таъминлашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш вазифалари ҳам юкланган [79; 6-б].

Аккредитация олиб боришга ваколатли ташкилотлар дунёнинг барча мамлакатларида ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий фаолиятлари олий таълим сифати бўйича мониторинг қилиш, аккредитациялаш, таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ташқи баҳоловчилар ёрдамида ОТМлар фаолиятларини баҳолаш ва талаблар қўйишдан иборатдир. Бундай ташкилот ва агентликларнинг ортиб боришини олий таълимда сифатга қизиқишнинг ўсиб бориши билан боғлаш мумкин. Дунёда 80га яқин ана шундай ташкилотлар ўртасида расмий алоқа ва ҳамкорликлар йўлга қўйилган ва бу ҳамкорликлар «олий таълимда сифат кафолати агентликларининг халқаро тармоғи» (International Network of Quality Assurance Agencies in Higher Education), деб номланган давлатлараро ташкилот орқали амалга

оширилмоқда. Шу билан бирга, «Европа сифат кафолати тармоғи» (European Network for Quality Assurance) Америкадаги «Олий таълимни аккредитациялаш консули» (Council for Higher Education Accreditation - USA), «Осиё тинч океани сифат тармоғи» (Asia Pacific Quality Network) каби минтақалараро ҳамкорлик тармоқлари ҳам мавжуд. Бундай тармоқлар ўзаро фикр алмашиш, тажриба ўрганиш, маълумотлар баъзасини яратиш, конференция ва семинарлар уюштириш орқали дунё ОТМларидаги сифатни ошириш масалаларида доимий алоқа ва ҳамкорлик ўрнатишда асос бўлган.

**Олий таълимда академик стандартлар.** Сифатни бошқариш ва уни кафолатлаш бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ фаолият бўлиб, улар таълим стандартлари ёки академик стандартларга таянган ҳолда олиб борилади. Таълимда стандартларни белгилаш ва уни ишлаб чиқиш, асосан, XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб кенг тарқала бошланди. Албатта, бу дунё иқтисодиёти, фан-техника тараққиёти, таълим бериш ва билимга бўлган янгича муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ эди. Буни шундай тушуниш лозим бўлади. Кейинги йилларда ОТМлари бўйсунушига кўра бир неча турларга бўлиниб кетди: давлат ОТМлари, давлатлараро (халқаро) ОТМлари, регионал ОТМлари, хусусий ОТМлари. Бу эса таълим стандартларининг яратилишга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Россия Федерацияси ва собиқ Иттифоққа кирган айрим давлатларда Давлат таълим стандартлари тушунчаси мавжуд. АҚШ, Англия ва бир қатор давлатларда ОТМларига автономия берилиши, уларни бошқаришда президиум тизимининг ўрнатилиши таълим стандартларининг хусусий, яъни айрим олинган университетлар ўзлари учунгина тузиб олишларига асос бўлган ва бу стандартлар «академик стандарт» тушунчаси билан юритилган. Академик стандарт деб номланиши эса давлат таълим стандартларига қарама-қарши қўйилади. Академик ва давлат таълим стандартлари ўзининг умумий ва хусусий томонларига эга. Уларнинг умумийлиги шундаки, ҳар иккаласи ҳам сифат кафолатини таъминлайди. Уларнинг хусусийлиги қуйидагиларда кўринади:

- давлат таълим стандартларининг буюртмачиси, ўз-ўзидан равшанки, давлат. Академик стандартларнинг буюртмачиси ОТМларининг ўзидир.

- давлат таълим стандартлари таълим дастурларини бажариш барча ОТМлар учун мажбурийдир. Академик стандартлар таълим дастурлари эса аксарият ҳолларда айна бир йўналишда турлича мазмунга эга бўлади ва бу таълим муассасасининг ўзига хослигини таъминлайди.

- давлат таълим стандартларида танлов фанлари 30 фоизни, академик стандартларда эса 50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этади.

- давлат таълим стандартларини яратиш бир марказдан туриб бошқарилади ва унинг барча йўналишлар, мутахассисликлар учун ягона макети жорий этилади. Академик стандартлар эса буюртмачининг талаби билан яратилади, ҳатто улар эксклюзив бўлиши ҳам мумкин.

Академик стандартлар, одатда, институционал миқёсида белгиланади, лекин кўп ҳолларда аккредитация ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади. Академик стандартлар турли йўналишларда бўлиши мумкин. Уларда олий таълимдаги ўқув жараёни билан бирга ахборот ресурслари ва инфраструктура бўйича ҳам талаблар акс этади. Масалан Ж.Редфорд ва бошқалар таълим жараёни бўйича белгиланадиган стандартлар йўналишларини кирим (output), жараён (process), ва натижа (outputs) кўринишида тушунтириб ўтган (1.2-жадвал) [110; 71-б]. Улар Британиядаги амалда бўлган академик стандартларнинг пайдо бўлишини олий таълимнинг элитадан оммалашувга ўтиши билан боғлайди [110; 69-б]. Бу ўтиш даврида талабалар контингенти кўпайган, таълим йўналишлари ва ўқув дастурларини танлаш доираси кенгайган, ва таълим муассасаларининг хилма-хиллиги содир бўлган. Айниқса, 1992 йилги олий таълим ислоҳоти акти Further and Higher Education Act 1992) жорий этилгандан сўнг, аввалги политехника институтлари ва коллежларига ҳам университетлардаги каби ҳуқуқ берилиши ортидан академик стандартларга ва, қолаверса, таълим сифатини сақлашга бўлган давлат талаби янада кучайди, яъни авваллари сифатга ва академик стандартларга жавобгарлик фақатгина индивидуал таълим

муассасасини қизиқтирган бўлса, эндиликда давлат сиёсати ва ҳукумат жавобгарлиги миқёсига чиққан, шунинг учун олий таълим сифатини бошқариш ва уни кафолатлаш эҳтиёжлари кучайган.

## 1.2-жадвал

### Таълим жараёни бўйича академик стандарт тузилмаси

Академик стандартлар тури:	Баҳоланувчи фаолиятлар:	Қўлланиладиган мезонлари ишлаб чиқишда асос бўлади:
кирим (Inputs)	талабанинг дастлабки билим савияси, қобилияти, профили ва малакаси;	қабул жараёни;
	ўқитувчи ходимлар малакаси;	танлов жараёни;
	таълим ресурслари ва сервислар;	етарлича молиянинг мавжудлиги;
жараён (Process)	талабанинг ўзлаштириши ва прогресси;	дастур аккредитациялари сиёсати;
	таълим дастури ва тузилиши;	ўқитувчи ходимларнинг сифатлилиги, таълим ресурслари, сервислар;
	ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш стратегиялари;	
натига (Outputs)	талабанинг муваффақиятлари: - билими; - тажрибаси; - тушунчаси.	таълим вазифалари (learning objectives), баҳолаш стратегиялари.

Сифат кафолати, сифатни бошқариш ва ташқи баҳолаш тизимлар кенг жорий этилган. Демак, таълимнинг сифатлилигини назорат қилиш ва уни оширишга кўмак бериш ҳар бир давлат ҳукуматининг асосий вазифаларидан бирига айланган.

### 1.3. Олий таълимда сифат ва рақобатбардошлик масалаларининг ўрганилиши ҳолати

Олий таълим сифати, сифатли кадрлар тайёрлаш масалалари билан Америка, Европа ва ривожланган Осиё мамлакатларидаги олимлар томонидан кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, англиялик муаллифлар А.Ашвес (Ashworth) ва Р.Ҳарвейларнинг (Harvey) олий таълим раҳбар кадрлари учун сифатни баҳолаш бўйича батафсил тавсиялар берувчи қўлланмасини келтириш мумкин [50; 15-б]. Унда кўпроқ ялпи сифат менежменти (Total Quality Management) методининг сифатни

баҳолашда қўлланилиши ҳақида маълумот берилади. Браун (Brown), Рейс (Race) ва Смес (Smith) эса ОТМ раҳбар ходимлари учун талабалар билан ишлаш, ўқитиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш, сифат жараёнлари, натижа ва хулосаларини таҳлил қилиш каби амалий ва реал маслаҳатларга бой бўлган тадқиқотларни олиб борганлар [55]. Шу соҳаларда иш олиб борган яна британиялик муаллифлар қаторига Б.Кокс (Cox), А.Инглебай (Ingleby) [62], Р.Эллис (Ellis) [70], Ж.Фрид (Freed), М.Клагман (Klugman) [75], К.Листон (Liston) [97], америкалик олимлар Л.Шер (Sherr), Д.Теттер (Teeter) [116], канадалик Д.Смес (Smith) [117], голландиялик А.Вроеженстиен (Vroeijenstijn), Ф.Вут (Vught), Вастерхейден (Westerheijden) [127], австралиялик В.Пипер [107] (Warren Piper) кабиларни кўшиш мумкин. Британиялик муаллифлардан яна бири Барнет (Barnett) олий таълимда сифатни кенг ёритиб, асосан, таълим дастурларини яхшилаш ва институционал натижаларни баҳолаш бўйича иш олиб борган.

Олий таълим соҳасидаги муаммолар ва масалаларга бағишланган бир қанча халқаро журнал ва даврий нашрлар мавжуд. Биз улардаги айнан сифат масалаларига тааллуқли ишларга тўхталамиз. Осло университети тадқиқотчиси Х.Пратасавицкая [109] олий таълим сифатига бўлган қизиқиш ва бу борада илмий тадқиқотларнинг кўпайишини XX асрнинг 80-90 йиллар мобайнида содир бўлган олий таълимнинг оммалашуви (massification of higher education) ва молиялашнинг диверсификацияси билан боғлайди. Андреас Хоетч эса британияда сифатга бўлган қизиқиш 1992 йилда у ердаги собиқ политехника ва коллежларга университетлар каби ҳуқуқ берилиши ва академик стандартларни ишлаб чиқишга эҳтиёж кўпайиши билан изоҳлайди [80: 51-б]. Шу вақтлар орасида ташкил этилган «Олий таълимда сифат» (*Quality in Higher Education*), «Олий таълимда сифат кафолати» (*Quality Assurance in Higher Education*), «Олий таълимда баҳолаш ва баҳо бериш» (*Assessment and Evaluation in Higher Education*) каби халқаро илмий журналлар олий таълим сифати бўйича қилинаётган илмий тадқиқотларнинг янада кенгайиши учун хизмат қилмоқда. Ушбу журналларда сифатни

ошириш механизмлари ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган, лекин қайси метод ёки механизмнинг олий таълим муассасалари учун айнан мослиги ҳамон баҳс-мунозара марказида бўлмоқда.

Инглиз олимлари Редфорд ва бошқалар томонидан яратилган «Олий таълимда миқдор ва сифат» (Quantity and Quality in Higher Education) асарида олий таълимда сифат менежменти, сифатни кафолатлаш ва академик стандартлар бўйича Британия тажрибалари кенг ёритилган [110]. Ушбу асарда, сифатни бошқариш ва уни кафолатлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ фаолият эканлиги, улар таълим стандартлари ёки академик стандартларга таянган ҳолда олиб борилиши таъкидланган. ЮНЕСКО ташкилоти ҳам олий таълим ривожланиши ва тадқиқоти бўйича асарлар яратиш ва нашр этишни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Улар орасида Власеану, Грунберг ва Парлеуларнинг «Сифат кафолати ва аккредитация: асосий тушунча ва терминлар» қўлланмаси олий таълимда сифат тушунчасини чуқур англаш учун муҳим манба ҳисобланади [124]. Олий таълим муассасасининг ривожланиб бориш стратегия ва тактикасини ўрганиш учун қўлланиб келаётган бенчмаркинг методини XX асрнинг ўрталарида Эдвард Деминг [68], Жосеф Журан [86], Каору Ишикава, Геничи Тагучи, Филлип Кросби [66] каби япон ва америкалик олимлар томонидан сифат менежменти соҳасини ривожлантиришда муваффақиятли томонлари очиб берилган. Э.Деминг Америка ишлаб чиқариш саноати мисолида саноатдаги оқсоқликни ўнглаш учун энг юқори бошқарувда кескин ўзгаришларни амалга ошириш кераклигини таъкидлаб, бунинг учун 14та пунктдан иборат бўлган тавсияларини ишлаб чиққан [104]. Демингнинг хулоса қилишича, ишлаб чиқариш ёки сервисда мижоз ўта муҳим ҳисобланиб, унинг талаб ва эҳтиёжларини узлуксиз ўрганиб бориш зарур, деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, Деминг хулосаси ҳозирги даврдаги олий таълим жараёни учун бозорга мослашиш, кадрларни рақобатбардошлигини таъминлаш, билимларни коммерцияланишувини амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Мижоз борасидаги Жосеф Жураннинг қарашлари ҳам Деминг фикрлари

билан ўхшашдир. Жосеф Журан сифат масаласини тўхтовсиз содир бўлувчи инқилобга қиёслайди, Япония иқтисодиёти ва таълим тизимидаги эришилган ютуқ ва тараққиётнинг сабабини ҳам сифатни узлуксиз яхшилаб бориш механизмларини кенг қўлланилганлиги билан боғлайди.

Деминг ташкилотда сифатни ошириш учун кўпроқ раҳбар ходимларга масъулият юклайди. Деминг раҳбар ходим образини яратар экан, у доимо сифатни оширишга эътибор қаратиши, жараёни тизимли тарзда такомиллаштириб боришга жавобгар бўлиши, жамоанинг «бир тан бир жон» тарзда иш олиб боришга мойил бўлиб ишлаш муҳитини ярата олиши кераклигини таъкидлайди. Филлип Кросби ушбу фикрни янада тўлдириб, мулоҳазалилик, эътиборлилик, эшитувчанлик, ҳамкорлик, мададкорлик, яратувчанлик, ўрганувчанлик, етакчилик, интилувчанлик, тушунувчанлик каби хислатларни раҳбар ходимга хос, деб таъкидлайди. Раҳбарлик маҳорати бўйича, айниқса, япониялик Матааки Имайнинг хулосалари диққатга сазовордир [83]. Унинг фикрича, ишлаб чиқариш ва сервис тизимида кўрсатмалар, асосан, «тепадан пастга» тенденцияси асосида бўлиши керак, лекин фикр ва мулоҳазалар «пастдан тепага» йўналиши асосига қурилиши маъқул, чунки ишлаб чиқариш, сервис ёки таълим тизими бўлишидан қатъий назар, барча жараёнларда муаммога яқин турган ва унинг ечимини кўра била оладиганлар қуйи поғона мутахассислари ёки ходимлари бўлади. Бизнинг фикримизча, олий таълимдаги энг қуйи поғона ходимлар ва профессор-ўқитувчилар билан юқори поғонадаги раҳбар ходимларнинг фикр алмашишлари учун маълум имкониятлар яратилиши мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этиш имконини беради ва Матааки Имайнинг хулосаларини амалда қўллаш мумкин бўлади. Юқоридаги санаб ўтилган муаллифларнинг яратган асарлари сифат масалалари бўйича изланиш олиб бораётган аксарият олимларнинг тадқиқотларида назарий ва амалий асос бўлиб келмоқда.

Олий таълим сифати масаласи Россия Федерациясининг турли нашрларида ҳам кенг муҳокама объекти бўлиб келмоқда. Шу мавзуда «Университет бошқаруви» (Университетское управление) журналида олий

таълимда сифатни ошириш методи ва механизмлари, олий таълимда стратегик бошқарув, бенчмаркинг ва ўқув дастурларини илғор тажрибалар билан яхшилашга қаратилиши каби мавзулар ёритиб келинмоқда. Журналда Н.Ш.Никитина ва П.Е.Щегловлар «Олий таълим сифати. Мутахассислар тайёрлашда таваккалчилик» деган мақоласида ISO 900(2) сериясида сифатга берилган изоҳлар асосида фикр юритадилар ва уни объектнинг (маҳсулот, хизмат ва жараён) маълум талабларга (меъёр ва стандартларга) мослиги даражаси деб юритадилар [30; 1-б]. Улар олий таълим сифатини таъминловчи икки аспектини кўрсатадилар: 1) ҳақиқий сифатли билим олиш учун унинг стандарт талаблари; 2) зарурий сифат ресурслари, яъни дастурлар, кадрлар ва абитуриентлар салоҳияти, моддий-техник база ва етарли молия билан таъминланганликдир. Шунингдек, сифатни белгилашда талабаларнинг жорий ва якуний ўзлаштириши ҳам муҳим аҳамият касб этишини ёритилган. В.В.Левшина олий таълим сифати бўйича Россия таълим вазирлигининг мезонини келтириш билан чегараланади. Унга кўра, сифат, биринчидан, талабалар ва битирувчилар билими даражасининг стандартларга мувофиқлиги, иккинчидан, таълим мазмуни, абитуриентлар ва ўқитувчи кадрларнинг тайёргарлик даражаси, ахборот-методик, моддий-техника таъминоти, фойдаланиладиган таълим технологиялари ва илмий фаолиятдан иборат [26; 1-б].

Олий таълим сифати С.И.Солонин, С.В.Кортовлар томонидан янада ойдинлаштирилган. Улар олий таълимнинг юксак сифатини:

- таълим дастурларининг буюртмачилар (давлат, бизнес, шахс) ва таълим стандартларига мувофиқ бўлиши;

- манфаатдор томонларнинг (таълим олувчилар, иш берувчилар ва б.) таълим хизматларидан қониқиш ҳосил қилиши;

- таълим муассасаси ўқитувчи ва ходимларнинг ўз ишларидан қониқиш ҳосил қилиши;

- жамият аъзоларига уларнинг умуммаданий савияси ва ўқимишлилигини оширишга ижобий таъсири деб тушунадилар [35; 1-б].

Шуниси эътиборлики, улар сифат назоратига қисқа ва лўнда таъриф берганлар: «Назорат бу хатоларни топиб, айбдорларни жазолаш эмас, балки сезилмаётган камчилик ва етишмовчиликларни сабабини аниқлаш ҳамда уларга конструктив маслаҳатлар бериш демакдир. Назорат бу фаолият коррекциясини ишлаб чиқиш учун фикр ва мулоҳазалар (feedback) учун кўприқдир» [35; 4-б]. Журнал саҳифаларида айрим муаллифлар биз ўрганган манбаларга ҳам мурожаат қилганлар, жумладан, Е.В.Бурмистров сифат тамойилларига тўхталар экан, Дэмнинг циклига асосланиш зарурлигини уқтиради. Бу цикл «режалаштириш – бажариш – ўрганиш (баҳолаш) – давом эттириш (тузатиш)» каби босқич амалларидан иборат [18; 1-б]. Ахборот манбаларида Г.Ф.Ромашкиннинг тадқиқотлари ҳам эълон қилинган. У ЮНЕСКОнинг 1995 йилдаги «Олий таълим ривож ва ислоҳоти» (Реформа и развитие высшего образования) номли ҳужжатидаги уч сифат меъёри – персонал сифати, талабаларни тайёрлаш сифати, инфраструктура сифатига асосланиб, аҳолининг давлат ва бозор иқтисодига асосланган таълимга муносабати ўзгарганлиги, талабаларнинг мотивацияси таҳлили, билимлар сифати масалаларини ёритади [32].

Олий таълимда сифатли кадрлар тайёрлаш доимо назорат қилиб (баҳолаб) келинган. Бу масала ҳам Россия Федерацияси ахборот тизимларидан ўрин олган. Бу масаланинг мураккаблиги тўғрисида Е.Ю.Васильева: «Афсуски, биз шуниси эътироф этишимиз лозимки, олий таълим муассасаларидаги таълим муҳити сифати мониторинги қонун билан белгилаб қўйилмаган,» [19; 24-б] – дейди ва олий таълимнинг кадрлар тайёрлаш бўйича барча тузилма ва субъектлари мониторинги тизими таҳлилларини беради.

Олий таълимдаги глобализация масаласи ҳам Россия ахборот манбаларида ўрганилган. Бу мавзуга мурожаат қилган М.М.Акулич назарий ва амалий адабиётларни таҳлил қилар экан, Россияни ҳам глобализация жараёнлари четлаб ўтмаслигини ва у ҳам жаҳон таълим майдонига

интеграцияланиши муқаррар деб билади ва унинг бир қатор омилларини санаб ўтади:

- тил универсаллиги;
- айрим олинган фан бўйича ягона истиқболни мавжуд бўлиши;
- ўқитиш методикаси ва технологиясида умумийлик бўлиши;
- ижтимоий институт сифатидаги таълим функцияларининг умумийлиги.

Уларни умумлаштириб, М.М.Акулич глобализацион тенденциялар миллий таълим тизимларида умумий даражанинг бўлиб бориши билан боғлиқлигини таъкидлайди [16]. Демак, олий таълим сифати, глобализация жараёнлари жаҳондаги барча мамлакатлар томонидан тан олинган ва унинг ҳамон кўплаб муаммолалари бор.

Олий таълимда сифат ва рақобатбардошлик масалалари мамлакатимизда ҳам чуқур ўрганилмоқда ва катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз олий таълим тизимида сифатли кадрлар тайёрлаш бўйича тобора кўпроқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олий таълим соҳасида сифатга эришиш ҳозирги кунда таълимни бошқаришга кафолатли давлат органлари ва ҳар бир ОТМнинг бевосита бошқарув функцияси бўлиб турибди. Мамлакатимизда олий таълим сифатини таъминловчи омиллар доираси белгилаб олинган ва амалга ошириш тадбирлари Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ҳар бир ОТМ раҳбарияти буйруқлари, директив ҳужжатлари ва йўриқ хатлари асосида таълим жараёнига киритиб борилади. Уларда сифатни белгиловчи омиллар этиб қуйидагилар кўрсатилади:

1. Давлат таълим стандарти. Олий таълимнинг сифати кўп жиҳатдан меъёрий ҳужжатларига, хусусан, Давлат таълим стандартларига боғлиқ (бу ҳақда қуйироқда яна фикр юритилади). Ўзбекистон Республикасида бу масала анча кучли ривожлантирилган, Вазирлар Маҳкамасининг 3та: «Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида», «Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим

стандартларини тасдиқлаш тўғрисида», «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди.

2. Олий таълим профессор-ўқитувчилари сифати. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 3та – 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 242-сон қарори, 2006 йил 10 февралдаги «Олий таълим муассасаларига педагог кадрларни танлов асосида қабул тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 20-сон қарори, 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сон қарорини келтириш ўринли бўлади. Улар таълим жараёнига сифатли педагог кадрларни жалб қилиш имкониятини беради.

3. Таълим ресурслари. Сифатли таълим бериш учун ОТМларининг моддий-техника базаси кучайтирилди, ахборот технологиялари марказлари ишлаб турибди, ахборот-ресурс марказларида миждозларга хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилди.

4. Ўқув-методик таъминот. Давлат таълим стандартларига мос ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари, уларнинг электрон версиялари яратилди. Масофавий таълимга асос солинмоқда.

5. Профессор-ўқитувчилар фаоллигини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди. Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди ва такомиллаштирилмоқда.

6. Рейтинг. ОТМлари ўртасида республика миқёсида рейтинг тизимига асос солинган. «Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сонли қарори амалга оширилмоқда. Ҳозирда рейтинг тизими билан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси шуғулланмоқда.

7. Ўқитишнинг мамлакатимизда ва жаҳонда синалган технологиялари жорий этилган ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифати «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тарраққиёт Дастури (UNDP)» асосида ўрганилди. Унинг «Инсон таракқиёти тўғрисидаги маъруза» рукнидаги нашрида олий таълимнинг устивор масалалардан бири эканлиги, уларни ихтисослаштириш, ҳудудийлаштириш, кадрларни тайёрлаш жараёнида сифат масалаларига ҳам тўхталган [23].

Мамлакатимизда таълим тизимида сифат ва уни бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалилов томонидан яратилган «Таълим сифатини бошқариш» асари педагогика назарияси ва амалиётида таълим сифатини бошқариш масалаларини тадқиқ этиш йўлидаги дастлабки изланишлар маҳсулидир [41]. Унда таълим сифатини бошқаришнинг моҳияти, ижтимоий-педагогик ва психологик хусусиятлари, таълим сифатини ошириш омиллари, хусусан, давлат, жамият, таълим муассасаси раҳбарияти ҳамда педагогик жамоанинг таълим, унга мувофиқ равишда кадрлар тайёрлаш жараёнининг сифатини ошириш йўлидаги фаолияти, асосий жараёни тўғрисида сўз юритилади; таълим сифатини назорат қилиш, баҳолаш ушбу мақсадда амалга оширилаётган мониторингнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилади. Шу билан бирга сифатни кафолатлаш (Quality Assurance) ва кафолатлашдаги ёндашувлар, ялпи сифат менежменти (Total Quality Management), касб-ҳунар таълимида ISOни қўллаш, умуман рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш масалалари изчил ёритилган. М.Ҳ.Саидовнинг олий таълимда рақобатбардош кадрлар тайёрлашга бағишланган «Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги» номли асарида олий таълимнинг муҳим бўғинини ташкил этувчи - иқтисодиёт, инвестициялар ва маркетинг тизимини ривожлантиришни ўрганишга бағишланган бўлиб олий таълим муассасалари раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, талабалари учун фаолиятнинг тегишли соҳасида ўз манфаатларини амалга оширишларида

мўлжални тўғри танлашга ёрдам беради. Бу эса биз ўрганиётган олий таълимда рақобатбардошлик ва глобаллашув масалалари билан боғлиқдир [34].

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

1. Олий таълимда сифатга эришиш унинг салоҳиятини, иқтисодий барқарорлигини таъминловчи кафолатдир.

2. Хорижий илмий манбалар бўйича олий таълим сифати ўрнатилган меъёрларга талаблар бўйича тайёрланган кадрларнинг мослигидир.

3. ОТМларда сифатни таъминловчи тузилмалар – бу таълим субъектлари, таълимнинг меъёрий асослари ва таълим муҳитидир.

4. Хорижий мамлакатларда сифатнинг анъанавий тушунчаси миждозга (талаба, буюртмачи) юқори даражада маҳсулот (кадр) етказиб бериш, сервис кўрсатиш ва имиджга эга бўлишдир.

5. Хорижий мамлакатларда маҳсулот (кадр) ва сервис (талабаларни ўқитиш) бўйича бир неча фигураларнинг қарашлари юзага келганки, улар иқтисодда бўлсин, таълимда бўлсин, муваффақият билан қўлланмоқда. Жумладан, Диана Грин, Жаксон, Лунд ва бошқалар.

6. Хорижий мамлакатларда ОТМлар автономиясининг ошиб бориши уларда сифатли кадр тайёрлаш вазифасини келтириб чиқарар эди, акс ҳолда, бундай олий таълим муассасалари рейтингги тушиб кетади ва рақобатда ўз ўрнини йўқотишига тўғри келади.

7. Хорижий мамлакатларда олий таълимда сифат менежменти тушунчаси амал қилади ва у сифат кафолати, баҳолаш каби таркибий қисмларга эга. Бу уч таркибий унсурлар баҳолаш, аудит, аккредитация терминлари билан юритилади ва моҳияти жиҳатидан ўзига хослиги бўлса-да, мазмун жиҳатдан умумийликка эга. Уларга турли мамлакатларда турлича мазмун-моҳият ҳам берилган. Жумладан, аккредитациянинг ўзи амалга ошириш доирасига кўра, бир неча турлари мавжуд. Бу масалада Ўзбекистон

Республикасидаги аккредитация халқаро меъёрлар ҳисобга олинган ва аниқ мақсад, вазифаларни амалга ошириши билан характерланади.

8. Таълим стандартлари сифатни кафолатловчи энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда унинг икки тури, яъни таълим стандарти ва академик стандартлар амалда қўлланади. Академик стандартлар тушунчаси автономия асосида ишлаётган университетларда жорий этилган, лекин у аксарият ўринларда давлат тасарруфидаги ҳамда автономия асосида фаолият кўрсатадиган таълим стандартларига нисбатан ҳам қўлланади.

9. Таълим стандарти ҳам, академик стандарт ҳам таълим сифатини кафолатлаш жиҳатидан умумийликка эга, лекин таълим дастурларининг эксклюзивлиги жиҳатидан улар бир-бирига ўхшамаслиги мумкин. Уларнинг таълим дастурларида танлов фанларининг кўплиги билан олий таълим муассасалари таълим стандартлари ўзаро фарқланади.

10. Хорижий мамлакатларда таълим сифати билан асосан нодавлат структуралар, ижтимоий асосда фаолият кўрсатадиган ташкилотлар шуғулланади. Уларнинг олиб борган аудит ишлари, хулосалари ижтимоий фикр сифатида ижро этилиши қонунлаштирилган. Бундай нодавлат ташкилотлар келгусида мамлакатимизда ҳам шакллана бошлаши мумкин. Бунга ҳозирги пайтда олий таълим муассасалари қошида шакллантириляётган васийлик кенгашлари асос бўлиб хизмат қила олади.

## **II БОБ. ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1. Хорижий олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашга доир замонавий ёндашувлар**

Сифат ва рақобатбардошлик тушунчалари олий таълимга бизнес ва иқтисодиётдан кириб келди, чунки сўнгги йилларда сифат ва рақобатбардошлик тушунчалари фақат маҳсулот ишлаб чиқаришда ва бизнесда эътиборли бўлиб қолмасдан, балки ташкилотлардаги инсон ресурслари, кадрларни бошқариш ва иш жараённи самарадор олиб боришда асосий кўрсаткич сифатида тан олинмоқда. Шу тўғрисида шиддат билан ривожланаётган рақобат ва тобора ўсиб бораётган янги технологиялар, маҳсулот ва сервис ишлаб чиқариш соҳасида кучлироқ бўлишга, ташқи омилларга ҳозиржавоб бўлишни кўзда тутувчи янги методлар қўллашга ундади. Бундай методлар ишлаб чиқариш ва бизнесда XX асрнинг асрнинг 70 - йилларида пайдо бўлган бўлиб, асосан, ғарб давлатларида, кейинчалик Осиёнинг ривожланган давлатларида тарқала бошлади ва натижада олий таълимга ҳам кириб келди. Бундай методлар қаторига стратегик режалаштириш (Strategic Planning), ялпи сифат менежменти (Total Quality Management), бизнес жараён реинжиниринги (Business Process Reengineering), сифатнинг узлуксиз яхшиланиши (Continuous Quality Improvement), кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими (Balanced Score Card) кабиларни киритиш мумкин.

Олий таълимда сифатни таъминлашда кенг тарқалган методлардан бири бу ялпи сифат менежменти (Total Quality Management) ҳисобланади. Ялпи сифат менежменти бизнес бошқарув стратегияларидан бири бўлиб, муассасанинг барча жараёнларида сифат категориясининг амал қилинишини билдиради. Ялпи сифат менежменти марказида сифат масаласи туради ва

мижозлар эҳтиёжини қондириш масъулиятини ташкилотнинг биринчи раҳбаридан токи қуйи ходимигача ҳис этиши лозим бўлади. В.Лазар, Л.Грунберг ва Д.Парлеулар томонидан яратилган ЮНЕСКО қўлланмаларида таъкидланишича, ялпи сифат менежменти сифатга эришишда асосан «узлуксиз яхшиланиш» (continuous improvement), миждознинг талабини қондириш, стратегик менежмент, сифат кафолатининг аниқ тизимга асосланиши, раҳбариятнинг қўл остидагиларга ваколатларни ишонини (delegation the authorities) каби факторларга таянади [124; 49-б]. Ван дер Берге ялпи сифат менежменти ташкилотдаги барча ходимларнинг саъй-ҳаракатлари орқали миждозларни қаноатлантиришга қаратилган самарали фаолият юритиш деб билади [133; 25-б]. А. Каримов ва Л. Перегудовлар эса ялпи сифат менежментини ОТМнинг барча ходим ва бўлинмаларининг сифатли иш олиб боришга қаратилган оммавий ҳаракати деб биладилар [24; 54-б]. Ушбу методни олий таълимда қўлланилиши таълим тизимининг ташқи иждимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири билан боғланади. У илк бор 1986 йилда АҚШнинг Делвея Каунти халқ коллежида (Delaware County Community College) админстратив ишларда, қабул ишларида самарадорликни ошириш мақсадида қўлланган. Орегон давлат университетида (Oregon State University) ҳам 1989 йилда худди шу соҳаларда қўлланган [96; 16-б]. Бу метод кейинчалик бошқа давлатларда кенг тарқала бошлади. Масалан, Скандинавия давлатларида, жумладан, Швеция олий таълим агентлиги томонидан ялпи сифат менежментига асосланган сифатни баҳолаш ва таълимда самарадорликни ошириш бўйича тизим яратилган [78; 1-б]. Демак, ялпи сифат менежменти, асосан, ишлаб чиқаришда кенг тарқалган бўлиб кўпроқ миждознинг талаб ва истагини қондиришга қаратилган сифатни узлуксиз яхшилаб бориш жараёни дейиш мумкин.

Ялпи сифат менежменти ишлаб чиқаришда, таълимда, тиббиётда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилиб келинади, лекин уни олий таълимда қўллашнинг муаммоли томонлари бор. Буни Г. Срикантан қўйидагича ифодалайди:

1. Юқорида таъкидланганидек, ялпи сифат менежменти, асосан, миждознинг талаб ва эҳтиёжини қондиришга ёки маҳсулотнинг сифатига қаратилган, аммо диссертациянинг 1-бобида келтирилганидек, олий таълимда миждознинг ким эканлигини аниқлашнинг ўзи муаммолигича қолган.

2. Ялпи сифат менежментида кўпроқ ўқув жараёнига эътибор қилиниб, уни ўлчаш ва миждорий баҳолаш кўзда тутилади.

3. Ялпи сифат менежментини олиб боришда университет миждосида самарали мулоқот (*effective communication*) тизими учун шароит бўлиши лозим, лекин Г. Срикантан университетлардаги академик менежерларнинг бошқарув кучига эга бўлиш ва барча бўғиндаги ходимларнинг ҳал қилувчи қарор қабул қилишда қатнашишини номаълум қилиб қўяди [119; 8-б]. Шунга қарамай, ушбу методни қўллаш олий таълим муассасалари орасида кенгайиб бормоқда.

Кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими (КМСТ) (*Balanced Score Card*) ҳам сифатни ошириш методларидан бири бўлиб кўпроқ ишлаб чиқариш ва бизнесда кенг тарқалган. Уни олий таълимда қўллаш сўнгги ўн йиллар ичида кўпайган. Бу методнинг афзаллиги шундаки, ташкилотнинг барча фаолиятлари ва ҳаракатлари унинг истиқболлига (*Vision*) эришиш ва миссиясини (*Mission*) амалга ошириш сари етаклайди. Истиқбол-муассасанинг келажакдаги ўрни ёки узоқни кўзлаган, муассаса келажакини оптимистик акс этувчи мақсадидир. КМСТнинг қўлланиш жараёни «асосий фаолият кўрсаткичлар»и (*Key Performance Indicator*) орқали ўзаро мувозанатларини сақлаган ҳолда истиқболли мақсадларга эришишдан иборат. Масалан, олий таълимда истиқболли мақсадларни қуйидагича йўналишларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- таълим истиқболи – таълимни ва илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш истиқболлари;

- ташкилий ишлар истиқболи – иш жараёнини ташкил этиш ва уни ривожлантириш истиқболи;

- кадрлар истиқболи – иш берувчиларни рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш истиқболи;

- молиявий истиқбол – бюджетдан ташқари маблағларни ва инвестицион молиявий тушумларни кўпайтириш истиқболи.

Иқтисодиётдан олинган тажрибалар шуни кўрсатадики, олий таълимда юқоридаги каби истиқболли йўналишлар тенг даражада долзарбликка эга бўлиб, ўзаро мувозанатни сақлаган ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ хисобланади. АҚШ, Англия ва Италияда давлат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва таълимда КМСТ кўп йиллардан бери қўлланиб келинмоқда. Масалан, Италияда олий таълим вазирлигининг 2007-2009 йилларга мўлжалланган университетларда режалаштириш ишларини амалга ошириш учун КМСТ методидан кенг фойдаланилган [69; 2-б]. Англиядаги Эдинбург университети 2002 йилда бошқарув ва стратегик режалаштириш бўйича ўзига хос КМСТ ишлаб чиққан. Унда университетнинг стратегик мақсади ва вазифаларини амалга оширишни акс этувчи 32та асосий кўрсаткичлар мавжуд бўлган. Бундан кўринадики, ушбу метод, асосан, кўрсаткичли натижага эга бўлган жараёнлар учун қўл келади. Руминияда ушбу методдан ОТМ менежментини такомиллаштиришда қўлланилган.

Кайзен ёки узлуксиз сифат яхшиланиши (Continuous Quality Improvement) методи эса сифатга эришишда ташкилотнинг барча жабҳаларини, иш фаолиятларини, барча персоналлар (раҳбардан тортиб қуйи поғона ишчи-ходимларигача) фаолиятини жалб этиш тушунилади. Кайзен ташкилотдаги кераксиз ва фойдасиз фаолият ва тадбирларга чек қўйиб, илмий янгиликлар ва экспериментал тажрибаларни кенг қўллаш асосида барча жараённи ташкилот ривожланишига қаратади. Кайзен (Kaizen) японча сўз бўлиб, «ривожланиш» маъносини билдиради ва фанда узлуксиз сифат яхшиланиши маъноси билан жой олган. Кайзен асосан ишлаб чиқариш ва бизнесда кенг тарқалган бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Японияда пайдо бўлган. Япониянинг Тойота ва бошқа йирик компанияларининг юқори кўрсаткич ва юксак ютуқларга эришишига сабабчи бўлган. Узлуксиз сифат

яхшиланиши олий таълимда 1990 йилдан бошлаб қўлланила бошлаган. Масалан, Америкадаги Жоржия Тек (Georgia Tech), Мариланд (Maryland), Шимолий Дакота (North Dakota), Орегон давлат (Oregon State), Пенсилвания давлат (Penn State), Пурдю (Purdue), Висконсон (Wisconsin) каби университетларда ва Рочестр технология институтида (Rochester Institute of technology) узлуксиз сифат яхшиланиши талабаларга хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштиришда, ўқув дастурларини талаба-мижознинг эҳтиёжларига мослаштиришда ҳамда административ операцияларнинг самарадорлигини оширишда қўлланилган [81]. Бундан ташқари, Шимолий Ирландиядаги Улстер (Ulster) университети, Англиядаги Волферҳамптон (Wolverhampton) университети, Астон университетида ҳам кампус инфраструктурасини ва ўқув жараёнини такомиллаштиришда қўлланилган [81]. Узлуксиз сифат яхшиланиши маълум фанларни ривожлантиришда ҳам қўлланилган. Бунга АҚШдаги Аризона университетининг фармацевтика факультетида «Фармацевтикада илмий тадқиқот» фанини яхшилаш учун қўлланилганини мисол қилиш мумкин. Унда фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро интеграциясини ошириш, талабаларни мустақил ўрганишга кўниктириш, маърузаларни инновацион методлар билан ўтиш каби вазифалар кўзланган [85].

Юқорида келтирилган сифатни ошириш ёки сифатга эришиш методлари билан бирга ҳозирги даврда унинг янги турлари пайдо бўлмоқда, лекин уларнинг қай бири қачон, қайси муассасада ва қай ҳолда қўлланилиши юзасидан ҳозиргача бир тўхтамга келинган эмас. Тадқиқотчилар ўртасида ҳамон баҳс-мунозаралар давом этиб, методлар янада такомиллаштирилиб ва уларга ўзгартиришлар киритиб келинмоқда. Кўрилган методларнинг олий таълимда қўллашга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам кундан кунга ошиб бормоқда. Албатта, бу борада ғарб мамлакатлари ҳамда ривожланган Осиё давлатларидаги ОТМлари сезиларли тажриба орттирган. Айти тажриба ва амалиётлар шуни тақозо қилмоқдаки, улар орасида бенчмаркинг ва тюнинг каби методларнинг ўрни олий таълимда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Чунки бенчмаркинг ва тюнинг методлари хорижий ОТМларда кенг кўлланмоқда ва бой тажриба шаклланган.

## **2.2. Бенчмаркингнинг олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни**

Бенчмаркинг аслида бизнесга оид термин, лекин у аксарият соҳаларга кириб бормоқда. У тушунча таълим соҳасига ҳам кириб келди. Бенчмаркинг инглизча сўз бўлиб, горизонтал ричаг (bench) ва белгилаш (mark) деган маънолардан ташкил топган. Силвия Кодинг таъкидлашича, бенчмаркинг тушунчаси илк бор қадимги Мисрда қўлланилган бўлиб, темирли ричагни тарозисимон тарзда бир нуқтага қўйиб нарсаларнинг оғирлигини ўлчашдан иборат бўлган [58]. Демак, бенчмаркингнинг энг тўғри маъноси тарози ва унда ишлатиладиган стандарт тошларни ва шу тошлар ёрдамида предметларнинг оғирлигини ўлчашни англатган. Сифат даражалари ҳам шу каби ўлчамларга қиёслаб белгиланади. Аксарият адабиётларда шундай таърифлар берилади: «Бенчмаркинг бу қиёслаш, бир-биридан ўрганиш ва шу йўсинда муассасанинг заиф томонлари ва муаммоли аспектларини ҳамкорликда яхшилаш демакдир». Бенчмаркинг методидан фойдаланаётган ҳар бир университет раҳбарияти ўзи танлаган ҳамкори ўзига мос ва турдош фаолият юритаётган бўлиши лозим [52].

Бенчмаркинг бу мавжуд тажрибаларни ривожлантириш ёки ўзаро ўрганиш мақсадида хизматларни очиқ ва ҳамкорликда баҳолаш демакдир.

Бенчмаркинг бу ривожланиш ва ўз-ўзини тартибга солишга ёрдам сифатида тажриба, иш жараёни ва ижро этиш (performance) кабиларни изчил қиёслаш ва баҳолаш демакдир [98]. Шу билан биргаликда, ташкилотнинг заиф томонларини ҳамкорликда яхшилаш ҳам тушунилади.

Бенчмаркингга энг мақбул таъриф Д. Маслов томонидан берилган: «Бенчмаркинг бу эталон, қиёслаш, корхона жараёнларини баҳолаш бўлиб, ўз фаолиятини такомиллаштиришда зарур бўлган фойдали ахборотларни олиш мақсадида жаҳон миқёсидаги етакчи (лидер) компаниялардаги жараёнларга

қиёслашдир» [27]. Я.Ш.Евдакимова таърифиди юқоридаги мазмун янада ойдинлашади: «Бенчмаркинг – бу ўз ташкилотининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бошқа ташкилотларнинг тажрибасини, энг яхши амалиётини аниқлаш, ўрганиш ва унга мослаштириш жараёнидир» [22].

Умуман олганда, бенчмаркинг кенг тушунчага эга бўлиб, улар турли хил талқинларга эга, аммо Ж.Алститнинг асосли фикрича, уни «ташкилотлар ва саноат корхоналари ўзаро ва биргаликда ўз-ўзини яхшилаш имконини берувчи маълумотлар йиғиш учун жараённи, тажрибани ва фаолиятни таҳлил қилишдир» [43]. Чунки Бенчмаркинг методи XX асрнинг 80-90 йилларида бир қанча коорпорацияларга фойда келтирди ва банкротдан сақлаб қолди. Масалан, жаҳондаги энг йирик Ксерокс (Xerox) компанияси 1979 йили ўз маҳсулотларини Япон компанияларининг илгарилаб кетиши ва рақобатга бардош бера олмагани боис, компанияни банкротликдан сақлаб қолишнинг чораларини зудлик билан кўриб чиқа бошлаганда, Япон компанияларининг маҳсулотлари нисбатан сифатлироқ ва таннархи пастлиги билан танилиб қолган эди. Ксерокс ўзининг барча иш услублари ва амалдаги иш операцияларини япон ҳамкор компаниялари билан қиёслади ва солиштирди. Нима учун улар ўзиб кетгани, нима учун ўзлари мағлубиятга учрашганини, жараённинг қандай олиб борилганини синчиклаб ўрганиб чиқишди, японлардан янги, илғор тажриба ва амалиётни ўзлаштириб ва мослаштириб олишди. Натижада Ксерокс нафақат банкротликдан сақланиб қолди, балки 1991 йилда Американинг Малком Болдридж Сифат (Malcolm Baldrige national quality award) миллий мукофотига сазовор ҳам бўлди. Ксерокс бу пайтда фақатгина бенчмаркинг усулидан фойдаланган эди.

Спендолини бенчмаркинг раҳбарлар учун «ўз катакларига ташқаридан назар солиш»га имкон бериши айтиб ўтган эди [118]. У яна кўшимча қиладики, бенчмаркинг шунчаки кўрсаткичлар ёки ҳисоботдаги рақамларни солиштириш эмас, балки бу ташкилотнинг илғорлашуви ва такомиллашуви учун аҳамиятли бўлган, стандарларга асосланган ва қиёсланган ҳолда ўзлаштириладиган маълумотларни таъминлашдир. Европадаги олий

таълимда бенчмаркинг ташаббуси (European Benchmarking Initiative in Higher Education) уюшмаси ҳам бенчмаркингни ўз тажрибалари ва иш натижаларини бошқалар билан ҳамкорликда ва изчил солиштириш орқали ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини яхшилаш методи деб таърифлаган [64].

АҚШлик Кнемпнер бенчмаркингни қуйидаги каби саволларга жавоб топишга уриниш деб қарайди:

- бошқаларга нисбатан биз қандай бажаряпмиз?
- биз қанчалик яхши бўлишни хоҳлаймиз?
- ким яхшироқ бажармоқда?
- улар (яхшироқ бажараётганлар) бунга қандай эришмоқда?
- биз улар бажарган ишларни ўзимиз учун қандай мослаштира оламиз?
- энг яхши бажаришга эришсак-да, янада такомиллашишни узлуксиз

давом эттира оламизми ?

Ушбу саволлар авваллари ОТМлар учун аҳамиятли эмас эди, лекин 1990 йиллардаги иқтисоддаги ўзгаришлар ташкилотларнинг сифат жиҳатдан ўсиб бориши « бир тўхтамда туриб қолиш» (status quo) билан қаноатланмай қолди, балки узлуксиз тарзда иш фаолиятини юқоридаги каби саволларга жавоб излаш асосида ташкил этиши муҳим бўлиб қолди.

Европа олий таълими самарадорлик консорциуми (Consortium for Excellence in Higher Education) бенчмаркингнинг бир қанча афзалликларини келтиради [60; 12-б]. Унга кўра, бенчмаркинг шунчаки иш бажаришни қай даражада эканлигини ўлчашдан иборат эмас, балки корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий бизнес стратегия деб таъкидланади ҳамда бенчмаркинг афзалликларини қуйидаги тамойиллари белгиланади:

- *узлуксизлик*. Бенчмаркинг бир марталик эмас, балки у ташкилотнинг амалга ошириладиган режалари ва жараёнлари билан узлуксиз тарзда уйғунлашган бўлиши керак;

- *изчиллик*. Бунинг учун ташкилот ўзига маъқул кўрган метод бўйича қатъий тартибга асосланган иш олиб бориши зарур;

- *фаолият*. Бенчмаркинг ташкилотнинг амалдаги жараёни ва «илғор тажриба» ўртасидаги бўшлиқни аниқлашга ёрдам беради, лекин шу бўшлиқни тўлдириш учун илғор тажрибага тенглашиш бўйича чора-адбирларни амалга ошириши зарур;

- *илғор тажриба*. Бунда тажриба идеал бўлиши шарт эмас, балки ташкилот ўзидан кўра яхшироқ бажараётган бошқа ташкилотлардан иш ўрганади.

Бенчмаркинг бўйича Ж.Филден қарашлари ҳам мавжуд бўлиб, *баҳолаш* ва *инновация* унинг афзалликларидан деб билади. Фаолиятларни бир-бирлари билан қиёсий баҳолаш ўша муассасанинг натижалари ва муваффақиятларини тўлиқ акс эттиришини таъкидлайди [73]. Шунингдек, қиёсий ўрганишлар муассасаларнинг потенциал имкониятларини очади ва инновацион ҳаракатларга ундайди.

Бенчмаркингни олий таълимда қўлланилиши ва уни татбиқ этиш бўйича эса Алстит (Alstete) [43], Жаксон (Jackson) ва Лунд (Lund) [84], Шух (Schuh) [53], Роберт Кемп (Camp, R.C) [56], Спендолини (Spendolini) [118], Заири (Zairi) [135], Алекс Аплбай (Alex Appleby) [49], Аллен Скофелд (Allan Schofield) [115], Бендер (Bender) [52], Силвия Кодлинг (Sylvia, Codling) [58], Фақуҳар Робин (Farquhar Robin) [72] каби олимларнинг ишлари диққатга сазовордир. Бенчмаркинг таърифини асосан Роберт Кемп [56], Заири [135], Кук [61] ва Морфи каби муаллифлар ойдинлаштириб берганлар. Бенчмаркингни олий таълимда татбиқ этилишини эса Алстит [43], Жаксон [84], Лунд [98], Барбара Бендар [52] ва Шух [53] кабилар асослаб берганлар. Айниқса, Австралиялик Маккинон (McKinnon, K.R.), Волкер (Walker S.H.), ва Девис (Davis) томонидан яратилган «Австралия университетлари учун бенчмаркинг» (Benchmarking: A manual for Australian Universities) қўлланмаси нафақат Австралиянинг ўзида, балки дунёнинг бошқа мамлакатларидаги ОТМларидаги амалиётчилар учун фойдали деб тан олинган [103].

Шу ўринда бенчмаркинг методини олий таълимда қўлланилишини батафасил таҳлил этмоқчимиз. Аввал таъкидлаганимиздек, глобаллашув жараёнларида ҳеч бир ОТМ ўз ҳолича ривожлана олмайди. Тўғри, ҳар бир мустақил давлатнинг олий таълимдаги ўз сиёсати бўлади, лекин ОТМлар рақобатбардош бўлиши учун сифатга эътибор бериши ва бошқарувнинг дунё тажрибаларини миллийлаштириб боришига тўғри келади. Болонья жараёни, очиқ ахборот муҳити бунга мажбур ҳам қилади. Бундай шароитда олий таълимда илғор тажрибалар жуда зарур бўлиб қолади. Бенчмаркинг асл моҳияти билан иқтисодга оид бўлса-да, олий таълим соҳасида илғор тажрибаларни ўзаро ўрганиш имконини беради. Ж.Алститнинг таъкидлашича, бенчмаркинг университет ва коллежларда янгилик ёки ижобий ўзгаришларга тўсқинлик мавжуд бўлган муҳитда таълим муассасасини ривожланиши учун имконият яратиш орқали ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади [43; 10-б]. Ҳамкорлик қилиш, фикр алмашиш муҳити ОТМларига хос бўлган жараён эканлигини ҳисобга олсак, бенчмаркинг ОТМларига бизнес соҳасидан кўра ҳам кўпроқ зарур эканлиги маълум бўлади. Б.Бендар уқтирадики, ОТМлар доимо ўз фаолиятларини, яъни ўқув дастурларидан тортиб токи муассасанинг инфратузилмасигача бўлган барча аспектларида доимий равишда камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, уларни ўз вақтида ҳал қилишни кўзда тутувчи ишлар олиб боришлари керак. Агар шундай бўлмаса, таълим муассасаси ўз келажагини хатарга солиб қўяди. Шундай экан, бенчмаркинг таълим муассасаларида ўз-ўзини баҳолаш ва фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этишни кўзда тутувчи энг мақбул метод бўлиб ҳисобланади [52].

Бенчмаркинг олий таълимда дастлаб Шимолий Америкада 1990 йиллардан бошлаб қўллана бошлади. АҚШда бенчмаркингни олиб бориш ва уни олий таълимга татбиқ этиш бўйича бир қанча уюшмалар мавжуд (NACUBO-National Association of College and University Business Officers; ACHE-The Association for Continuing Higher Education; Benchmarking Exchange; Educational Benchmarking). 1990 йиллар давомида бенчмаркинг

тажрибаси Европа ва Австралия ОТМларига тезлик билан таркала бошлади. Ҳозирги кунда Европада бенчмаркингни муваффақиятли қўллаб келаётган бир неча марказ ва уюшмалар мавжуд. Масалан, Белгия университетларни стратегик бошқариш Европа маркази (European Center for Strategic Management of Universities), Германия олий таълим муассасаларини ривожлантириш маркази (Centre for Higher Education Development). UNESCO-CEPES қошидаги Европа олий таълим муассасалари маркази (European Centre for Higher Education), Португалиядаги Авиэро университети (Universidade de Aveiro) шулар жумласидан. Бенчмаркинг уюшмаларнинг энг асосийларини қисқача шарҳи диссертациянинг 2-иловасида берилган.

Бенчмаркинг мақсадига кўра, бир неча турларга бўлинади. Олий таълимда кенг тарқалган турларидан бири генерик (Generic) бенчмаркинг деб аталади. Ж.Алстит генерик бенчмаркингнинг шундай қирраларини белгилайди:

- ҳамфикрлик. Генерик бенчмаркинг жараёнида иштирокчи муассасалар ўртасида мулоқот олиб бориш, ягона ғояга эга бўлиш ва тажрибалар ўрнатиш учун қулай шароит яратилади;

- тажрибалар ўрнатишга тайёргарлик. Бунда интервью, сўровнома ва амалий таширлар каби усуллардан фойдаланилади ва асосли тажриба ўтказилади. Бу усуллар мақсадни белгилаш ва доимий яхшиланиб бориш имкониятини пайдо қилади;

- ҳамкорликни кенгайтириш. Генерик бенчмаркинг жараёнида кўзда тутилмаган бошқа муаммолар ҳам юзага чиқиб қолиши мумкин. Бу эса ҳамкорликни кенгайтириш эҳтиёжининг ортиб боришига олиб келади [43].

Британиялик Х.Лунд ҳам Ж.Алститнинг бу фикрини тасдиқлайди, лекин уни бошқа атама – имплицит (Implicit benchmarking) бенчмаркинг деб юритади [98]. Имплицит инглизча ёпик, яширин деган маънони англатади. Демак, бенчмаркинг баъзан илғор тажрибаларни яширин ҳам ўрганишни кўзда туттади.

Европада олий таълим самарадорлик консорциуми (Consortium for Excellence in Higher Education) таълим муассасаларидаги ўқув жараёни, муайян мутахассисликларни, административ ишлар ёки шу каби соҳаларни ривожлантириш учун ўзаро ҳамкорлик асосидаги бир-биридан тажриба ўрганишини функционал бенчмаркинг деб атаган [60; 5-б]. Маълум бўладикки, генерик, имплицит ва функционал бенчмаркинг турларининг мазмуни бир-бирига ўхшаш, лекин адабиётларда ва амалиётда генерик атамаси кенг тарқалган. Генерик бенчмаркингнинг олий таълимда қўлланиши бўйича бенчмаркинг олиб борувчи юқорида таъкидлаб ўтилган уюшма ёки консорциумлар фаолияти яққол мисол бўла олади.

Олий таълимда халқаро бенчмаркинг тури ҳам кенг тарқалган бўлиб, бирор ОТМнинг жаҳондаги бошқа илғор ОТМдан тажриба ўрганишида, ОТМларнинг халқаро рейтинг тизимларида юқори балга эга бўлиш ва юқори даражаларни эгаллаш мақсадида қўлланилади. Университетлар ўртасида халқаро рейтинг (World university ranking) тизимларига Британиянинг «Таймс олий таълим рейтинги (Times Higher Education-QS World University Rankings)», Хитойнинг Шанхай рейтинги (Shanghai Ranking) кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Халқаро бенчмаркинг лойиҳалари университетларни стратегик бошқаруви Европа маркази (European Center for Strategic Management of Universities) томонидан олиб борилган. Унда ғарбий Европанинг аксарият университетлари қатнашган. Лойиҳалар университет фаолиятининг инсон ресурслари ривожини, илмий тадқиқотлар, академик фаолият, маркетинг, талабаларга сервис хизмати ва стратегик менежмент каби компонентлари бўйича олиб борилган. Урбан Швахн Швециядаги Лунд университети мисолида халқаро бенчмаркингнинг афзалликларидан бири «ўрганувчи университетлар»нинг кўпроқ тажриба ва малака олиши деб билади [120; 3-б], лекин Урбан Швахн бу борада эҳтиёткорликни ҳам унутмади, яъни баъзи ҳолларда халқаро бенчмаркинг лойиҳалари ОТМдардан йиғилган статистик маълумотлар олиб бориш ва таҳлил қилиш билан чекланишини таъкидлайди ҳамда кўрсаткичларга таяниб, ҳамма вақт

хам хулоса чиқармасликка ундайди, чунки кўрсаткичлар ОТМдаги тажрибаларнинг асл моҳияти, афзалликлари ёки камчиликларини аниқлашда кўп ҳолларда тўғри хулосалар чиқаришга асос бўлмайди.

Бенчмаркинг турларининг хилма-хиллигини эътиборга олиб, Алекс Аплбай генерик, функционал, рақобат ва ички бенчмаркинг турларини олий таълимнинг иш жараёни ва амалиёти билан боғлиқ бўлганлиги учун уларни бир категорияга, яъни жараён (process benchmarking) бенчмаркинг категориясига киритади [49]. Олий таълим иш жараёнидаги бирор муаммоли бўшлиқни ёки нуқсонни аниқлаш мақсадида олиб бориладиган бенчмаркинг турини диагностик (Diagnostic benchmarking) бенчмаркингга киритади. Кўрсаткичларни ва кўрсаткичли маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш ва шу орқали сифатни оширишга қаратилган бенчмаркинг турларини эса метрик (Metric benchmarking) бенчмаркинг категориясига киритади. Власеану, Грунберг ва Парлелар томонидан яратилган ЮНЕСКО нашриёти қўлланмасида ҳам бенчмаркинг кетегорияларга ажратилган [124]. Унда Алекс Аплбай таъкидлаган метрик бенчмаркингни статистик (data-based or statistic), жараён бенчмаркингни эса операцион (operational benchmarking) бенчмаркинг деб талқин қилинган. Қўлланмада стратегик бенчмаркинг тури ҳам таъкидлаб ўтилади. Стратегик бенчмаркингда муассасанинг рақобатбардошлигини таъминловчи стратегиялар тажрибаси қиёсий ўрганилади. Европадаги Олий таълимда самарадорлик консорциуми стратегик бенчмаркингни ОТМдаги иш жараёни ёки таълим ишларидаги муайян масалани маълум стратегиялар асосида яхшилашга қаратилганлигини таъкидлайди [60].

Олий таълимда кенг қўлланилиб келинаётган бенчмаркингдан яна бири ички бенчмаркингдир. Бунга Маккинон, Волкер ва Девисларнинг Австралия университетлари учун ички бенчмаркинг қўлланмасини мисол келтириш мумкин [103].

Демак, қандай термин билан юритилмасин, ўрганилаётган барча манбаларда ички бенчмаркинг, ташқи бенчмаркинг, рақобатли бенчмаркинг

ва умумий бенчмаркинг тўғрисида гап боради. Уларнинг қўлланиш доираси куйидагича:


- *ички бенчмаркинг* катта ёки кўп тармоқли муассаса ва ташкилотларда, яъни ўзаро тажриба алмашинув ва ўрганиш марказлашган бир ташкилот ёки муассаса ичида олиб борилади.

- *ташқи бенчмаркинг* эса фаолияти бир-бирига ўхшаш бўлган ёки турдош ташкилотлар (муассасалар) ўртасида олиб борилади.

- *рақобатли бенчмаркинг* кўпроқ диагностик жараёнда бўлади, яъни ташкилотлар ўртасида олиб борилади ҳамда ташкилот ёки муассасанинг кучли ёки, аксинча, рақобатга бардошсиз томонларини аниқлашга қаратилган бўлади.

- *умумий бенчмаркинг* айна бир хил фаолият олиб борадиган бир неча муассасалардаги энг яхши тажрибаларни излаб топиш ва уни биргаликда барча ташкилот ва муассасаларга мослаштириш ва қўллашга қаратилган бўлади. Демак, хорижий ОТМларда таълим сифати ва самарадорлигини ўрганишда бенчмаркингнинг юқоридаги турларидан ўз мақсадларига кўра фойдаланганлари маълум бўлади.

***Бенчмаркинг методлари.*** Адабиётларда баён этилишича, бенчмаркинг узлуксиз ривожланиб боришни таъминлаши зарур. Узлуксиз ривожланиб боришда ОТМ доимий равишда такомиллашиб боради, таълим жараёни ва кадрлар сифатини таъминлашдаги камчиликлар ва нуқсонлар тизимли равишда тузатилиб борилади. Бенчмаркингни қўллаш методлари ҳам узлуксиз ривожланиб бориш айланма йўналиши бўйича олиб борилади. Бундай методдан бири Заири методидир (2.3-расм) [135]. Чизмадан кўришиб турибдики, Заири узлуксиз ривожланиш учун таълим стандартларини асос қилиб олади ва асосий диққатни уни ижро этилишига, тўғрироғи, унинг изчил амалга оширишга қаратади. Заири моделини муҳим методлардан бири сифатида эътиборга олиш мумкин.



**2.3-расм. Заири бенчмаркинг модели**

Карен Кларк эса бенчмаркингни олий таълимда қўллашнинг олти босқичли методини тавсия этади [87; 3-6]:

1. *Қайси масалада бенчмаркингни қўллашни аниқлаб олиш.* Бунда бенчмаркинг методини қўллаган ҳолда муассасада ўнгланиш ёки такомиллаштирилиши лозим объект аниқлаб олинади. Масалан, олий таълимда фанни ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқотларни кенгайтириш, таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув амалиётининг самарадорлигини ошириш, талабаларга сервис кабиларда қўллашни мисол қилиш мумкин.

2. *Ҳамкор муассасани аниқлаб олиш.* Бенчмаркинг олиб бориш жараёнининг муваффақияти қандай ҳамкор муассаса танланиши билан боғлиқ. Бунда муассасанинг функцияси, иш жараёни ва йўналишларининг ўхшашлиги ҳисобга олинади ёки кадр тайёрлаш соҳалари жиҳатдан бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи муассаса ҳам танланиши мумкин.

3. *Маълумотлар тўплаш методини аниқлаб олиш ва маълумот йиғиш.* Маълумотлар тўплашда фактларга таянган маълумотлар назарда тутилади. Бунда сўровнома, интервью, ҳужжатлар ва ҳисоботлар таҳлили каби методлар қўлланилиши мумкин.


4. *Фаолиятнинг жорий даражасини аниқлаб олиш.* Бунда таълим жараёнида ёки муассасанинг иш фаолиятида юз бераётган муаммоли

масалани тузатиш ва яхшилаш учун унинг жорий даражасини, яъни муаммоли бўшлиқни аниқлаб олиш назарда тутилади.

5. *Кўзланаётган натижанинг даражасини аниқлаб олиш.* Бунда мавжуд бўлган муаммони ечиш ва ривожлантириш натижасида қай даражада муваффақиятга эришиш, фойда олиш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

6. *Натижаларни боғлаш.* Бунда олинган натижа ва тажрибалардан (бенчмарк) ўрганиш ва ўзлаштириш ишлари ҳамда ҳамкор муассасадаги фойдали, ибратли тажрибаларни топиш ва шу асосда ўзидаги мавжуд муаммони ечиш мақсадида фойдаланиш тушунилади.

Бенчмаркинг методининг олий таълимда кенг тарқалган тури бу Дэминг даврийлигидир (2.4-расм) [43; 43-б].



**2.4-расм. Дэминг даврийлиги**

Дэминг даврийлиги методи Россияда ҳам тан олинган. Бу методдан илмий-тадқиқот фаолиятининг натижаларини текширишда қўллаш мумкинлиги таъкидланади. Дэминг даврийлиги барча соҳаларда кенг тарқалган метод ҳисобланиб, олий таълимда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, Миннесота университети тадқиқотчиси Ли АКШдаги Рочестр техника коллежида (Rochester Community and Technical College) ўқитиш ва ўрганиш

жараёнини яхшилаш учун илғор тажрибаларни қўллаш бўйича олиб борилган бенчмаркинг тажрибасини ёритиб берган [94]. Ушбу бенчмаркинг айнан Дэминг даврийлиги бўйича олиб борилган (2.1-жадвал).

Рочестр техника коллежида олиб борилган бенчмаркинг методи натижаси шуни кўрсатмоқдаки, таълим муассасидаги фаолият ва самардорликнинг асосий кўрсаткичлари (Key performance Indicators) муассасанинг келажакдаги ривожланиши ва илғор ОТМга айланиши учун имконият яратган

## 2.1-жадвал

### Рочестр техника коллежида олиб борилган бенчмаркинг методининг қисқача шарҳлари

Босқичлар	Ёндашувлар	Мақсадлар
<b>Режалаштириш</b>	1. Масала атрофлича ўрганилди. 2. Миссия қайта белгиланди. 3. Асосий фаолият ва самардорликнинг асосий кўрсаткичлари (Key performance Indicators) аниқланди.	1. Рочестр техника коллежидаги муаммоларнинг туб моҳиятини аниқлаш. 2. Рочестр техника коллежининг XXI асрдаги ўз ўрнини белгилаб олиш. 3. Турдош муассасалар билан қиёсий ўрганиладиган томонларни белгилаш.
<b>Ижро этиш</b>	1. Рубрик тизими ишлаб чиқилди. 2. Таҳлил методи яратилди (WebGrid II Analysis) 3. Бирламчи ва иккиламчи тадқиқотлар олиб борилди.	1. Рочестр техника коллежи фаолият кўрсаткичларининг умумий тушунчаларини аниқлаб олиш. 2. Турдош муассасадаги кучли ва заиф жиқатларни ўрганиб чиқиш. 3. Намуна бўладиган турдош муассасаларни аниқлаш.
<b>Таҳлил ва текшириш</b>	1. Турдош муассасаларга ташрифлар қилинди. 2. Намунали муассасалар кейс асосида ўрганилди.	1. Инновацион жараёнлар ва тажрибаларни ўрганиш. 2. Намунали натижаларга олиб келувчи самарали томонларни аниқлаш.
<b>Татбиқ этиш</b>	1. Доимий яхшиланиб бориш режаси тузилди.	

Бенчмаркингнинг кенг тарқалган методларидан бири Спендолини томонидан тавсия этилган 5 босқичли моделдир (2.5-расм). Спендолини модели 5 босқичли бўлиб, унинг энг мураккаб босқичи бенчмаркинг олиб бориш учун турдош муассаса танлаш босқичи бўлган. Спендолини моделининг ҳар бир босқичида амалга оширилиши зарур бўлган ишларни белгилаб олиш лозим.




**2.5-расм. Спендолинининг 5 босқичли модели**

А.Аплбай ва Р.Кемп томонидан тавсия этилган методни Дэминг даврийлиги методининг янада такомиллашган вариант дея ҳисоблаш мумкин [49]. Унда Дэминг даврийлигидаги тўртта босқич кенгайтирилган (2.7-расм).

С.Фонг, Э.Ченг ва Д.Хо томонидан бенчмаркингнинг янада мураккаб методи тавсия этилди (2.6-расм) [74; 7-б].


Аплбай ва Кемп томонидан тавсия этилган метод, асосан, ишлаб чиқаришда кенг тарқалган бўлиб, унинг олий таълимдаги ечими тезкорлик билан талаб этиладиган муаммоларни ҳал этиш учун қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бу моделда асосан эҳтиёжларни ўрганиш ва уларнинг қондирилиши назарда тутилган бўлса-да, олий таълимда асосан илмий тадқиқот соҳасидаги муаммоларнинг ечимини топишда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Моделнинг режалаштириш босқичи кўп вақт талаб қилади, бенчмаркинг орқали ўрганилиши мумкин бўлган масалаларни аниқлаштириб олинади, масалан, Темпус дастурининг IQAT (Enhancing capacities in implementation of institutional quality assurance systems and typology using bologna process principles) лойиҳасида ушбу моделдан фойдаланилган.

Бир қанча ОТМлар Спендолини моделига монанд тарзда бенчмаркинг олиб боришган. Масалан, АҚШнинг Шарқий Вашингтон (East Washington) университетида таълим муассасаларидаги ёши катталар таълимини (adult education) такомиллаштиришда энг яхши тажрибаларни ўрганиш учун Спендолини моделига хос бенчмаркинг методи қўлланилган [99].



**2.6-расм. бенчмаркинг жараёни модели (Фонг, Ченг ва Хо бўйича)**

Фонг, Ченг ва Хо томонидан ишлаб чиқилган бенчмаркинг моделида берилишича, жараён асосан 5 босқичда давом этади. 1чи ва 5чи босқичлар ўзаро боғланган бўлиб, унда қайта алоқа ва натижаларни қайта кўриб чиқишга катта эътибор берилган. Бизнинг фикримизча, бу моделдан асосан янги ташкил этилган олий таълим муассасалари ёки янги ташкил этилган факультетлар томонидан қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.



**2.7-расм. бенчмаркинг модели (Аплбай ва Кемп бўйича)**

Сузан Монкусонинг таъкидлашича, АҚШ таълим статистикаси миллий маркази кўрсаткичларига қараганда, АҚШ ОТМларидаги бакалавр босқичи талабаларининг 43 фоизини 24-30 ёшлилар ташкил этади. Бу ёшдаги талабаларнинг ўқиш билан бирга иш, оила, турмуш каби ҳаётий

мажбуриятлари ҳам бор. Шунинг учун ўқув машғулотларини уларнинг эҳтиёжи ва истакларига мос равишда белгилаш, уларнинг таълим олишларини шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда таъминлаш зарурати туғилади. ОТМлар узлуксиз таълим ва таълимнинг оммалашуви (massification) мувофиқ бундай заруратларни ҳисобга олган ҳолда таълимни ташкил этишга мажбур. Бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганиш учун Шарқий Вашингтон университетидан катта ёшлилар таълимига қаратилган ОТМлар билан олти босқичдан иборат бўлган бенчмаркинг (2.8-расм) олиб борилган:

1. Бенчмаркинг гуруҳи тузилиб, унинг таркибига АҚШ ва Канада олий таълим муассасаларидан, «Катта ёшлилар таълими кенгаши»и ва Америка маҳсулдорлик ва сифат марказидан (Council for Adult and Experiential Learning) экспертлар жалб қилинган.

2. Режа тузилиб, гуруҳ аъзолари ишни қандай олиб бориш, қандай тажрибаларни ўрганиш лозимлиги, сўровномани қандай тузиш ҳақида келишиб олганлар.

3. Сўровномалар (анкеталар) Шимолий Америка ва Канададаги танлаб олинган 63та ОТМларга юборилган. 33та саволдан иборат бўлган бу сўровномада кўпроқ ахборотлар бериш, тенг ҳуқуқлилиқ, академик ва ижтимоий интеграция, касбий интеграция каби масасалалар бўйича тажрибалар сўралган. Жами 33та муассасадан жавоб олинган.

4. Сўровнома жавоблари экспертлар томонидан аноним тарзда ўрганиб чиқилган. АҚШдан 5та ва Канададан 1та ОТМнинг тажрибалари илғор деб топилган.


5. Танланган муассасалардаги илғор тажрибаларни ўрганиш, улар қандай ва қай тарзда иш олиб бораётганлиги билан танишиш мақсадида ташрифлар қилинган. Ташрифлар чоғида ҳар бир муассасадаги ўқитувчи ходимлар, талабалар ва бошқа масъуллар билан интервью ва мулоқотлар ўтказилган, ҳужжатлар ва материаллар билан танишиб чиқилган.

б. Интервью, мулоқот натижалари, сўровнома ва ҳужжатларни таҳлили маълумот сифатида йиғилган. Бу маълумотлар экспертлар гуруҳи томонидан таҳлил ва муҳокама қилиниб, энг мақбул ва мос келувчи тажрибаларни аниқлаб, якуний хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишган.



## 2.8-расм. Катта ёшлилар таълимини такомиллаштиришда қўлланилган бечмаркинг

Англиядаги почта хизмати кўрсатувчи Роял Мэйл (Royal Mail) ширкати бечмаркингни қўллаб сифатнинг юқори кўрсаткичларига эришган (2.9-расм) [60; 8-б]. Роял Мэйлнинг олиб борган бечмаркинг фаолияти олий таълимда ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Британиянинг Темза Велли университетиди (Thames Valley University) 1992 йили таълимнинг модулли тизимига ўтиши мобайнидаги янги ва эски тизимнинг номуносивлиги қатор муаммоларни келтириб чиқарган [80; 43-б]. Эски таълим дастурларининг қўпчилигини қисмларга ажратишнинг имконсизлиги, ўқув дастурларини бошқариш, танлов фанлар сонининг белгиланиши, дарс жадваллари ва аудиторияларни белгилаш каби масалалар ва қийинчиликлар келиб чиққан. Мана шу муаммоларнинг барчаси ҳужжатлаштирилган ва уларни ҳал қилиш мақсадида бечмаркинг методининг Роял Мэйл модели қўлланилган. Бунда сўровнома, суҳбат ва 11та турдош ОТМлар билан келишилган ҳолда улардаги тажрибалар таҳлил қилинган.



**2.9-расм. Роял Мэйл (Royal Mail) ширкати томонидан таклиф этилган стратегик ёндашувга асосланган бенчмаркинг фаолияти**

Сўровнома тузишда бошқа муассасаларда мавжуд бўлган асосан тўрт йўналишдаги масалаларни ўрганиб чиқиш кўзда тутилган:

- муассаса таркиби, таълим тури, муассаса миссияси, қайси модулли таълим принциплари ва концепцияларига асосланганлиги;

- модулли таълимнинг қандай тузулмавий (structural) ва ташкилий факторларига асосланганлиги, модуллар ҳажми ва миқдори, даражаси, кредитлари ва б.;

- режалаштириш, менежмент, ишлаб чиқиш механизмлари ва муҳим операцион жараёнлар ва тажрибалар;

- модулли таълим бўйича ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш тажрибалари.

Шу билан бирга, 11та турдош ОТМларининг масъул вакиллари иштирокида муҳокамалар ўтказилиб, унда қуйидаги каби саволларга жавоб изланган:

- модулли таълим тизими қандай принципларга асосланган?

- улар қандай тузилган ва ташкил этилган?

- тизим академик ва операцион жиҳатдан қандай бошқарилган?

- таълим дастури қандай ўқитилган ва баҳоланган?

Барча ўрганилган тажрибалар ва натижалар тўпланиб юқоридаги айтиб ўтилган муаммо ва масалаларнинг ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилган [84; 46-б].

Австралиялик Маккинон, Волкер ва Девисларнинг Австралия университетлари учун яратган бенчмаркинг қўлланмаси бенчмаркингнинг олий таълимда қўлланилиши ва унинг афзалликларини ёритишда яққол мисол бўла олади [103]. Ушбу қўлланма нафақат Австралиянинг ўзида, балки дунёнинг бошқа давлатларидаги олий таълим тизимларида ҳам қўлланилди. Ушбу қўлланмада университетнинг барча жараёнларида бенчмаркинг олиб бориш учун меъёрлар (бенчмарклар) ишлаб чиқилган. Университет жараёнлари қуйидаги компонент ва элементларга бўлинган:

- бошқарув, режалаштириш, етакчилик (leadership), менежмент, ташкилотдаги муҳит;

- ташқи муҳит (репутация, рақобатбардошлик, профессор-ўқитувчилар квалификацияси);

- молиявий ва жисмоний инфратузилма (молиявий нисбатлар, коммерцияланиш, жисмоний мулк ва жойдан фойдаланиш, жиҳозлар, информацион технология ва телекоммуникацион инфратузилмалари);

- ўқитиш ва ўргатиш (ўқитиш ва ўргатиш режалари, курсларни ташкил этиш жараёнлари, ўқитиш сифати, сифат кафолати, талабаларнинг ўзлаштириши);

- талабаларга хизмат кўрсатиш (талабаларга административ ва умумий сервислар);

- илмий ишлар (илмий йўналишлар, тадқиқот ва тадқиқот тренинг режалари, ходимларнинг тадқиқотларда қатнашиши, тадқиқотда талабаларнинг иштироки, тадқиқот натижалари, тадқиқот самараси);

- кутубхона ва ахборот ресурслари (кутубхона ва информацион режалаштириш, кутубхона хизматларининг таълимга кўмаги, кутубхонанинг илмий тадқиқотларга кўмаги);

- халқаролашув (халқаролашув стратегиялари, халқаролашув маданияти, халқаро ўқув дастурлари, халқаролашувни молиялаш, талабаларнинг халқаро тажрибаларни ўрганиши, халқаро алоқалар ва ҳамкорликлар);

- ходимлар (инсон ресурсларини стратегик режалаштириш, ишчи кучи менежменти, профессионал ривожланиш).

Юқоридаги компонент ва элементлар бўйича тузилган меъёрларнинг (бенчмарк) ҳар бири учун алоҳида «мантикий изох» (benchmark rationale), «намунавий тажрибалар» (good practices) ва шу тажрибаларнинг қайси даражасига тўғри келувчи баҳолаш мезонлари (levels) берилган (1-илова). Ушбу қўлланманинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Биринчидан, ОТМ раҳбар ходимлари учун олиб борилаётган ишлар жараёни ва ижроси сифатини баҳолаш ҳамда давомли ўз-ўзини яхшилашга асос бўла олади. Иккинчидан, қўлланма ўз ичига олган баъзи ёки барча компонентлар бўйича

бир гуруҳ университетлар томонидан ўзаро қиёсий баҳоланиш мақсадида ҳам ишлатилиши мумкин. Учинчидан, истаган университет ўзининг рақобатбардош соҳаларини аниқлаши учун ҳам қўл келади.

Юқорида ёритилган бенчмаркинг методларининг барчаси ўз афзалликлари ва қулайликларига эга. Улардан қайси бири айнан қайси ОТМга мослигини билиш эса бенчмаркингдан фойдаланувчи муассасаларнинг мақсадларига боғлиқ, чунки методлар муаммонинг ечимига, рақобатбардошликни аниқлашга, таълим сифатини оширишга қаратилган бўлади. Демак, тавсия этилаётган методларни танлаш муассасанинг ихтиёрида қолади.

### **2.3. Тюнинг методининг хорижий олий таълимда қўлланилиши таҳлили**

Европа олий таълимида давом этаётган Болонья жараёни олий таълимда интеграцияни кучайтириш борасида муҳим инструментлардан бири бўлиб қолмоқда, лекин интеграцион жараёнларни амалга ошириш механизмлари турлича. Бенмаркингда кўпроқ сифатга эътибор берилса, Тюнинг методида ўзаро мослик (compatibility) ва ўхшашлик (comparability) асосий эътибор марказида туради. Тюнинг методи (Tuning methodology) сўнгги 10 йил ичида Европа олий таълим тизимида кенг тарқалган.

Тюнинг сўзи инглизчадаги Tuning сўзидан олинган бўлиб, созлаш маъносини беради, метод сўзини эса европалик муаллифлар методология деб атайди. Бизнингча, бу ерда метод сўзини қўллаш ўринлидир, чунки методология сўзи бир неча методнинг умумлашмасини англатади.

Испаниянинг Деусто университетидаги Тюнинг академияси манбаларида келтирилишича унинг 3 хил кўринишда тушуниш мумкин:

- тюнинг лойиҳаси сифатида;
- тюнинг таълим жараёни иштирокчилари тармоғи сифатида;
- тюнинг методи сифатида.

Тадқиқотимиз предметига мослигидан келиб чиқиб тюнинг методининг олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини оширишдаги афзалликларини

таҳлил этмоқчимиз. Тюнинг методи олий таълим жараёни сифатини интенсив равишда ошириш ва уни сақлашга қаратилган, бир-бирига мос келувчи ва солиштириш мумкин бўлган тавсифлар меъёри ёки мутаносиб нуқталар (reference points) яратиш орқали фойдаланиш мумкин бўлган метод деб аталади. Ушбу методда билим олувчининг эришиши мумкин бўлган компетентлик даражаси асосий аҳамиятга эга. Билим олувчининг компетентлик даражаси у эгаллаган компетенцияларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлади. Компетенциялар таълим жараёнинг натижаси ва маҳсули ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, тюнинг методида «Компетенцияларга асослаган таълим бериш» (competence-based learning) тушунчаси кенг тарқалган. Деусто университетининг педагогик ёндашувига кўра, ушбу метод марказида талаба турувчи (student-focused learning) таълим бериш жараёни деб ҳисобланади [126; 21-б].

Маълумки, ҳар бир таълим йўналиши ва билим соҳаси бўйича билим олувчи эгаллаши лозим бўлган компетенциялар аввалдан белгиланади. Компетенциялар соҳа ва умумқасбий компетенцияларга бўлинади. Компетенциялар йўналиш ёки соҳанинг стандартларида, таълим дастурларида ва силлабусларида аниқ ёзилади. Эгаллаш зарур бўлган компетенциялар аниқлангач ўқув дарсликлар, ўқув адабиётлари, компетенцияни эгаллаш учун ўрганилаши зарур бўлган фанлар аниқланади. Бир фан бир ёки ундан кўп бўлган компетенцияни бериши ёки бир неча фан бир компетенцияни бериши мумкин. Компетенцияларни белгилашда жамиятдаги эҳтиёжлар, талаблар, маҳаллий урф-одатлар, тенденциялар ҳисобга олинади. Энг муҳими, тюнинг методида олий таълимдан манфаатдор гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосий эътиборда бўлади. Бу ерда манфаатдор гуруҳларга иш берувчи, ОТМдаги профессор-ўқитувчилар таркиби, талабалар, ва битирган талабалар киритилади. Мана шу тўрт гуруҳнинг талаб ва эҳтиёжлари динамик тарзда ўзгариб бормоқдаки, бунда ОТМлар давлат ёки хусусий эканлигидан қатъий назар, ўзгаришларга нисбатан тезкор ҳаракат қилишга мажбур бўлмоқда.

Олий таълимга қўйилаётган талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариб бораётгани билан бир қаторда ОТМ давлат томонидан ажратиладиган маблағларга қарам бўлиб қолмасдан ўз-ўзини молиялаш механизмларини ҳам шакллантириб бориш зарурати ошиб бормоқда, чунки аввал таъкидлаганимиздек, фан ва технологиянинг шиддат билан ривожланиши, замонавий техник воситаларнинг янги авлодлари ўта қисқа муддатларда алмашиши каби омиллар ОТМнинг моддий техник базаларини тўхтовсиз янгиланиб борилиши, илғор ўқув ва илмий лабораторияларнинг яратилиши, муассаса инфратузулмасининг такомиллаштириб борилишини тақозо этади. Акс ҳолда, ОТМ ўз келажагини хатарга қўйиши мумкин. Бу эса ОТМлар ўртасида соғлом рақобат шароитини юзага келтиради ва ҳамкорликка ундайди. Мана шундай ҳамкорликка интилишлар Европа давлатлари орасида сезилари даражада кучайди ва натижада 2000 йилда Европа олий таълим кенглиги ҳаракати (European Higher Education Area) пайдо бўлди. Европа олий таълим кенглиги ҳаракати 48та Европа давлатларининг ўзаро келушиви асосида яратилган бўлиб, асосий мақсад олий таълимда яқдилликни кучайтириш, ҳамкорликни кенгайтириш, академик эркинлик умумевропа кадриятларини сақлаш, ОТМларининг автономиясини сақлаш, талаба ва ўқитувчиларнинг ўзаро мобиллигини эркин олиб боришдан иборат. Бундан ташқари, олий таълим битирувчиларини исталган Европа давлатларида эркин ишлаши ёки иш топишини таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тюнинг методи 1999 йилда ташкил этилган Болонья жараёни билан бир вақтда Ғарбий европада тадбиқ этила бошланди, чунки олий таълимда ҳамкорлик қилиш ва тажрибаларни ўзаро алмашиш Болонья жараёнининг асосий мезонларидан ҳисобланади. Тюнинг методи Болонья жараёни ва Европа олий таълим кенглиги каби стратегик ҳаракатларни самарали бажариш учун механизмлардан бири сифатида роль бажариши аён бўлмоқда. Бундай фикр юритишимизнинг асосий сабабларидан бири сифатида кейинги ўн беш йил ичида, деярли, барча таълим соҳалари тюнинг методи орқали қиёсий тадқиқ ва таҳлил этилган. Географик жиҳатдан турли минтақаларда

түнинг методининг жалб этилганлигини тадқиқ этганимизда, қуйидагича хронологик кўриниш пайдо бўлди: 2001-2002 йилларда Европада, 2003-2004 йилларда Европада яна кенгайди, 2004-2007 йилларда Лотин Америка давлатлар, 2007-2008 йилларда Европада яна кенгайди (4-босқич), 2007-2008 йилларда Қирғизистонда, 2010-2013 йилларда Россия Федерациясида, 2010-2012 йилларда Африка давлатларида 2010-2012 йилларда Литвада, 2009 йилда АҚШда, 2012-2015 йилларда Марказий Осиё давлатларида, 2012-2014 йилларда Хитойда пайдо бўлди.

Буларнинг барчаси Темпус ва UNESCO каби халқаро дастурлар томонидан молиялаштирилган лойиҳалар доирасида олиб борилган. Айниқса, Европа давлатларининг ягона Иттифоқ атрофида интеграцияланишининг тобора долзарблиги ошиб бораётган бир вақтда олий таълим тизимларининг ўзаро уйғунлашуви ҳам замон талабига айланган эди. 2001 йилдаги бошланган Европа түнинг лойиҳасининг ўзиёқ иттифоққа аъзо давлатлардаги олий таълим тизимлари ўртасида сезиларли даражада фарқ ва хилма-хилликлар мавжуд эканлигини, уларнинг ўзаро мутаносиблигига эришмасдан туриб интеграцион жараёнлар ҳақида гап юритишнинг имконсизлиги аён бўлди. Тизимдаги фарқлар, маданият ва урф-одатларнинг хилма-хиллиги, ички бюрократик тартиблар, таълим сифатига қўйиладиган талаблар, кадрларга бўлган соҳа бўйича талаблар ўртасидаги мутаносиблик долзарб эканлиги аён бўлди. Энг асосий хилма-хиллик таълимни кўпроқ маҳаллий тилларда олиб борилиши бўлган ва бу эса олий таълим беришда умумевропа тилларининг (инглиз, немис ва француз каби) кенгайиши зарур эканлигига олиб келган. Түнинг лойиҳаси қатнашчилар учун бир-бирини тушунишга, камчиликларни ўрганишга, ютуқларни ўргатишга замин яратди ва 2004 йилда Түнинг Лотин Америкаси лойиҳаси олиб борилди.

Түнинг Лотин Америкаси лойиҳаси биринчи босқичда бизнес бошқарув, таълим (педагогика), тарих, математика, иккинчи босқичда агрономия, архитектура, бизнес, кимё, фуқоро инженерияси, компьютер фанлари, таълим, геология, тарих, ҳуқуқ, математика медицина, ҳамширалик,

физика, психология каби соҳаларни камраб олган. Тюнинг Лотин Америкаси лойиҳасида, асосан, тўрт йўналишдаги ишлар олиб борилган: 1) компетенциялар умумқасбий ва соҳа компетенцияларига бўлинган ҳолда ўрганилган; 2) ушбу компетенцияларни таълим жараёнида ўқитилиши, ўрганилиши ва баҳоланиши ўрганилган; 3) академик кредитлар ўрганилган; 4) фан дастурларининг сифати ўрганиб чиқилган [106; 14-б]. Биринчи йўналишда умумқасбий компетенцияларнинг барчага маъқул бўлган вариантларини аниқлаш муҳим ҳисобланган. Масалан, «Билимларни доимий ошириб бориш, муҳим тушунчаларни ажрата олиш, таҳлил ва синтез қила олиш» (the capacity to learn and update learning constantly, the capacity for abstraction, analysis and synthesis) компетенцияси ривожланаётган барча Лотин Америкаси давлатлари учун муҳим эканлиги аниқланган, лекин соҳалар бўйича компетенцияларда умумий фикр юритиш мураккаброк кечган. Тўртинчи йўналиш бўйича эса барча олий таълим тизимларига мос келувчи таълим сифатини аниқловчи янгича ёндашувдаги элементлар ишлаб чиқилган ва тажрибадан ўтказилган.

Шу билан бирга, олий таълим жараёнининг ташкил этилишидаги бошқа масалалар ҳам таҳлилий ўрганилган [106; 24-б]. Масалан, олий таълимга талабаларни қабул қилиш механизмларини олиш мумкин. Бунда Миллий кириш имтиҳонлари асосида, ўрта мактаб ёки олий таълимдан олдинги таълим баҳолари натижалари асосида суҳбат ёки ёзма имтиҳон асосида эканлиги аниқланган. Талабаларни қабул қилишда 20-24 ёшлилар сони, аёл ва эркеклар сони, умумий ёшга нисбатан олий таълимга кирганлар сони каби статистик маълумотлар ўрганилган, жумладан, Аргентина, Коста-Рика, Панама, Венесуэла каби давлатларда олий таълимга давогар ёшларнинг 40-50 фоизи қабул қилиниши кўзга ташланади. Шунингдек, хусусий ОТМларининг жамиятдаги роли кучайиб бораётганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бразилия, Мексика, Уругвай каби давлатларда олий таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш учун қабул квоталарининг кескин оширилиши таълим сифатининг пасайишига олиб келинганини ҳам пайқаш

мумкин. Қабул квоталарнинг оширилиши эса олий таълимда дарс берувчи ўқитувчилар сонининг оширилишига ҳам олиб келган. Масалан, Мексика ва Гондурас давлатида бакалавр даражасига эга бўлган кадрларни ҳам олий таълимда педагогик фаолият билан шуғулланишига изн берилган ҳолатлар ҳам бўлган. Магистратурада эса бир қатор фанларни ўзлаштириш ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш етарли бўлган, лекин техника соҳасида магистрларга муайян техник амалиётни ўташ ва олиб бораётган тадқиқот ишига ўша амалиётни боғлаш ёки натижасини синаб кўриш мажбурий этиб белгиланган. Бу ҳол кўпроқ Бразилия давлатидаги олий таълим муассасаларида учрайди.

2010 йилдан бошлаб бажарилган Тюннинг Африка лойиҳасида эса Африка давлатларидаги олий таълим соҳасидаги долзарб таълим йўналишлари ўрганилди. Булар икки босқичда олиб борилган, биринчи босқичда медицина, ўқитувчилар тайёрлаш (teacher education), қишлоқ хўжалиги фанлари, механик инженеринг ва фуқаро инженерияси бўлса, иккинчи босқичда шу соҳаларга иқтисод, амалий геология, олий таълим менежменти каби соҳалар қўшилган. Бунда 120дан ортиқ ОТМлар қатнашган. Уч қисмда олиб борилган тюнинг Африка лойиҳасининг бошқаларидан фарқли томони шунда эдики, унда мавжуд тажрибаларни ўрганиш эмас, балки янги тизим яратишга қаратилган эди. Лойиҳанинг биринчи босқичида марказида талаба турувчи компетенцияларни шакллантиришга асосланган бакалавр ва магистратура академик даражалари ишлаб чиқилди. Бунда академик даража олиш учун талаблар, компетенциялар, ўқиш якунида эгаллаши зарур бўлган билим ва кўникмалар акс этган даража профили (degree profile) ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг иккинчи қисмида эса даража профилларини ташкил этувчи фанлар мажмуаси, компетенцияларни эгаллаш учун ўзлаштириш зарур бўлган ўқув юкламалари, талабанинг баҳолаш тизими ишлаб чиқилган. Бу қисм амалга ошириш (implementation) деб аталган бўлиб, унда ишлаб чиқилган тизимларни институционал, яъни ОТМ миқёсидаги академик даража

(academic degree) va қўшма академик даража (joint academic degree) миқёсида олиб борилган. Учинчи қисмда талабаларга қўйиладиган юклама, мажбурият ва кредит тизимлари ишлаб чиқилган. Бунда талабанинг етарли кредит олиши учун адабиётлар, манбалардан фойдаланиб, билим олиши, аудиторияда ўтказиши зарур бўлган вақт миқдори, лаборатория, семинар, стажировкаларда ўтказиши зарур бўлган вақт миқдори белгиланади. Аксарият Африка давлатлари олий таълими учун кредит тизими янгилик ҳисобланган.

Тюнинг методи Марказий Осиё давлатларида ҳам Темпуснинг TuСАНЕА лойиҳаси доирасида синаб кўрилган. Темпуснинг TuСАНЕА (Towards a Central Asian Higher Education Area: Tuning Structures and Building Quality Culture - Марказий Осиё олий таълим кенглигини яратиш йўлида структурал адаптация ва таълим сифатини ошириш) лойиҳаси компетенцияга асосланган таълимнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш орқали амалдаги таълим компетенцияларини янада такомиллаштириш ва мослаштиришдан иборат бўлган. Пировардида, олий таълимда етишиб чиқаётган кадрларнинг билим ва компетенциялари жамият эҳтиёжига нисбатан мутаносиблигига эришишига хисса қўшиш эди. Лойиҳа доирасида ўрганилган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, TuСАНЕА лойиҳаси Ўзбекистон шароитида олий таълим жараёнини жаҳон миқёсидаги кечаётган энг сўнгги тажрибалар билан бойитиб боришда аҳамиятли. Бизнингча, TuСАНЕА лойиҳасига кўпроқ педагогика назарияси илмий ёндашуви билан қараш мақсадга мувофиқ ва шу жиҳати билан бошқа лойиҳалардан ажралиб туради. Қолаверса, Тюнинг методини ўрганиш ва уни ОТМларга таништириш орқали Ўзбекистон олий таълимини глобализация жараёнларига жавоб бериши ва халқаро доирадаги жараёнларга мувофиқ ривожланиб боришига муҳим туртки бўлади. TuСАНЕА лойиҳасидаги ўрнанилган тажрибаларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, уч босқичдаги таълим олувчига компетенцияларни эгаллаш бўйича қўйиладиган талаблар мамлакат, ОТМ, факультет ёки кафедра миқёсида аниқлаб олиниши зарур. Бу эса маҳаллий иш берувчилар

талаби, маҳаллий иқтисодий ва жамиятнинг ривожлантиришдаги талаблардан келиб чиқиб аниқланади. Таълим компетенциялари бўйича ўрганилган тажрибалардан олий таълимнинг бош масалаларидан бири бўлган давлат таълим стандартларини тобора янгилаш ва уни замон талабларига мослаб боришда фойдаланиш мумкин. Давлат таълим стандартлари «Умумий малакавий компетенциялар» ва «Умумий компетенциялар»га ажратилган ҳолда шакллантириб борилади. Бундан ташқари, ҳар бир фан бўйича талабанинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар тобора янгилаб борилади. ТуСАНЕА лойиҳасида компетенцияларни солиштириш ва адаптация қилиш орқали Марказий Осиё учун умумий бўлган варианти ишлаб чиқилган. Лойиҳада 8та йўналиш (тил ва адабиёт, тарих, бизнес ва менежмент, иқтисод, ҳуқуқ, педагогика, инжинерия, атроф муҳит муҳофазаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги) қамраб олинган. ТуСАНЕА лойиҳасининг натижалари соҳада дунёнинг етакчи ОТМлари билан ҳамкорлик қилиш ва фикр алмашиш учун имконият яратди. Бунда ҳар бир таянч ОТМлари давлат таълим стандартлари устида иш олиб бориш жараёнида илғор хорижий тажрибаларни қўллаши ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиши зарур ҳисобланади.

ТуСАНЕА лойиҳасида тўнинг методини 5та амалий босқичда олиб бориш тавсия этилган.

1-босқичда, умумий компетенциялар (Generic Competences) аниқланиб олинган. Бунда дунёнинг бошқа минтақаларидаги амалга оширилган лойиҳалар доирасида келишилган умумий компетенцияларни ҳисобга олган ҳолда ва уларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, билим олувчига қўйиладиган компетентлик талабларининг янги вариантлари ишлаб чиқилган.

2-босқичда соҳалар бўйича компетенциялар (Subject specific Competences) ишлаб чиқилган. Бу босқичда асосан 5та Марказий Осиё давлатларидаги соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳлар иш олиб борган. ТуСАНЕА лойиҳасида тил, тарих, бизнес ва менежмент, иқтисод, ҳуқуқ,

педагогика, атроф-муҳит муҳофазаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги гуруҳлари иш олиб борган. Ҳар бир гуруҳда Миллий таълим тизими ва маҳаллий талаблардан келиб чиққан ҳолда соҳа бўйича компетенциялар ишлаб чиқилган. Аниқлашимизча, келишилган компетенциялар рўйхатини барча давлатларга тенг татбиқ этиб бўлмайди ва билим олувчи уларнинг барчасига эга бўлиши зарур эмас. Шундай бўлса-да, умум минтақавий (regional) қабул қилиниши мумкин бўлган компетенциялар рўйхати шакллантирилган. Шу ўринда айтиш жоизки, иш берувчининг талаблари инобатга олинishi, албатта, зарур, лекин аниқ талабларни қўйиб бера оладиган ёки критерийларни белгилашга қодир иш берувчилар борми деган ҳақли савол туғилади. Бу масалани ҳал этиш учун иш берувчи туркумига киритилган респондентлар мақсадли танлаб олинди ва уларнинг фикрлари суҳбат орқали ўрганилди.

3-босқичда билим олувчининг белгиланган компетенцияларни эгаллаши учун зарур бўлган вақт меъёри аниқланган. Европа тажрибаси бўйича бу ҳолат асосан ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System) асосида аниқланиб, билим олувчи ва билим берувчи ўртасида контакт соатлар (лекция, семинар, дискуссия, гуруҳда ишлар) ва мустақил таълим (индивидуал топшириқ, ассайнмент ёзиш) учун ажратиладиган соатлар миқдори орқали ишлаб чиқилади.

4-босқичда келишилган компетенцияларни билим олувчига ўқитиш ва етказиш учун ўқитиш методлари, педагогик технологиялар ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Масалан, «Жамоада ишлай олиш маҳорати (ability to work in a team)» компетенциясини билим олувчида шакллантириш учун алоҳида фан ташкил этиш шарт эмас. Уни бир ёки бир неча фанлар ичида маълум компонентлар киритиш орқали ёки билим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб топшириқ бериш орқали ҳам шакллантирса бўлади ёки «Миллий, рус тили ва хорижий тилларда мулоқот қила олиш (Ability to communicate in native, Russian and foreign languages)» компетенциясини ривожлантириш учун камида 3та фан киритиш орқали шакллантириш

мумкин. Бу босқичда, 5та республика вакиллари европалик экспертлар билан биргаликда гуруҳларда иш олиб бордилар ва тажрибалар таҳлилдан ўтказилди.

5-босқичда эришилган натижалар таҳлил этилган ва амалиётда синаш учун ўзаро талаба алмашинуви амалга оширилган. Бунда билим олувчига қўйилаётган компетенцияларни эгаллашда таълим бериш жараёнидаги фарқлар, илғор тажрибалар, мутаносибликлар аниқланган. 5та республика олий таълим вазирликлари ва европалик экспертлар иштирокида маслаҳатлашув ўтказилган. Буларнинг натижасида «TuСАНЕА Guidelines and Reference Points» (TuСАНЕА қўлланмаси ва мутаносиб нуқталар) қўлланмаси яратилди.

Тюнинг лойиҳаларининг муваффақиятли олиб борилиши ва самара бериши бошқа минтақаларда ҳам қўлланилишига олиб келди. Хорижий манбаларни ўрганиш мобайнида шундай савол туғилди. Тюнинг Европада самара берган бўлса, нима учун уни бошқа минтақаларда қўллашга зарурат туғилди ёки қизиқиш пайдо бўлди? Бунинг асосий сабаблари қуйидагича:

1. Европа олий таълимидаги мувофиқлик (compatibility), ўхшашлик ва фарқлар (comparability), рақобатбардошлик (competitiveness) каби хусусиятлар бошқа минтақаларда қай тарзда кечаётганлигини билиш европа олий таълимини қизиқтираётган жиҳатлар эди. Турли минтақалар, хилма-хил иқтисодий ва сиёсий тизимлар, маҳаллий менталитет, инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжлардаги фарқларни ўрганиш Европа олий таълим кенглиги ҳаракатини амалга оширишда аҳамиятли эди.

2. Европа олий таълимида хорижий талабалар сонини ошириш, иқтидорли ва билимли ёшларни ўқишга қабул қилиш стратегик мақсадлардан бири эди. Фан дастурлари ва таълим жараёнидаги муштаракликка эришиш эса ўз-ўзидан хорижий талабаларни Европа ОТМларига оқимини кучайтиришга олиб келади. Бунда баҳолаш тизимидаги фарқларни, мутахассисликларга қўйиладиган стандарт ва компетенцияларни илмий

асослаш ўз-ўзидан юқоридаги стратегияни мукамал амалга оширишга хизмат қилади.

3. Тюнинг лойиҳалари натижасида олинган хулосалар, ўрганилган тажрибалар, аниқланган мутаносибликлар ва хусусиятлар Европадагиси билан корреляциясини (correlation) ўрганиш, тюнинг методида аниқланувчи мутаносиб нукталарнинг (reference points) халқаро вариантыни ишлаб чиқишга замин яратар эди.

Демак, тюнинг методини хорижий тажриба сифатида ўрганиш ва зарур ҳолларда ундан фойдаланиш мамлакатимизда олиб борилаётган олий таълимдаги ислохотларни амалга оширишда фойдали ҳисобланади. Айниқса, иш берувчи, олий таълим, талаба ва буюртмачилар ўртасидаги эҳтиёж ва талабларни таҳлил этишда, ўқув дастурларини такомиллаштиришда қўл келиши мумкин.

### **Иккинчи боб бўйича хулоса**

1. Олий таълимда сифат ва рақобатбардошликнинг таъминлаш учун олиб борилаётган ҳаракатлар улар ўртасида илғор тажрибаларнинг шаклланишига олиб келган.

2. Ахборот манбаларида бенчмаркинг методининг турли қирралари, унга ижодий ёндашувлар тўғрисида аниқ маълумотларни топиш мумкин ва уларни ҳам ўрганиб бориш педагогика фани учун аҳамиятлидир.

3. Бенчмаркинг мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳаларни барча ОТМлар ида тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Унда ўрганилаётган ОТМнинг ривожланиш даражаси, яъни уни такомил даражасига етказишда субъектив ва объектив омиллар ўрганувчи ОТМдан шундай омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, тажрибаси ўрганилаётган ОТМнинг ижодий кучлари даражасида қабул қилувчининг фаолият юрита олиши, албатта, ҳисобга олиниши лозим бўлади.

4. Бенчмаркингни муайян ОТМда қўллай олиш менежерларнинг билим ва савиясига боғлиқ. Қолаверса, бенчмаркинг лойиҳалари ҳам уни тузишда иштирок этган менежерларнинг савияси билан боғлиқ, гарчанд, уларда бир мақсад-тобора яхшиланиш бўлса ҳам, унга турли йўллар билан кириб боришга йўналтирилган.

5. Олий таълим соҳасидаги илғор тажрибани ўрганувчи ОТМлар ўзининг салоҳияти, ресурслари, географик ўрни, ривожланиш даражасига кўра бенчмаркингнинг ўзи қўллаши учун қулай турини танлайди.

6. Бенчмаркингнинг турлари уларнинг кўпроқ қўлланиш доирасини кўзда тутса, унинг мазмун хусусиятлари ҳар бир бенчмаркинг тузилмасида акс этади.

7. Тюнинг методини хорижий тажриба сифатида ўрганиш ва зарур ҳолларда ундан фойдаланиш мамлакатимизда олиб борилаётган олий таълимдаги ислохотларни амалга оширишда фойдали ҳисобланади.

8. Тюнинг методини иш берувчи, олий таълим, талаба ва буюртмачилар ўртасидаги эҳтиёж ва талабларни таҳлил этишда, ўқув дастурларини такомиллаштиришда қўл келади.

9. Тюнинг лойиҳаларининг Европада муваффақиятли олиб борилиши ва самара бериши бошқа минтақаларда ҳам қўлланилишига олиб келган.

10. Тюнинг лойиҳаларида компетенцияга асосланган таълимнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш орқали амалдаги таълим компетенцияларини янада такомиллаштириш ва мослаштиришга асос сабаб бўлган.

### **III БОБ. ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРОЛАШУВ ЖАРАЁНИ, УНИНГ СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

#### **3.1. Глобаллашув ва халқаролашув сифатнинг устувор омиллари сифатида**

Ҳозирги таълим ва фан тараққиётини глобаллашув жараёнларидан айри қараш мумкин эмаслиги бугунги кундаги ўзгаришлар кўрсатиб турибди. Таъкидлаш жоизки, олий таълимнинг халқаролашуви ва глобал жараён тараққиёт билан баровар боришини тақозо этади. Глобаллашув илмий адабиётларда ҳамкорликда таълим дастурларини яратиш орқали амалга оширилиши, таълимнинг интеграциялашуви деб берилади. Унинг энг муҳим кўриниши ҳозирги даврда Болонья жараёни эканлиги тўғрисида фикр юритилади [17; 56-б]. Глобаллашувнинг аниқ изоҳи И.В.Аржанова ва Д.Ю.Райчук томонидан берилган. Уларнинг изоҳида глобаллашув «чегарасиз таълим», у юксак даражада ривожланган давлатлар илғор университетлар мисолида амалга оширилади [17; 59-б]. Глобализация олий таълим учун феномен бўлиб, дунёдаги ҳеч бир олий таълим муассасаси унинг таъсир кучларини четлаб ўта олмайди [130]. Фан ва технологиянинг ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг ўсиб бориши билан дунё давлатлари орасида янада интеграциялашувга ва халқаро алоқаларнинг кучайтиришга олиб келмоқда. Ҳозир фанда кўп бора учраб турадиган глобализация (globalization), халқаролашув (internationalization), минтақалашув (regionalization), европалашув (europeanization) каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши ҳам юқоридаги омиллар билан боғлиқ. Дунёдаги глобал ва халқаро ўзгаришларда, албатта, олий таълим ва унинг фаолияти муҳим ўрин тутади. Олий таълимнинг халқаролашуви ва глобаллашуви фарқли тушунчалардир [44]. Чет эл манбаларида глобаллашув ва глобализацион жараёнлар олий таълимда

тўхтовсиз ўзгариш ва ривожланишнинг маҳсули деб таъкидланган. Олий таълимда халқаролашув эса жамият, сиёсат, иқтисод, меҳнат бозорларининг глобаллашуви натижасида мавжуд бўладиган эҳтиёж ва талабларга жавоб бўлувчи ҳар қандай систематик ва қўллаб-қувватловчи ҳаракат сифатида тушунилади [92; 10-б]. Бундай ҳаракатларга талабалар, илмий ходим ва ўқитувчилар алмашинуви ва сафарбарлиги, чет эллик талабаларнинг кўпайиши, илмий ишлар натижаларининг халқаро доирада кенг қўлланилиши, ОТМларининг чет давлатларда филиал ва оф-кампусларига (off-campus) эга бўлиши, халқаро нашрларда қатнашиш, иқтибослиги юқори бўлган мақолалар сонининг кўпайиши, молиялашни диверсификациялаш, ОТМ ўзининг стартапларига (start-up) эга бўлиши, инновацион ғояларни сотиш орқали билимларнинг коммерцияланиши кабиларни киритиш мумкин. Бизнинг фикримизча, халқаролашувни глобализациянинг таъсир кучларига жавоб берувчи восита деб қараш мумкин бўлади. Минтақалашув ёки европалашув ҳам глобализацияга хизмат қилувчи воситалардан бўлиб, унда, асосан, географик ва иқтисодий қулайликлардан келиб чикувчи минтақавий интеграциялашув тушунилади. Олий таълимдаги халқаролашув тушунчаси турлича талқин қилинади. Жейн Найтнинг таъкидлашича, кимдир уни талаба ва ўқитувчилар алмашинуви, халқаро ҳамкорликдаги лойиҳалар, халқаро академик дастурлар, ва илмий тадқиқот деб тушунса, яна кимлар учун халқаро ва маданиятлараро илмий янгилик ва ижтимоий ўзгаришларни таълим дастурларига сингдиришдан иборат деб тушунтиради [93]. Олий таълим сифати масаласи глобализация жараёнларига шай туриши лозим. Чунки *сифат ва халқаролашув* ўзаро чамбарчарс боғлиқ масалалардир. Халқаролашув ҳаракатлари ва унинг компонентларининг барчаси, халқаро ҳамкорлик, талаба алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва тажриба алмашинув кабилар олий таълим сифатига хизмат қилади. Олий таълим халқаролашуви таълим сифатини оширишдаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, олий таълим тизимининг давлат миқёсидаги мавқеи ушбу мамлакатнинг миллийлигига ва ҳаётига асосланган бўлса-да, глобал фикрлаш

ва ташқи глобал омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлиш, қолаверса, глобализацион жараёнларни эътибордан чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун мамлакат миқёсида тан олинган сифат кафолати тизими ОТМларини каноатлантирмайди ва халқаролашувнинг аҳамияти тобора ошиб боради. Шундай экан, халқаролашувда таълим сифатининг аҳамияти ҳам тобора ошиб боради.

Сифат ва халқаролашув Россия ахборот манбаларида ҳам кўтарилган. Г.В.Телегина ва Н.В.Штыковалар шу масалада фикр юритиб, уни халқаролашув (интернационализация) академик маънода ишлаб чиқариш ва билимларни, яъни илмий тадқиқотлар ва таълимни бир мамлакатдан иккинчисига кўчиришнинг (трансмиссия) ниҳоятда муҳим йўли деб тушунилишини таъкидлайдилар [36].

Сифат ва халқаролашув жараёнларини четлаб ўтадиган ҳеч бир мамлакат йўқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган халқаролашув борасидаги ишлар Темпус, Эрасмус+ каби дастурлар доирасида олиб борилган ва олиб борилаётган лойиҳалар мисолида кўзга ташланади. Темпус ва Эрасмус+ халқаро дастурлари республикамиз ОТМларини ислоҳ қилишда, халқаро доирада илмий ва амалий ҳамкорликларни йўлга қўйишда, университетлараро узоқ муддатли ҳамкорликларни ўрнатишда, олий таълимда инновацияларни қўллаб-қувватлашда ва талабаларни замонавий бозор эҳтиёжларига мос кадрлар қилиб етиштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу дастур мамлакатимизда 1994 йилдан ўз фаолиятини бошлаган ва бу давр мобайнида юздан зиёд қўшма лойиҳалар амалга оширилган. Лойиҳаларни тузишда ҳар йили устувор йўналишлар аниқланиб, мавжуд шарт-шароитлар асосида такомиллаштирилиб борилмоқда. Лойиҳаларнинг қамраб олган асосий мавзулари университетни бошқариш малакалари, қишлоқ хўжалиги, техника фанлари, атроф-муҳит ва экология, табиий фанлар, чет тилларни ўқитиш ва таълимга янги технологияларни жалб қилишдан иборат. Бу каби дастурларнинг мавжудлиги республикамиз

ОТМларини глобализация жараёнларига тезроқ мослашиши учун кенг йўл очади.

Олий таълим халқаролашувининг хорижий таълим тизимларидаги сифатни оширишда бош омил саналар экан, халқаролашувнинг ўзига хос тарихий ривожланиш босқичлари ҳам мавжуд. Халқаролашувнинг бугунги дунё олий таълим тизимларига нечоғли яқин эканлигини теран англаш учун унинг тарихий ривожланиш босқичларига батафсил тўхталиб ўтиш лозим.

***Олий таълим халқаролашувининг тарихий жараёнлари.*** Олий таълим халқаролашуви ҳозирги замон олий таълим муассасаларида тараққиёт ва ривожланиш учун асос бўлувчи масалалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, таълимда халқаролашувининг азалдан мавжудлиги ва унинг тарихий босқичларини ёритиб бериш халқаролашувнинг олий таълимда нечоғли муҳимлигини ва феноменга айланганлигини англашга хизмат қилади. Олий таълимнинг халқаролашуви тарихи жуда оз ўрганилган бўлса-да, Ж.Найт [90] ва К.Кер [89] ушбу тарихий жараённи уч босқичга ажратиш принцини баён этадилар:

1. Ўрта асрлар ва ренессанс даври,
2. XVIII асрдан II жаҳон урушигача бўлган давр,
3. II жаҳон урушидан ҳозиргача бўлган даврлар.

*Ўрта асрлар ва ренессанс даврида* ғарб давлатларида (асосан христиан дунёсида) лотин тилининг оммавий мулоқот воситасига айланиши талаба ва ОТМ ўқитувчиларининг бошқа мамлакат ОТМларига сафарбарлик ҳаракатларининг кучайишига олиб келди [113]. Муайян тилларнинг халқаро тилга айланиши (масалан лотин, инглиз, араб ва рус тиллар каби) туфайли ўқув дастурлари, имтиҳон ва баҳолаш тизимлари ўзаро тушунарли бўлиб борган ҳамда таълимни бошқа ОТМларида давом эттириш имкониятларини кенгайтирган. Талабалар бошқа давлатларда нафақат таълим олиш, балки маҳаллий урф-одатлар, ўзга халқнинг яшаш ва турмуш тарзи, янги фикр ва тажрибалар, ўзгача сиёсий фикр ва қарашларини ҳам ўзлаштирганлар. Энг муҳими, улар ўзлари билан бирга янги адабиётлар ва қўлёзмаларни ҳам олиб

кетганлар. Ўша даврдаги талабалар ва зиёлилар асосан жамиятнинг элита катламлари оилаларидан етишиб чиққанлар ва улар келажакда давлат бошқаруви ва юқори лавозимларда хизмат қилишга тайёрланган. Албатта, ўзга мамлакатларида олган билим ва тажрибалари уларнинг иш фаолиятларида қўл келган. Бу инкор этилмайди, лекин бошқа (нисбатан ривожланган) давлатда билим олиш шу давлатнинг таълим соҳасидаги тажрибалари ва ижтимоий ҳаёт тарзи ҳам кириб келган. Шу туфайли ҳам, Де Ридн Сиймоннинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи томонидан жорий этилган дастурдаги ERASMUS сўзи ҳам ўша даврлардаги машхур зиёли сайёҳ номига берилган [113].

*XVIII асрдан II жаҳон урушигача* бўлган даврдаги халқаролашув, асосан, олий таълимни экспорт қилиш кўринишида бўлган. Аниқроқ қилиб айтганда, дунёда ҳукмрон ва кучли давлатлардан мустамлака ва колониядаги мамлакатларга олий таълим андозалари кўчирилган. Масалан, Лотин Америкасидаги олий мактаблар Иберия ярим оролидаги олий таълим муассасаларининг андозалари бўйича ташкил этилди. Ҳиндистон, Осиё, Африка, Кариб денгизи ҳавзаси ва Шимолий Америка олий таълими эса Британия Империяси олий таълим тизими модели асосида шаклланди. Шунингдек, Осиё, Африка, Кариб ва Шимолий Американинг собиқ Франция мустамлакасига тааллуқли бўлган қисмларда эса Франциянинг олий таълим тизими андозалари ишлаган [45; 9-б]. Ушбу минтақалардаги мамлакатлар мустақилликка эришганларидан кейин ҳам ҳукмрон давлат андозалари узок йиллар, асрлар давомида сақланиб қолган. Масалан, АҚШ ОТМларининг ташкил топишида Британиянинг Оксфорд ва Кембриж каби етакчи университетларнинг андозалари асос бўлган. Кейинчалик ташкил топган Вашингтондаги Жон Хопкинс университети каби Немис олий таълим муассасалари моделлари ҳам АҚШга импорт килинган. Канада ва Австралия олий таълимлари ҳам Европа модели асосида ташкил этилган [47; 11-б]. Олий таълимнинг халқаролашув элементларидан ҳисобланган *илмий тадқиқот ва наشريёт ишлари* ҳам II Жаҳон урушига қадар ривожланиб

келган. Гарчи бу даврдаги илмий тадқиқотларда миллий ва маҳаллий масалалар акс этган бўлса-да, олимлар ўртасида халқаро доирада ўзаро фикр ва тажриба алмашишлар турли кўринишдаги семинарлар, конференциялар, симпозиумлар, ва халқаро нашриётлар воситалари орқали амалга оширилиб келинган [45; 12-б]. Бундай воситалар ҳар доим, хаттоки ҳозирги тезкор информацион асрда ҳам дунё олимлари ва зиёлиларининг ўртасидаги асосий мулоқот ва фикр алмашинув воситалари бўлиб қолмоқда. Олий таълимнинг халқаролашув элементларидан яна бири *талаба ва тадқиқотчилар алмашинуви* ҳам бу даврда тўхтовсиз кўпайиб борган. Гарчи талабалар сафарбарлиги бўйича аниқ статистик маълумотлар бўлмаса-да, Жейн Найт ва Ханс де Витнинг таъкидлашича, бундай ҳаракатлар ҳеч қачон тўхтаб қолмаган [130; 37-б]. Демак, ренессанс давридан токи XX асрнинг иккинчи ярмига қадар вақт орасидаги олий таълим халқаролашуви кўринишлари, асосан, яқка сафарбарлик, иқтидорли ёки бадавлат оилалардан чиққан талабаларнинг нуфузли ОТМларида таҳсил олиши, олий таълим тизими андозаларининг Европа ҳукмрон давлатларидан мустамлака давлатларга импорт қилинишидан иборат бўлган.

*II Жаҳон урушидан ҳозиргача* бўлган даврдаги халқаролашув кўринишлари, асосан, урушдан кейинги икки кутбли кучлар-собик иттифок ва АҚШ ўртасидаги рақобат остида ривожланиб борган. Ҳар иккала кучлар ҳам олий таълим халқаролашувининг ривожланишидан манфаатдор бўлиб, ўз олдиларида аниқ стратегик мақсадлар қўйган ҳолда, бу борада сармоялар киритиб келдилар. Бундай стратегиялар сирасига дунё мамлакатлари ва минтақаларини янада чуқурроқ ўрганиш, таъсир доирасини янада кенгайтириш ва қуролланиш пойгасида устун келиш кабиларни келтириш мумкин. Европада эса икки уруш натижасида узоқ давом этган вайронагарчиликлардан сўнг қайта тиклаш жараёнилари олиб борилаётганлиги боис халқаро таълим ва ҳамкорлик ишларига сармоя киритиш мушкул эди. Кўплаб европалик зиёлилар ўз юртларини ташлаб АҚШ, Канада, Австралия каби юртлардан қўним топган эдилар. Ғарбда эса

1960-70-йиллардаги колониал ва мустамлакадаги мамлакатларга бирин-кетин мустақиллик берилиши ортидан жанубий учинчи дунё мамлакатларидан шимолга, яъни ғарбий Европа ҳамда АҚШга таълим олиш учун борадиган талабалар оқими кўпайган. XX асрнинг 80-йилларида Европа Ҳамдўстлигининг кучайиб бориши ва Япония иқтисодиётнинг юксалиши ортидан халқаролашув кўриниши ўзгача тус олди. Улар таълим ва илмий изланишлар, тадқиқотлар ва ривожланишга сармоя киритишда АҚШ билан нафақат беллашиш, балки дунё сахнасида сиёсий ва иқтисодий рақобат қилишга қодир эди. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошидаги ўзгаришлар, яъни социалистик тузумнинг барҳам топиши билан халқаролашувнинг кўриниши янада ўзгача тус олди. Иқтисодиёт, сиёсат, маданият ва таълим глобал тенденциялар асосида ривожланиб борди. Олий таълим халқаролашуви шу тариқа тарихий жараёнлар бўйлаб ривожланиб келди.

### **3.2. Халқаролашув жараёни асосида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш**

Сифатга эришиш учун уни стратегик жиҳатдан режалаштириш таклиф этилади. Стратегик режалаштириш – таълим сифатини бошқариш тизимидаги энг асосий кўрсаткичлардан биридир [41; 112-б]. Стратегик режалаштириш авваллари хусусий секторда кенг тарқалган бўлиб, доимо ўзгариб келаётган ташқи муҳитга эффе́ктив жавоб қайтариш учун, давлат секторлари ва нотижорат ташкилотларида қўлланила бошланган. Ф.Алашло, П.Кастка ва Ж.Шарплар томонидан тузилган ОТМлари учун стратегик режалаштириш бир-бирига боғлиқ бўлган уч босқичдан иборат (2.1-расм) [42]. Улардан **биринчи босқичи** стратегияни аниқлаш бўлиб, бу босқичда стратегик қарор қабул қилиш учун бир қатор амаллар бажарилиши лозим. Аввало, стратегик режалаштиришнинг таркибий тушунчаларига кирувчи маданият, кадрият, муносабатлар, перспектива (истикбол), миссия, узоқ муддатли мақсад ва вазифалар аниқлаб олиниши зарур, чунки бундай

тушунчалар турли жамиятларда турлича бўлади. Иккинчидан, олий таълим муассасаларига кескин таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, технологик, демографик каби ташқи муҳитлар баҳоланиб олиниши муҳим. Раҳбарият эса бу таъсир кучларига самарали жавоб қайтаришнинг муқобил чора-тадбирлари ишлаб чиқишлари керак.

Учинчидан эса олий таълим муассасаларининг келажақда ўз мавқеини сақлаб қолиш ёки илғорлашиб кетишига асос бўлувчи ўзининг кучли ва заиф томонлари, яъни молиявий ресурси, инсон ресурслари, академик ва илмий салоҳияти кабиларни баҳолаб олиши лозим. Шу каби ички ва ташқи факторларнинг аниқлаштириб олиниши раҳбарият учун олий таълим муассасасининг миссия ва вазифаларига мос стратегияларини аниқлаб олиш имкониятини беради.




**3.1- расм. Стратегик режалаштириш босқичлари**

Стратегиялар ОТМининг асосий йуналишлари ҳисобланган ўқитиш, илмий тадқиқот ва талабалар масалалари бўйича белгиланади. Чадвикнинг

таъкидлашича, университетлар ўзларининг таълим жараёнлари, ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқот каби фаолиятлари бўйича сифатни оширишга жавобгарликлари ошиб бораркан, академик ходимларнинг таълим жараёниларини янада кенгроқ тушуниб боришлари лозим бўлади [63]. Шу тариқа стратегик режа ва вазифалар аниқлаштириб олингандан сўнг, **стратегияни амалга ошириш босқичида**, «ишга киришиш» жараёни бошланади. Эришилган натижалар баҳоланади ва қайта кўриб чиқилади.

**Стратегияларни аниқлаш ва уларга таъсир этувчи омиллар:**

- Ташқи омиллар (ОТМ ташқи имкониятлари, ташқи хавфлар, маҳаллий бошқарув органлари таъсири, қўйилаётган талаб ва вазифалар),
- Ички омиллар (ички имкониятлар, молиявий имкониятлар, етишмовчиликлар, инфратузилма)
- ОТМдаги муҳит (ички муҳит, коллегиял муҳит, илмий салоҳият, кадрлар салоҳияти, кучли ва заиф томонлар)



**Стратегияларни амалга ошириш:**

- Ўқув жараёнини ташкил этишдаги стратегиялар (ўқишга қабул қилиш масалалари, таълим жараёнида ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш, талабаларнинг давомоти),
- Илмий салоҳиятни оширишдаги стратегиялар (илмий-салоҳият ва мутахассисларнинг тажрибасини ошириб бориш, ОТМ-ишлаб чиқариш-фан учлигини тўғри ташкил эта олиш, халқаро лойиҳаларда ва танловларда иштирок этишдаги фаоллик),
- Бошқарувни тўғри ташкил этиш стратегиялари (жамоавий бошқарув муҳитини ярата олиш,
- Кадрларни тўғри танлай олиш, барчада масъулиятнинг ҳис қилиш муҳитини яратиш.



**Эришилган натижаларни таҳлил этиш:**

- Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб бориш тизимини ташкил этиш,
- Сифат инспекцияси бўлими ваколатидан фойдаланиш орқали мавжуд вазиятга баҳо бериш,
- ОТМнинг заиф томонларини бартараф этиш ҳаракатларини бошлаш,
- ОТМнинг кучли томонларидан самарали фойдалани олиш

**3.2-расм. Ф.Алашло, П.Кастка ва Ж.Шарплар томонидан тузилган ОТМлари учун стратегик менежмент модели учун таклиф этилаётган йўл харитаси**

Ҳозирги кунда дунё ОТМларининг аксариятида стратегик аниқ мақсад ва вазифалар белгиланиб, уни амалга ошириш учун стратегик режалаштириш тажрибаси етарлича бўлиши тақозо қилинмоқда. Бунинг ёрқин мисолини


Малайзиянинг давлат ва нодавлат университетларининг аксариятида кўриш мумкин. Бу эса олий таълим сифатини таъминлашда стратегик режалаштиришнинг аҳамияти ҳам долзарб бўлиб боради.

Адабиётларни умумлаштирган ҳолда, 3.1. расмда берилган Ф.Алашло, П.Кастка ва Ж.Шарплар томонидан тузилган ОТМлари учун стратегик режалаштириш моделининг йўл харитасини таклиф этамиз. Ушбу йўл харитасида (3.2. расм) стратегияларни аниқлаш, уларни режалаштириш, ички ва ташқи омилларни тўғри баҳолай олиш учун фикрлар берилган. Бизнинг фикримизча, ҳозирги даврда ҳар бир ОТМ стратегияларга асосланган бошқарув тизимида ишлашга мажбур бўлади. Аксарият ҳолларда стратегияларни белгилаш манфаатлар ва қизиқишлардан келиб чиқади.

Хусусий ОТМларида стратегияларни аниқ ва мукамал ишлаб чиқилади ва аксарият ҳолларда, стратегик мақсадлар сир сақланади. Лекин давлат ОТМларида стратегиялар асосан юклатилган масъулият ва жавобгарликлардан келиб чиқилади. Мамлакатимиз шароитида ҳар бир ОТМнинг ўз стратегиясини белгилаб олиши ва стратегик мақсад сари иш олиб бориши учун раҳбар кадрларнинг етарлича ваколатлари мавжуд. Шундай экан, манфаатлар ва жавобгарликларни уйғунлаштира олишда раҳбар кадрлар ўз бошқарув маҳоратига таянади. Юқоридаги фикрлардан ва хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, стратегик режалаштиришни ички стратегия ва ташқи стратегияга бўлишни тавсия этамиз. Биринчиси ички стратегия, иккинчи эса ташқи стратегия. Ички стратегиялар ошқора олиб борилиши, барча бўғин ходимларга аниқ масъулиятлар белгилаш орқали, ресурслардан оқилона ва креатив фойдаланиш йўли билан рўёбга чиқарилади.

Ички стратегия баъзи ҳолларда профессор-ўқитувчилар орасидаги «муносабатлар муҳитининг бузилиши» (academic antagonism), «ўзгаришларга қаршилиқлар» (resistance to change) каби омилларни бартараф этишда ёки зарарсизлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин, чунки ички стратегияларни

олиб боришда ижобий ва салбий факторларни инобатга олмасликнинг имкони йўқ.



**3.3-расм. Халқаролашув жараёни асосида академик ва институционал стратегик режалаштириш**

Ташқи стратегиялар асосан турдош ОТМлар билан соғлом рақобатга киришишда, ўзаро ҳурмат принципларига асосланган ҳолда олиб борилади, хусусий ОТМлар ташқи стратегияни ихтиёрий равишда сир сақлаш мумкин. Маълум бўладики, стратегик режалаштиришнинг ҳар икки тури ҳам

пировардида ОТМнинг муваффақиятларга эришиши, сифатни ва рақобатбардошликни таъминланиши учун хизмат қилади. Шундай бўлса-да, халқаролашув жараёнининг ва унинг компонентлари (хорижий талабалар сонини оширилиши, профессор-ўқитувчилар алмашинувини кўпайиши, халқаро таълим ташкил этиш орқали бюджетдан ташқари маблағларнинг оширилиши) ОТМда сифат рақобатбардошликни таъминлашда муҳим ўрин тутди ва уларни стратегик режа асосида амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Тадқиқотимиз давомида ўрганилган хорижий манба ва тажрибалар асосида халқаролашув жараёни асосида академик ва институционал стратегик режалаштиришни таклиф этамиз.

### **3.3. Олий таълимда халқаролашув ва билимларнинг коммерцияланишуви**

Аксарият ғарб ОТМларида халқаролашувни, юқорида таъкидланганидек, хорижий талабаларни купайтириш, бошқа давлатларда оф-кампус ва филиаллар ташкил этиш ёки масофавий таълим бериш деб қаралади. Бу эса ўз-ўзидан таълимнинг, умуман олганда, билимнинг коммерцияланишига олиб келган. Билимнинг коммерцияланиши (commercialization of knowledge), билимни ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки эғалик қилинадиган мулк каби сотиш ёки сотиб олиш тушунилади. Америкалик П. Албачнинг эътирофи этишича, асрлар давомида билим ва ақл «омма мулки» бўлгани, яъни инсоният тараққиёти ва ҳаётига хизмат қилганлиги сабабли жамият ва давлат томонидан доимо қўллаб-қувватлаб келинган [44]. Сўнги ўн йилликлар ичидаги информацион, технологик ва иқтисодий тараққиёт ҳамда бозор шароитларининг жамият тузилмаларининг барча жабҳаларига кенг кириб бориши туфайли билим «омма мулки»дан секин-аста «тижорий маҳсулот»га айланиб кетди. Шунинг учун таълим бу сотиш ёки сотиб олиш мумкин бўлган хизмат тури ёки маҳсулот бўлиб қолди, дунё савдо ташкилотининг (World Trade Organization) Сервислар савдосининг умумий келишуви (General Agreement on Trade in Services) 1995

йилдаги Уругвайда бўлиб ўтган музокоралар натижасида таълимни асосий 12 та хизмат турларидан бири, олий таълимни эса таълимдаги 5 та суб-категориялардан бири деб эълон қилди. 153дан зиёд давлатлар аъзолигида ташкил этилган дунё савдо ташкилоти, сервислар савдосининг умумий келишувига биноан унга аъзо бўлган мамлакатларда сервис хизматларининг эркинлашишини таъминлаш, тартибга солиш ва қонунийлаштиришни кўзда тутди. Уларнинг келишувига кўра хизматнинг коммерцияланиши турлари тўрт категориялардан иборат:

1. Сервиснинг хориждан таъминланиши (cross-border supply)
2. Сервисдан хорижда фойдаланиш (consumption abroad)
3. Сервиснинг хорижда ташкил этилиши (commercial presence)
4. Сервис кўрсатувчининг хорижда бўлиши (presence of natural persons)

Жайн Найт ушбу тўрт турдаги сервис таъминотининг олий таълимдаги кўринишини юқоридаги жадвалдаги каби тушунтириб берган [91; 10-б]. Юқорида Жайн Найт томонидан таҳлил этилган тўрт категориядаги сервис турлари мамлакатимиздаги ОТМлари томонидан олиб борилмоқда ва кўпайиб бормоқда. Бу эса, юртимизда, билимнинг коммерцияланишуви жараёнининг бир қисми сифатида олиб борилаётганини кўрсатади. Олимлар ўртасида билимнинг коммерцияланишига нисбатан эътирозлар ҳам йўқ эмас. Жейн Найтнинг баён этишича, баъзилар таълимни «омма мулки» бўлиб қолишини маъқул кўрадилар [91; 13-б]. Дунё савдо ташкилоти коммерцияланиш натижасида ҳукуматнинг роли олий таълим сифат аспектларига таъсири заифлашиб кетади деган хавотирни ҳам ўртага ташлайди. Айниқса, олий таълимнинг анъанавий фойдаланувчилари бўлган ўқувчилар, тадқиқотчилар ва талабалар таълимга маҳсулот сифатида қаралишига умуман қарши ва ўз ҳукуматларини дунё савдо ташкилотига қўшилмасликларига ундайдилар [123].

Билимнинг коммерцияланиши тарафдорлари эса унинг таълимга кўпроқ инновациялар олиб кириши ва талабаларнинг билим олиш имкониятларининг кенгайиши билан изоҳлайдилар. Жейн Найтнинг

фикрича, билимларнинг коммерцияланиши, олий таълим импортидан фойдаланиш ҳамда дунё савдо ташкилоти келишувларига қўшилиш ёки қўшилмасликни ҳар бир давлат ўзи ҳал қилиши лозим [91; 17-б]. Бизнингча, таълим комерцияланиши жамият тараққиётида ва ҳозирги бозор муносабатларининг ривожланишида истиқболга эга.

### 3.1 - жадвал

#### Жайн Найтнинг тўрт турдаги сервис таъминотининг олий таълимдаги талқини

<i>Сервислар савдосининг умумий келишувига мувофиқ хизмат етказиш турлари</i>	<i>Тавсиф</i>	<i>Олий таълим шароитидаги мисоллар</i>	<i>Бозор ҳажми ва потенциали</i>
1. Сервиснинг хориждан таъминланиши	сервис кўрсатувчининг хорижий давлатдан келиб меzbон давлатда фаолият юритиши (бунда истъеъмолчи ёки сервисдан фойдаланувчининг хорижий давлатга бориши шарт эмас)	- масофавий таълим; - электрон ресурслардан ўрганиш; - виртуал университетлар	(айни вақтда) бозор қўлами унчалик кенг эмас, лекин замонавий технология ва интернетдан фойдаланиш орқали юқори потенциалга эга
2. Сервисдан хорижда фойдаланиш	истъеъмолчи ва фойдаланувчининг хорижий давлатларга бориб сервисдан фойдаланиши	талабаларнинг хорижий давлатларга бориб таълим олиши	(айни вақтда) таълим сервислари глобал бозордаги катта миқдорда даромад келтирувчи соҳа ҳисобланади
3. Сервиснинг хорижда ташкил этилиши.	сервис кўрсатувчининг бошқа давлатларда фаолият олиб бориши	- меzbон давлатларда ташкил этилган хорижий давлат университетларининг филиаллари ва кампуслари; - қўшма (хамкорликдаги) таълим дастурлари; - маҳаллий олий таълим муассасалари билан имтиёзли келишувлар бўйича таълим дастурлари	Олий таълимдаги ушбу сервис турларига тобора қизиқиш ортиб, кучли перспективага эга бўлиб бормокда
4. Сервис кўрсатувчи шахснинг хорижда бўлиши	сервис кўрсатувчи шахснинг ўз фаолиятини олиб бориш учун маълум муддатга хориж давлатида бўлиши	хорижий давлатларда профессор, ўқитувчи ва тадқиқотчи бўлиб ишлаш.	ушбу турдаги сервислар ичида асосан эҳтиёждаги мутахассисларнинг сафарбарлигига қизиқиш катта

*Интеллектуал иқтисод ва олий таълим.* Билимларнинг коммерциаланиши негизида «Интеллектуал иқтисод» (Knowledge economy) тамойиллари ётади. Интеллектуал иқтисод замонавий тушунча бўлиб, ақл ва билимдан иқтисодий фойда кўриш мақсадини кўзлайди, яъни иқтисодий соҳада, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспрот, моддий ишлаб чиқариш ва

хизматлар кўрсатиш соҳасининг анъанавий ишлаб чиқаришдан кўра юқори технологиялардан фойдаланадиган ишлаб чиқаришга ўтиш деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Терхи Ноккала эътироф этишича, «Интеллектуал иқтисод» ёки «Интеллектуал жамият» (Knowledge society) жисмоний меҳнатга асосланган ишлаб чиқаришдан ақлий интенсив ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ўтиш, илғор технологиялар асосида аввалгидай оғир қўл меҳнатига барҳам бериш орқали сермаҳсул ва самарадорликка асосланган иқтисод деб тушунилади [105; 70-б]. Шунингдек, саноат ва ишлаб чиқариш жараёнларининг энгиллашиши, оддий ишчидан токи юқори табақали раҳбаргача ақл ва билимга таянган ҳолда фаолият юритиши, одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиши, кундалик ҳаёти тобора энгиллашиши каби жиҳатлар ҳам «Интеллектуал иқтисод»нинг тамойилларини ташкил этади. Масалан, Япониянинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши, катта муваффақиятларга эришишининг сабаблари таълимни, инсон салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги туфайлидир. Бундай давлатларга Сингапур, Гонгконг, Жанубий Корея ва Тайванни ҳам келтириш мумкин, бу давлатларнинг асосий манбаи инсон ресурсларидир. Ер майдони атиги 710<sup>2</sup> км, аҳолиси эса 4,5 млнни ташкил этувчи Сингапур иқтисодиётининг деярли 100 фоизи интеллектуал меҳнат, сервис кўрсатиш ва интеллектуал маҳсулот сотишдан келадиган даромад ҳисобига тўғри келади.


Олий таълим ва илмий тадқиқотларсиз интеллектуал иқтисодга ўтишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун олий таълимнинг халқаролашуви ва глобал жараёнлар билан мос бўлиши интеллектуал иқтисоднинг асоси деб юритиш мумкин. Америкалик тадқиқотчи К.Жиянг олий таълимнинг халқаролашувида интеллектуал иқтисоднинг роли катталигини таъкидлаб, уларни бир-бирига чамбарчарс боғлиқ деб ҳисоблайди [134], чунки интеллектуал иқтисоднинг ривожланиши билан турли хил мутахассислик ва илмий соҳаларга эҳтиёж кучайиб боради, бу эса олий таълимга ва сифатга талабнинг тобора ошиб боришига сабаб бўлади. Шу тариқа олий таълим дунёда энг кўп даромад келтирадиган соҳалардан бирига айланиб боради. Бу

эса сифатли таълимга бўлган эҳтиёжни, тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга бўлган талабларнинг ошиб боришига сабаб бўлган. Шунингдек, таълим сифатининг аҳамияти ҳам тобора ошиб борди ва таълим соҳаси жаҳон иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан бирига айланди [23; 43-б]. Бизнингча, таълим соҳасини билим, малака ва кўникмалар беришга ихтисослашган соҳа деб талқин қилиш ўринли бўлади, чунки таълим қобилиятни ривожлантириш мумкин, лекин уни бериши мумкин эмас. Таълимни ривожлантириш, аҳоли саводхонлик даражасининг юқори бўлиши, саноат ва ишлаб чиқаришда юқори билим ва малакага эга бўлган кадрларнинг кўпайиши жамият ва иқтисодиётнинг юксалиши гаровидир. Ёш кадрларнинг замонавий билим ва малакали бўлишини таъминлашда таълимга катта миқдордаги сармоя киритиш талаб этилади. Ривожланаётган давлатлардаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёж туфайли Сингапур, Гонгконг, Япония, Тайван ва Малайзияда XX асрнинг 60-йилларда талабаларнинг ривожланган давлатлардаги университетларда таҳсил олишлари учун миллий даромаднинг катта қисми сарфланган. Бу эса, аввал айтганимиздек, ўз навбатида олий таълимдаги халқаролашувнинг кўринишларидан бири бўлган талабалар сафарбарлигининг, яъни талабаларнинг олий таълими ривожланган давлатларга бориб таҳсил олишининг кўпайиб боришига сабаб бўлди. Натижада олий таълим сердаромад соҳага айланди.

ЮНЕСКО статистика институтининг маълумотларига кўра, дунё бўйича талабаларнинг бошқа мамлакатларда таҳсил олиши охириги 25 йил ичида мисли кўрилмаган даражада ошиб кетган. Қуйида тасвирланганидек, 1990 йилда хорижда таълим оладиган талабалар сони 1.2 млн бўлса, бу рақам 2015 йилга келиб 4.6 млнга етган (3.3 расм). 2020 йилга келиб бу рақамнинг 7 млн.дан ошиб кетиши тахмин қилинади [46; 10-б].

Бунда Шимолий Америка ва Ғарбий Европа дунё талабаларининг хорижда таълим олишлари учун асосий манзил бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда эса Шарқий Осиё ва Тинч океани регионлари ҳам хорижий

талабаларни қабул қилиш бўйича кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Демак, талабалар сафарбарлигининг сони йилдан-йилга ортиб бориши кутилади ва бу олий таълимнинг халқаролашуви ва глобал жараёнларнинг ривожланиши учун муҳим туртки бўлади.



### 3.3 расм. Дунё бўйича хорижда таълим оладиган талабалар сони

Дунёнинг етакчи ОТМлари бошқа мамлакатларда филиаллар ташкил этиш орқали таълим беришини йўлга қўйиши, масофавий таълим орқали ўқитиш ёки маҳаллий ОТМлар билан ҳамкорликда ўқув курслари ва таълим йуналишларини ташкил этиш орқали таълим бериши ҳам кенг тарқалмоқда. Олий таълим халқаролашувининг бундай кўриниши *транснационал таълим* деб аталади. Масалан, мамлакатимизда ташкил этилган Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали, Сингапур менежмент институти филиали, Турин политехника университети ва бошқалар транснационал таълимга яққол мисол бўла олади.

Таълим соҳаси даромад манбаи бўлганлиги учун ҳам олий таълим муассасаларида чет эллик талабаларни кўпайтириш ва таълим маркетингини кучайтириш ишлари тобора жадаллашиб боради. Осиё, Тинч океани регионларида бу борада рақобат ўз чўққисига кўтарилган. Австралия жанубий-шарқий Осиёда транснационал таълим бўйича етакчи ҳисобланади ва таълим «даромадли индустрия» атамасига эга бўлган. Ҳозирги кунда Таиланд, Сингапур, Малайзия, Ҳиндистон ва Хитой каби мамлакатларда Австралия университетлари билан биргаликда ташкил этилган филиаллар, кўшма таълим муассасалари, масофавий таълим марказлари тобора кўпайиб бормоқда. Бу мамлакатларда транснационал таълим бўйича кучли рақобат

юзуга келмоқда. Ушбу мамлакатлардаги ОТМлар аксарияти инглиз тилида таълим беришни йўлга қўйганлиги ҳисобга олинса, хорижий талабаларга ва улардан келаётган даромадга қизиқиш нақадар кучайиб бораётганини тушуниш кийин эмас. Масалан, Малайзиядаги давлат ва нодавлат ОТМларига хорижий талабалар қабул қилишни кўпайтириш давлат сиёсати шароитида қаралмоқда. Бу эса ўз навбатида хорижий давлатларда маркетингни кучайтириш, жўнатувчи мамлакатлар сафини кенгайтириш ва янги бозорларни кашф қилишни тақозо этмоқда.

Шу тариқа, олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашда халқаро олий таълимнинг кенгайиши, билимларнинг коммерцияланишуви, интеллектуал иқтисод каби омиллар муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади.

Бизнинг фикримизча, билимларнинг коммерцияланишининг асосий сабабларидан бири, олий таълим олиш эҳтиёжининг ўсиб бориши ва иш берувчининг олий маълумотли кадрларга талабининг ошиши деб талқин қилиш мумкин бўлади. Масалан, Малайзияда Universiti Teknologi MARA (168 минг талаба) Мисрда Қохира университети (280 минг талаба) Мексикадаги National Autonomous University of Mexico (187 минг талаба) университетларда талабалар сонининг кескин кўпайиши ўша мамлакатдаги олий маълумотли кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни қондириш ортидан содир бўлган. Бундай ҳолларда, олий таълим сифати ва рақобатбардошлиги масаласи мураккаб тус олади. Шунинг учун бундай университетларда таълим жараёнини ташкил этиш ва сифатга эришиш асосий вазифага айланади. Илмий тадқиқот ва инновация ишлари билан шуғулланиш эса илмий тадқиқот ОТМлари (research university) зиммасига ўтади ёки ОТМ қошида алоҳида илмий тадқиқот институтида олиб борилади.

ОТМда хорижий талаба ва ўқитувчиларнинг кўпайиши, мавжуд баҳолаш тизимининг халқаро стандартларга мослашиши (ECTS тизими), академик муҳитнинг динамик ўзгариши, ОТМ инфратузилмасининг халқаро талабаларга мослашиши, хорижий тилларда дарс берувчи профессор-

ўқитувчилар билан етарлича таъминлашни кескин чораларини кўриш, халқаро даражада ўқув адабиётлар билан таъминлаш каби масалаларни кун тартибидаги энг муҳим вазифалар қаторига киришини тақозо этади.

Талабаларни билимини баҳолаш тизими ва улар олган дипломларнинг халқаро даражада тан олиншини таъминлаш бўйича ОТМда тўхтовсиз иш олиб борилиши лозим бўлади. Ҳозирги пайтда ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System) тизими Европа ва Осиё давлатларидаги ОТМларда қўлланилмоқда.

### **Учинчи боб бўйича хулоса**

1. XX асрнинг ўрталари ва XXI асрнинг бошлари олий таълимда глобаллашув жараёнларининг авж олиши билан характерланади. Бу даврда олий таълим соҳасида глобаллашув термини билан бирга халқаролашув, европалашув ва минтақалашув тушунчалари ҳам пайдо бўлган, натижада улар глобаллашувга олиб келар эди.

2. Олий таълим тизимида сифат ва рақобатбардошлик уларнинг глобаллашувини таъминловчи компонент ҳисобланади.

3. Сифат ва рақобатбардошликни вужудга келтирувчи таъсир кучлари тушунчаси ҳам пайдо бўлдики, улар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий таъсир кучларидан иборат эди.

4. Олий таълим халқаролашуви ҳам таълим сифатига хизмат қилади.

5. Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ҳам халқаролашув принципларига кўп жиҳатлари билан яқин туради.

6. Олий таълимнинг халқаролашуви ўрта асрлардан бери давом этаётган жараёндир. Ҳар бир даврда халқаролашув жамиятнинг сиёсий хусусиятлари натижасини акс эттиради.

7. Халқаро ҳамкорлик, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви халқаролашувнинг компонентларидир.

8. Таълим ҳам фуқароларга билим малака ва кўникма беришга ихтисослашган иқтисодиётнинг бир соҳасидир. У сотилиши ва харид қилиниб олиниши ҳамда шу муносабат билан товар каби танланиши мумкин.

9. Хорижий ва ўз мамлакатимиз олий таълими тараққиёти тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, эндиликда олий таълимнинг халқаролашуви транснационал таълим шаклида давом этади.

10. «Интеллектуал иқтисод» олий таълим муассасаларининг даромад келтирувчи тамойили сифатида ўзини оқламоқда.

## **IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

### **4.1. Хорижий тажрибаларни олий таълимда қўллаш имкониятлари**

Маълумки, педагогикага оид ишларда таълим жараёнидаги илмий фаразани тажриба ва назорат гуруҳларидан олинган натижаларни қиёслаш орқали ўрганилади ва шу асосда хулоса чиқарилади, лекин тадқиқотимиз жараёнида тадқиқ этилган хорижий давлатлардаги тажрибаларни амалиётда синаб-кўриш кенг қўламли лойиҳа асосида ёки узок муддатли ислоҳотларга қаратилган чора-тадбирлар асосида амалга оширилади. Шундай бўлса-да, тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш имкониятини соҳага оид ўқув предметлари ва модулларида синаб кўриш имконияти пайдо бўлди. Тадқиқот доирасидаги фан ва модуллар олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда Бош илмий методик марказида ўқитилиши ҳисобга олинса, тадқиқотимиз учун тажриба-синов майдони аниқлашади. Чунки олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи субъект кўпроқ раҳбар кадрларнинг ўзлари ҳисобланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, тажриба-синов ишлари икки қисмдан иборат шаклда олиб борилди. Биринчи қисмда, хорижий олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги қўлланилаётган илғор тажрибаларни мамлакатимиз олий таълим тизимида қўллаш имкониятларининг даражасини аниқлаш мақсадида респондентлар танлаб олинди ва суҳбат ўтказилди. Иккинчи қисми эса Бош илмий-методик марказда олиб борилди.

Биринчи қисм учун респондентлар олий таълим муассасасидаги жами 32 нафардан иборат бўлган раҳбар кадрлардан (ректор, проректор, кафедра мудири, бўлим бошлиқлари, профессор-ўқитувчилар, янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимлари, инспекциянинг

худудий бўлимлари ходимлари ҳамда олий таълим муассасасиларида ташкил этилган таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари ходимлари) иборат бўлди. Синов ишлари (сухбат) давомида диссертациядаги янгиликларнинг мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришда қўллаш имкониятларининг даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар билан муносабат қилинди:

1. Олий таълимда сифатни оширишга қаратилган хорижий тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш қай даражада самара беради?

2. Бенчмаркинг ва тўнинг методларини олий таълим муассасасиларида сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш механизми сифатида қабул қилиш ва амалиётда қўллаш имкониятлари қандай?

3. Олий таълимнинг халқаролашуви жараёнининг зарурати ва ундаги кўрсаткичларни ошириш ҳаракатларининг ҳолати қандай?

4. Олий таълим муассасаси автономиясининг сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги аҳамияти бўйича сизнинг фикрингиз қандай?

Респондентларнинг жавобларини умумлаштирган ҳолда, улар назарий таҳлил этилди ва қуйидагича изоҳланди:

1. Хорижий тажрибаларни ўрганишга мустақиллигимизнинг илк даврдан бошлаб жуда катта эътибор берилган. Тўғри, бирор илғор мамлакатнинг таълим моделини андоза қилиб бўлмайди, лекин таълим моделимизнинг шаклланишида ўз миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавиятимизни ҳисобга олиш билан биргаликда хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда амалга оширилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ОТМлари халқаро майдонда илмий ва академик салоҳиятлар борасида бошқа илғор университетлар даражасига эришиш учун амалий ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу масалага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган вазифаларда, «Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш» тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги

371-сонли қарорида, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сон «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида асосий урғу берилган. Шундай экан, ҳар бир ОТМдаги раҳбар кадрлар олдида хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича жиддий вазифалар юклатилган. Айни замонда тезкор ўзгараётган глобаллашув шароитида олий таълим муассасаси ўз-ўзини мунтазам ривожлантириб боришини тақозо этмоқда. Албатта, ҳамкорликда бир-биридан тажриба ўрганишга қаратилган амаллар, лойиҳалар ва тадбирлар доим ижобий самара беради. Бу борада ҳозирда мамлакатимизда ишлаб турган ТЕМПУС, ЭРАСМУС+, ДААД, КОИКА, Британия Консуллиги каби халқаро ташкилотлар грант лойиҳаларининг мавжудлиги анча кўл келмоқда. Бундай лойиҳаларда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари иштирок этмоқда ёки тугалланган лойиҳаларда иштирок этган. Айниқса, ТЕМПУС лойиҳаларида бажарилаётган ёки бажарилган ишлар бенчмаркинг ва тюнинг методлари билан кўп ўринларда мувофиқ келади. Уларни тизимлаштириш, илмий нуқтаи назардан ўрганиш педагогика фанининг вазифаси ҳисобланади. Шу туфайли ҳам хорижий манбаларни ўрганиш орқали масалага ойдинлик киритиш диссертациянинг мақсади бўлган.

Бенчмаркингнинг афзал томонларидан бири шундаки, унда тажрибалар нафақат бир томонлама ўрганилади, балки ўргатувчи томон ҳам жуда кўплаб ижобий натижаларни олади. ТЕМПУС лойиҳаларида булар амалда исботланган. Масалан, кимё фанларини ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган лойиҳада европалик мутахассисларни ўзбекистонлик профессор-ўқитувчилар ўқитишган. Бу эса тажрибалар балансини таъминлашда ҳар икки томонга яхши самара берган.

2. Бенчмаркинг ғарб ОТМларида самарали қўлланилаётган бўлса-да, ундан мамлакатимиз ОТМларида ҳам фойдаланиш имконияти катта. Айниқса, олий таълимда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини оширишда, олий таълим ↔ илмий тадқиқот ↔ ишлаб чиқариш учлиги

(triangle links of higher education-science-industry) ўртасидаги боғлиқликни такомиллаштиришда бенчмаркинг амалларини қўллаш ва у орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунда хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ички бенчмаркинг ва генерик бенчмаркинг турларидан Ўзбекистон ОТМлари ўртасида кенг фойдаланиш мумкин. Таянч ОТМларининг илмий ва ўқув методологик жиҳатдан бошқа турдош ОТМларга кўмак беришини бенчмаркинг амалларига асосланган ҳолда шакллантириш ҳам мумкин. Бенчмаркинг олиб борувчи гуруҳни «бенчмаркинг ишчи гуруҳи» деб юритиш мақсадга мувофиқ. Бундай гуруҳни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида ҳам ташкил этиш кўзланган мақсадга мос келади.

Бенчмаркинг амалиётини ташкил этиш айни вақтда олий таълим соҳасидаги модернизация жараёнида, айниқса, «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли қарорининг ижроси юзасидан олиб бориладиган ишларни самарадорлигини таъминлайди. Масалан, шу қарор юзасидан илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш жараёнларида қўллаш ўринли. ТуСАНЕА лойиҳасида қатнашган ОТМлардаги ходимлар билан суҳбат чоғида лойиҳа натижалари ўз самарасини берганлиги аниқланди ва уни бошқа фанлар бўйича ҳам қўллаш устида иш олиб борилмоқда.

3. Олий таълимнинг халқаролашуви жараёнининг зарурати ва ундаги кўрсаткичларни ошириш ҳаракатларининг ҳолати бўйича олинган фикрлар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги икки йил ичида ОТМлар олдига қўйилаётган талаб ва масъулиятли топшириқлар сезиларли даражада ошган. Айниқса, «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ 2909-сон Қарори, «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3151-сон Қарори ва бошқа ҳукумат томонидан берилаётган топшириқларни бажариш учун ҳар бир раҳбар кадр, қолаверса, профессор-ўқитувчилардан тинимсиз меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Талаба ОТМга эмас, балки ОТМ талабалар учун хизмат қилиши талаб этилмоқда, лекин талабанинг ҳам ОТМ олдидаги масъулиятини кучайтирувчи механизмлар ҳам бўлиши шарт, масалан, талабаларда мустақил таълим олиш масъулияти.

Халқаролашув жараёнлари бевосита ОТМнинг халқаро алоқаларининг тўғри йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Кўп ҳолларда профессор-ўқитувчиларнинг ёки талабаларнинг хорижий стажировкаларга юборилиши фақат ОТМ раҳбарияти ва ОТМнинг халқаро алоқалар бўлими шуғулланиши лозим, деб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бу иш билан ҳар бир кафедра, қолаверса, ҳар бир профессор-ўқитувчи шуғулланиши лозим ва бунга уларда ваколатлар етарли. Ҳар бир кафедранинг халқаролашувини таъминловчи стратегик дастурлари бўлиши лозим. Бу дастурларда энг асосий масалалардан бири кафедрадаги ўқув жараёнига дунёнинг етакчи ОТМларидан профессор-ўқитувчиларни жалб этиш бўлиши зарур.

Респондентлар орасида халқаролашув жараёнида санаб ўтилган компонентлар бўйича аниқ тушунчаларни ўз номи билан аташ тажрибаси етарли бўлмаса-да, улар мазмунан мос келувчи тушунчаларга эга. Бундан кўринадики, халқаролашув бўйича хорижий ОТМларда мавжуд бўлган тушунчаларни тизимлаштириш ва уларни малака ошириш курсларида ўргатиш самара беради.

4. Олий таълимнинг автономияси бўйича берилган саволга респондентлар орасида бир-бирига қарама қарши фикрлар билдирилди. Респондентларни 3 тоифага ажратиш мумкин, биринчиси «автономия йўқ», иккинчиси «автономия бор ва у ОТМни ўзига боғлиқ», учинчиси «бизга автономия керак эмас». Ўзбекистон олий таълим тизимида автономия йўқ,

деб ҳисобловчилар фикрича, Ўзбекистон ОТМлари марказлашган тизим асосида бошқарилади ва эркин иш олиб бориш учун бюрократик тўсиқлар мавжуд. Иккинчи тоифа респондентларининг фикрича, Ўзбекистон ОТМларида автономия бўлмаса-да, ОТМнинг ўзида кенг ваколатлар мавжуд. Ҳар бир натижа ва муваффақиятлар ҳамда камчиликлар учун ОТМ ва уни бошқараётган раҳбар кадрлар масъул. Учинчи тоифа респондентлари эса Ўзбекистон шароитида автономияни бўлмагани маъқул, деб ҳисоблайди. Автономиянинг кучайиши таълим сифатининг пасайишига жиддий сабаб бўлади, шунинг учун марказлашган тизимда таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этмасдан ОТМнинг автономиясини кучайтириш тўғри келмайди. Бизнинг фикримизча, иккинчи тоифадаги респондентлар фикри тўғри ҳисобланади. Хорижий ОТМлардан фарқли ўлароқ, автономия кенг бўлмаса-да, жойлардаги ОТМларнинг сифатли ва рақобатбардошлик бўлиши раҳбар кадрларга, уларнинг билим ва савияси, профессионаллигига боғлиқдир.

Синов натижалари хорижий олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги қўлланилаётган илғор тажрибаларни Ўзбекистон олий таълим тизимида самарали қўллаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари суҳбатлар давомида қуйидаги хулоса келиб чиқди: олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни ошириш бўйича раҳбар кадрларга етарлича билим ва кўникма берувчи, айниқса, хорижий тажрибаларни илмий асосланган ҳолда етказувчи семинар тренингларни кўпайтириш зарур. Айни вақтда бундай тренинглар фақат Британия Кенгашининг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Темпус дастури лойиҳалари доирасида олиб борилмоқда. Британия Кенгашининг томонидан 2012 йил 5 декабрда ва 2017 йил 2 июнда (ОЎМТВнинг 21.11.2012 йилдаги 87-02-2466-сонли хати ва 01.06.2017 йилдаги 87-02-1743) икки мартаба ўтказилган бўлса, Темпус дастури бўйича фақат QPDA (Enhancement of Quality Assurance System through Professional Development of Academic

Leaders) лойиҳаси доирасида ўтказилган. Бу кўрсаткич жуда кам ҳисобланади ва шунинг учун Бош илмий-методик марказ томонидан ташкил этилаётган раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув курслари бу масалага ечим бўлувчи асосий инструменти ҳисобланади. Сухбатда иштирок этганларнинг аксарияти ушбу малака ошириш курсларида иштирок этган. Шу молоҳазаларни ҳисобга олиб, тажриба-синовнинг кейинги босқичини Бош илмий методик марказида ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

#### **4.2. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари**

Тажриба-синов жараёнида тадқиқот мавзусига оид фанларда тадқиқот натижалари ва илмий янгилигининг ўқитилиши имкониятлари ўрганилди. Тажриба-синов майдони сифатида Бош илмий-методик марказ танлаб олинди ва диссертация мавзусига оид модулларга тадқиқот натижаларини сингдириш ва уларни такомиллаштириш асосий мақсад қилиб белгилаб олинди. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг «Таълим сифати менежменти» мутахассислиги таркибига кирувчи «Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари» ва «Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар» ҳамда «Таълим тизими менежменти» йўналиши таркибига кирувчи «Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари» модуллари тажриба-синов иши учун танлаб олинди ва тингловчилар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. Педагогик тажриба-синов иши ташхис (прогностик) ва ташкилий тайёргарлик босқич, амалий босқич, умумлаштирувчи босқичлардан иборат бўлди.


Ташхис (прогностик) ва ташкилий тайёргарлик босқичда (2017 йил декабр ойида) тажриба учун гуруҳ танлаб олинди ва юқоридаги таъкидланган модуллар бўйича машғулот олиб борувчи профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорлик ишлари олиб борилди. Бунда 2018 йил январь ва март ойларида малака оширувчи тингловчилар контингенти (4.1 ва 4.2 жадваллар) ўрганиб

чиқилди, профессор-ўқитувчиларга диссертация натижаларини акс эттирувчи материаллар (илмий мақолалар, қўлланмалар ва презентациялар) етказилди.

#### 4.1- жадвал

### «Олий таълимда сифат менежменти» ва «Таълим тизими менежменти» йўналишидаги қайта тайёрлаш ўқув курсининг 2018 йил январь ойидаги тингловчиларининг тажриба-синовда иштирок этганлари бўйича статистик маълумот

№	Олий таълим муассасаси (вилоятлар бўйича)	Проректор	Декан	Декан ўринбосари	Кафедра мудири	Бўлим бошлиғи	Умумий
1.	Андижон вилояти			6			6
2.	Бухоро вилояти		1	4	2		7
3.	Жиззах вилояти		1		1		2
4.	Навоий вилояти		1				1
5.	Наманган вилояти	1			3		4
6.	Самарқанд вилояти	1	2	2			5
7.	Сирдарё вилояти	1					1
8.	Сурхондарё вилояти	1	1		1		3
9.	Тошкент вилояти	11	8	2	20		41
10.	Фарғона вилояти		1		3		4
11.	Хоразм вилояти						0
12.	Қашқадарё	1			1		2
13.	Қорақалпоғистон Республикаси	1					1
	<b>ЖАМИ</b>	<b>17</b>	<b>15</b>	<b>14</b>	<b>31</b>		<b>77</b>



4.1-расм. «Олий таълимда сифат менежменти» ва «Таълим тизими менежменти» йўналишидаги қайта тайёрлаш ўқув курсининг 2018 йил январь ойидаги тингловчиларининг вилоятлар бўйича кесимининг график кўриниши.

4.1 ва 4.2 расмларда кўришиб турганидек, раҳбар кадрлар контингентини мамлакатимизнинг географик жиҳатдан барча вилоятларида жойлашган

ОТМлар вакиллари ташкил этган. Лавозим жиҳатдан эса ОТМ бошқарувининг турли даража лавозимларини эгаллаб турган кадрлардан ташкил топган. Бу эса тажриба-синовнинг ишончлилигини ва унинг кенг кўламли эканлигини таъминлайди.


#### 4.2- жадвал

### «Олий таълимда сифат менежменти» ва «Таълим тизими менежменти» йўналишидаги қайта тайёрлаш ўқув курсининг 2018 йил март ойидаги тингловчиларининг тажриба-синовда иштирок этганлари бўйича статистик маълумот

№	Олий таълим муассасаси (вилоятлар бўйича)	Проректор	Декан	Декан ўринбосари	Кафедра мудири	Бўлим бошлиғи	Умумий
14.	Андижон вилояти		2		3	1	6
15.	Бухоро вилояти		2	4			6
16.	Жиззах вилояти		1		2		3
17.	Навоий вилояти	1			2		3
18.	Наманган вилояти	2	1		2	1	6
19.	Самарқанд вилояти				4		4
20.	Сирдарё вилояти				1		1
21.	Сурхондарё вилояти		1				1
22.	Тошкент вилояти	3	11	2	31		47
23.	Фарғона вилояти	1	2		2		5
24.	Хоразм вилояти	1	2				3
25.	Қашқадарё	2	1		1		4
26.	Қорақалпоғистон Республикаси		1		2		2
	<b>ЖАМИ</b>	<b>10</b>	<b>24</b>	<b>6</b>	<b>50</b>	<b>2</b>	<b>91</b>

«Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари», «Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари», «Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар» модуллари бўйича амалда фойдаланилаётган мавжуд материаллар билан танишиб чиқилди ва диссертация мавзусига доир машғулот мавзулари солишириди. Татбиқ этилиши мумкин бўлган мос мавзулар ишлаб чиқилди ва анкета-сўровнома шаклига келтирилди. Амалий босқичда (2018 йил январь ва март ойларида) юқоридаги модуллар ўқитилаётган тингловчилар билан даражаланувчи саволлардан иборат бўлган анкета-сўровнома кириш тести сифатида ўтказилди (4.3-жадвал) ва жавоблар таҳлил қилинди. Аксарият респондентларда тушунчалар етарли бўлмаса-да, улар томонидан мазкур

тушунчаларни ўзлаштириш учун эҳтиёж ва қизиқишнинг юқорилиги аниқланди.



**4.2-расм. «Олий таълимда сифат менежменти» ва «Таълим тизими менежменти» йўналишидаги қайта тайёрлаш ўқув курсининг 2018 йил март ойидаги тингловчиларининг вилоятлар бўйича кесимининг график кўриниши.**

Тадқиқотчи бевосита машғулотларда иштирок этди, машғулот давомида тингловчиларга диссертация материаллари тақдим қилинди, презентация ўтказилди ва маърузалар ўқилди. Модул маърузачиси билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борди. Модул бўйича тайёрланган дарс материалларини ўрганиб чиқди ва ундаги мавзулар танқидий ўрганилди. Бунда асосий эътибор сифат ва рақобатбардошлик билан боғлиқ бўлган маърузалар матнини янада кенгайтириш ва диссертация янгиликлари билан бойитиш ишларига қаратилди.

Шу билан бирга, тажриба-синовнинг амалий босқичи мобайнида диссертация иши натижалари тадбиқ этилаётган модулларнинг мавзулари ўрганиб чиқилди ва тадқиқотчи томонидан киритилган янгиликлар кўрсатиб ўтилди (4.4 жадвалга қаранг):

**Таҳлилий босқичда олинган анкета-сўров натижалари**  
**Жами респондентлар сони 160 та**

Саволлар		2	3	4	5
		кони карли	Яхши	Аъло- дан паст	аъло
1	Хорижий олий таълимда сифати тушунчасига берилган таъриф ва талқинлар	40	62	36	22
2	Хорижий олий таълимда сифатини таъминловчи индикаторлар	45	62	37	16
3	Хорижий олий таълимда сифатни таъминловчи компонентлар	45	58	35	22
4	Давлат таълим стандарти ва академик стандарт тушунчаларининг фарқлари ва ўзига хослиги	49	61	31	19
5	Сифат менежменти, сифатни баҳолаш ва сифатни бошқариш каби бошқарув турларининг қўлланилиши	41	53	46	20
6	Сифат кафолати (Quality Assurance) тушунчаси ва уни амалга ошириш	51	49	39	21
7	Бенчмаркинг тушунчаси ва унинг хорижий олий таълим муассаларида қўлланилиши	39	61	42	18
8	Бенчмаркинг турлари ва уларнинг афзалликлари	38	72	31	19
9	Жаҳон миқёсида тюнинг методининг қўлланилиши ва унинг Ўзбекистон олий таълим тизимига татбиқ этиш имкониятлари	41	58	41	20
10	Хорижий олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратиш механизмлари	61	62	20	17
11	ISO сертификатининг олий таълим муассасаси учун зарурати ёки афзалликлари	50	71	21	18
12	Олий таълимда ички ва ташқи баҳолаш механизмлари ҳамда уларнинг афзалликлари	45	49	44	22
13	Ўзбекистон олий таълим муассасаларидаги янги ташкил этилган таълим инспекцияси бўлимларининг функционал вазифалари ва ваколатлари	48	58	34	20
14	Жаҳон тажрибаларида аккредитациянинг турлари ва уларнинг хусусиятлари	42	51	43	24
15	Хорижий мамлакатларда олий таълим сифатига таъсир этувчи асосий омиллар ва кучлар	63	57	21	19
16	Олий таълимнинг глобализация жараёни билан боғлиқлигининг назарий асослари	39	56	35	30
17	Глобализация ва халқаролашувнинг фарқлари ва мувофиқлиги	40	50	48	22
18	Транснационал таълимнинг ўзига хос хусусиятлари	36	56	46	22
	<b>Жами</b>	813	56	650	371
	Ўрта қиймати	45	66	36	13

### **«Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар» модули**

«Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар» модули «Таълим сифати менежменти» курси ўқув дастури таркибига киритилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида ОТМ раҳбар кадрларининг бошқарув маҳоратини ошириш, таълим сифати менежменти соҳасидаги назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишни мақсад қилади.

Мазкур модул орқали олий таълимда сифатни таъминлаш ва назорат қилиш бўйича хорижда, шу жумладан Европадаги илғор университетларда қўлланиладиган механизмлар, таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар, олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий тамойиллари масалалари бўйича тингловчиларга назарий билим берилади. Шунингдек, халқаро алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш, халқаро лойиҳаларни режалаштириш ҳақидаги маълумотларни таништиришга ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилган энг самарали халқаро лойиҳалар натижаларини хавола этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мавзуларни ёритишда олий таълим сифатини таъминлашга қаратилган халқаро уюшмалар ва Европа Олий таълим майдони сайтида жойлаштирилган расмий ҳужжатлар, Англия сифат агентлигининг олий таълим тизимида сифат кодекси каби меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилади. Бизнинг фикримизча, фойдаланиш мумкин бўлган хорижий адабиётларга D.Green, K.R.McKinnon, S.H.Walker, D.Davis, H.Lund, J.Knight асарларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация доирасида бажарилган илмий таҳлил натижалари ва хулосалари ушбу модул мазмунини янада бойитишга хизмат қилди. 4.5 жадвалда модул бўйича мавжуд мавзулар ва диссертация мазмунидан киритилган асосий тушунчалар берилган.

**«Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар» модулининг  
такомиллаштирилган дастури**

Мавжуд мавзулар	Диссертация натижалари бўйича киритилган мавзулар
<p><b>1 - мавзу (2 соат):</b>  <b>Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар: Европа мисолида</b>  Мавзу режалари:  - Европада олий таълимни ислоҳ этишга сабаб бўлган омиллар  - Европа олий таълим тизимини қўллаб қувватлашдаги асосий йўналишлар ва ҳужжатлар: Лисабон Конвенцияси, Болония декларацияси  - Олий таълимни қўллаб қувватловчи ташкилотлар: Европа Олий таълим майдони (ЕНЕА), Университетларнинг Европа ассоциацияси  - Европа олий таълим стратегик режаси</p>	<p>Олий таълимнинг асосий моҳияти ва функцияларидан ташкил топган Жаксон ва Лунднинг концептуал тизими, ундаги «Кирим ва ресурс (Input)», «Жараён (Process)», «Натижа ва мақсад (Output)» каби кетма-кет таъсир қилувчи компонентлар тавсифи ва таҳлили.  Европа Иттифоқи олий таълим тизимларида сифатга бўлган қизиқишнинг омил ва факторлари таҳлили: олий таълим муассасаси автономиясининг кучайиши; олий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ортиши; олий таълим муассасалари даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши; «Интеллектуал жамият» (knowledge society) тушунчасининг пайдо бўлиши ва олий таълимнинг маҳаллий, регионал ва умумевропа иқтисодиётига таъсирининг кучайиши; «Европа таълим ва тадқиқот зонаси»нинг яратилиши, олий таълимнинг глобаллашуви ва европалашуви, олий таълимда рақобат ва маркетингнинг цивилизацияси.</p> <p>Олий таълим сифатини ошириш эҳтиёжлари бўйича Т. Гисмадия қарашлари таҳлили: давлатдан берилажак маблағни унумли сарфлаш; давлатнинг олий таълимга ажратадиган маблағининг камайиб бориши, олий таълим муассасасининг автономиясини кучайиши; сифатли олий таълимга талабнинг ортиб бориши; талабалар сафарбарлигига (student mobility) молиявий қўмакнинг кўпайиши; олий таълим ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши; ОТМлар ўртасида халқаро доирадаги ўзаро рақобатнинг кучайиши.</p> <p>Олий таълим тизимларидаги сифат ва рақобатбардошликка эътиборнинг ошиб кетишини ўрганиш юйича Брукес ва Бекет хулосалари таҳлили: сиёсий (political forces), иқтисодий (economic forces) ва ижтимоий-маданий (socio-cultural forces) таъсир кучлари.</p>
<p><b>2-мавзу (2 соат):</b>  <b>Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари:</b>  <b>Ички ва ташқи сифат назорати</b>  Мавзу режаси:  - Европа ва Осиё давлатлари мисолида олий таълимда сифатни назорат қилиш тажрибаси (Англия,</p>	<p>Олий таълимда сифат менежменти, сифат кафолати ва академик стандартларнинг хусусиятлари: Олий таълимда сифатни баҳолаш ва уни белгилаш ишлари, олий таълимдаги мижоз ва маҳсулот тушунчалари, Сифат менежменти (Quality Management) билан боғлиқ бўлган муассасадаги ишлар, сифат кафолати (quality assurance), сифат назорати (quality control), сифатни баҳолаш (quality assessment) каби фаолиятлар таҳлили.</p> <p>Осиё Тинч океани регионларида сифат кафолатининг баҳолаш, аудит ва аккредитация турлари таҳлили,</p>

<p>Малайзия)  - Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари.  - Ички ва ташқи сифат назорати.  - «Университет тадбиркорлиги» концепцияси.  Фан-таълим-ишлаб чиқаришдаги интеграция йўллари</p>	<p>рейтинг, тақдирлаш (award), асосий натижалар кўрсаткичи (key performance indicators), аттестация, ISO 9000 халқаро стандарти бўйича сифатни баҳолаш каби бир бирига чамбарчас бўлган моделлар таҳлили.</p> <p>Институционал ва регионал аккредитация турлари фаолияти ва уларнинг қиёсий таҳлили. Аккредитацияни олиб боришда стандартларнинг белгиланиши ва уларни белгилловчи ташкилотлар.  Европа олий таълим тизимларида сифатни баҳоловчи институтлар таҳлили.</p> <p>Олий таълимда академик стандартлар.</p>
<p><b>3- мавзу (2 соат):</b>  <b>Халқаро алоқа ўрнатиш ва кенгайтириш. Халқаро лойиҳаларни режалаштириш</b>  - Халқаро лойиҳалар нима беради  - Лойиҳаларнинг муҳим компонентлари  - Мамлакатимиз ОТМларидаги энг йирик халқаро лойиҳалар  - Халқаро лойиҳаларни режалаштириш</p>	<p>Олий таълимни ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро лойиҳалар таҳлили. Европа Иттифоқи дастурлари.  Олий таълимнинг глобализация (globalization), халқаролашув (internationlization), минтақалашув (regionalization), европалашув (europeanization) каби тушунчалари ва уларнинг халқаро лойиҳалардаги аҳамияти.  Халқаро лойиҳаларни бошқаришдаги тамойиллар ва тенденциялар. Халқаро лойиҳаларни бошқаришда самарадорлик масаласи. Олий таълим халқаролашувининг хорижий таълим тизимларидаги сифатни оширишдаги роли. Олий таълим халқаролашувининг тарихий жараёнлари. Халқаролашув жараёни асосида сифат ва рақобатбардошликни таъминлашнинг академик ва институционал стратегик жиҳатдан режалаштириш.</p>

### «Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари» модули

«Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари» модулининг мақсади: олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини олий таълим сифати менежментининг илмий-услубий асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, олий таълим сифатини ошириш борасидаги меъёрий хужжатлардаги айрим муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш борасида кўникма ва малакаларини бойитишдан иборат.

«Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари» модулининг вазифалари:

- тингловчиларда сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари асосида олий таълим муассасаларида ўқув-услубий, илмий ва тарбия

жараёнлари сифатини таъминлаш малакаларини шакллантириш;

#### 4.5-жадвал

### Таълимий босқичдан кейин олинган анкета-сўров натижалари Жами респондентлар сони 154 та

Саволлар		2	3	4	5
		қони қарли	Яхши	Аъло-дан паст	аъло
1	Хорижий олий таълимда сифати тушунчасига берилган таъриф ва талқинлар	0	13	86	55
2	Хорижий олий таълимда сифатини таъминловчи индикаторлар	11	10	86	47
3	Хорижий олий таълимда сифатни таъминловчи компонентлар	13	10	83	48
4	Давлат таълим стандарти ва академик стандарт тушунчаларининг фарқлари ва ўзига хослиги	7	10	81	56
5	Сифат менежменти, сифатни баҳолаш ва сифатни бошқариш каби бошқарув турларининг қўлланилиши	11	13	79	51
6	Сифат кафолати (Quality Assurance) тушунчаси ва уни амалга ошириш	11	12	76	55
7	Бенчмаркинг тушунчаси ва унинг хорижий олий таълим муассасаларида қўлланилиши	8	11	85	50
8	Бенчмаркинг турлари ва уларнинг афзалликлари	14	10	80	50
9	Жаҳон миқёсида тюнинг методининг қўлланилиши ва унинг Ўзбекистон олий таълим тизимига татбиқ этиш имкониятлари	10	12	78	54
10	Хорижий олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратиш механизмлари	12	9	81	52
11	ISO сертификатининг олий таълим муассасаси учун зарурати ёки афзалликлари	12	9	81	52
12	Олий таълимда ички ва ташқи баҳолаш механизмлари ҳамда уларнинг афзалликлари	11	13	79	51
13	Ўзбекистон олий таълим муассасаларидаги янги ташкил этилган таълим инспекцияси бўлимларининг функционал вазифалари ва ваколатлари	14	13	79	48
14	Жаҳон тажрибаларида аккредитациянинг турлари ва уларнинг хусусиятлари	11	15	76	52
15	Хорижий мамлакатларда олий таълим сифатига таъсир этувчи асосий омиллар ва кучлар	13	11	79	51
16	Олий таълимнинг глобализация жараёни билан боғлиқлиги назарий асослари	13	14	79	48
17	Глобализация ва халқаролашувнинг фарқлари ва мувофиқлиги	12	12	82	48
18	Транснационал таълимнинг ўзига хос хусусиятлари	12	16	77	49
	<b>Жами</b>	195	213	1447	917
	Ўрта қиймати	11	12	80	51

- олий таълимда сифатни таъминлашнинг меъёрий - ҳуқуқий асоси сифатида қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;

- тингловчиларда олий таълим сифатини ошириш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълимда сифат менежменти асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Диссертация доирасида бажарилган илмий таҳлил натижалари ва хулосалари ушбу модуль мазмунини янада бойитишга хизмат қилди. Диссертациянинг 3-иловасида модуль бўйича мавжуд мавзулар ва диссертация мазмунидан киритилган асосий тушунчалар.

Босқичнинг охирида эса анкета-сўровнома чиқиш тести сифатида ўтказилди (4.5-жадвал).

4.5-жадвалдан кўринадикки, жавобларда респондентларда тушунчаларни билиш даражаси озроқ. Шундай бўлса-да, респондентларнинг аксариятида тушунча ва тасаввурлар мавжуд. Бенчмаркинг ва тюнинг методлари бўйича эса респондентларнинг катта қисми тушунчага эга эмас. Баъзи иқтисодий билимга эга респондентлар борлиги туфайли сифатни ошириш методлари, сифат менежменти, аудит ва ISO каби тушунчалардан хабардор эканликлари аён бўлса-да, уларнинг таълим тизимида қўллаш ҳақидаги тасаввурлари етарли эмас.

4.3 ва 4.5 жадваллар натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш учун уларнинг ўрта қийматлари асосида қуйидаги 4.6 жадвални тузамиз. Уларда тадқиқот юзасидан тажриба-синов натижаларининг ўртача қийматлари берилган.

## Натижаларнинг ўртача қийматлари

Тажриба синов	Респондентлар сони	2	3	4	5
Дастлабки босқич	n=160	n <sub>1</sub> =45	n <sub>2</sub> =66	n <sub>3</sub> =36	n <sub>4</sub> =13
Охириги босқич	m=154	m <sub>1</sub> =11	m <sub>2</sub> =12	m <sub>3</sub> =80	m <sub>4</sub> =51

Ҳар иккала босқич натижаларининг диаграмма кўриниши 4.3-расмда тасвирланган ҳолатга келди.



## 4.3-расм. Таҳлилий босқичда олинган анкета-сўров натижалари

Жами респондентлар сони 154та

## Таълимий босқичдан кейин олинган анкета-сўров натижалари

X <sub>i</sub>	2	3	4	5
n <sub>i</sub>	45	66	36	13

Жами респондентлар сони 154та

Y <sub>i</sub>	2	3	4	5
m <sub>i</sub>	11	12	80	51

Бу икки вариацион қатор орқали  $p_i = \frac{n_i}{n}$  ва  $q_i = \frac{m_i}{m}$  статистик

эҳтимолликларни киритиб, куйидаги статистик қаторларни ташкил этамиз:

#### 4.8-жадвал

Таҳлилий босқичда олинган анкета-сўров натижалари учун статистик танланма

$X_i$	2	3	4	5
$P_i$	0.29	0.41	0.22	0.08

#### 4.9-жадвал

Таълимий босқичдан кейин олинган анкета-сўров натижалари учун статистик танланма

$Y_i$	2	3	4	5
$q_i$	0.07	0.08	0.52	0.33

Энди 4.8 ва 4.9 - жадваллар асосида ўтказилган илмий тадқиқот натижаларини математик статистик таҳлил қиламиз.

Чизилган диаграмманинг ҳар бири статистик жадвал нормал тақсимотга эга бўлган бош тўпламлардан олинганлиги ҳақидаги фараз-гипотезани олдинга суриш мумкин эканлигини кўрсатади. Шу сабабли биз энди ҳар бир жадвалнинг сонли характеристикаларини ҳисоблаймиз.

#### Танланмаларнинг сонли характеристикалари

4.8 ва 4.9 жадвалларда берилган статистик кўрсаткичлардан фойдаланамиз. Бунинг учун дастлабки босқичдаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини  $X_i$  билан, охириги босқичдаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини  $Y_i$  билан белгилаймиз. Бундан ташқари,  $X_i, Y_i$  ларнинг такрорланишлар сонини эса  $n_i$  ва  $m_i$  лар билан белгилаймиз. Тажриба-синов ишларидан олдинги респондентлар сони  $n=160$  та кейинги респондентлар сони ҳам  $m=154$  та бўлиб, биз бу сонларни  $X_i$  ва  $Y_i$  вариантларга мос статистик танланмалар ҳажмлари деб қараймиз. Демак, 3-жадвалдан

қуйидаги икки вариацион қаторларни тузиб оламиз.  $n = n_1 + n_2 + n_3 + n_4$  ва  $m = m_1 + m_2 + m_3 + m_4$ ):

$X_i$ : 2 3 4 5  $Y_i$ : 2 3 4 5  
 $n_i$ : 45 66 36 13  $m_i$ : 11 12 80 51

Бу икки вариацион қатор орқали  $P_i = \frac{n_i}{n}$  ва  $q_i = \frac{m_i}{m}$

статистик эҳтимолликларни киритиб, қуйидаги статистик қаторларни ташкил этамиз:

$$\begin{cases} X_i : 2 & 3 & 4 & 5 \\ p_i : 0,29 & 0,41 & 0,22 & 0,08 \end{cases} \quad \begin{cases} Y_i : 2 & 3 & 4 & 5 \\ q_i : 0,07 & 0,08 & 0,52 & 0,33 \end{cases}$$

$$(p_1 + p_2 + p_3 + p_4 = 1)(q_1 + q_2 + q_3 + q_4 = 1)$$

Статистик таҳлилни ҳар иккитанланма бўйича ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ҳисоблашдан бошлаймиз:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^4 p_i X_i = 0,29 \cdot 2 + 0,41 \cdot 3 + 0,22 \cdot 4 + 0,08 \cdot 5 = 0,58 + 1,23 + 0,88 + 0,4 = 3,1$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^4 q_i Y_i = 2 \cdot 0,07 + 3 \cdot 0,08 + 4 \cdot 0,52 + 5 \cdot 0,33 = 4,11$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{3,1 \cdot 100\%}{5} = 62\%, \bar{Y}\% = \frac{4,11 \cdot 100\%}{5} = 82,5\%$$

$$\text{Ўсиш} - \bar{Y}\% - \bar{X}\% = 20,5\% .$$

Демак, тажриба-синов ишлари сўнггида респондентнинг билим кўрсаткичлари ўрта ҳисобда 20,5 % га ошган.

Энди тажриба-синов ишлари хатоликларини баҳолашга ўтамиз. Дастлаб, танланмаларнинг дисперсияларини ҳисоблаймиз:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^4 p_i \cdot X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,29 \cdot 4 + 0,41 \cdot 9 + 0,22 \cdot 16 + 0,08 \cdot 25 - (3,1)^2 = 0,76.$$

$$\text{Стандарт хатolik: } S_x = \sqrt{0,76} = 0,87 .$$

$$S_y^2 = \sum_{i=1}^4 q_i \cdot Y_i^2 - (\bar{Y})^2 = 0,07 \cdot 4 + 0,08 \cdot 9 + 0,52 \cdot 16 + 0,33 \cdot 25 - (4,11)^2 = 0,7343 .$$

$$\text{Стандарт хатolik: } S_y = \sqrt{0,7343} = 0,86 .$$

Бу хатоликларнинг ўрта қийматларга нисбатан оғиш фоизларини вариация коэффициентлари орқали ҳисоблаймиз:

$$V_x = \frac{S_x}{\bar{X}} \cdot 100\% = \frac{0,87 \cdot 100\%}{3,1} = 28,06\% .$$

$$V_y = \frac{S_y}{\bar{Y}} \cdot 100\% = \frac{0,86 \cdot 100\%}{4,11} = 20,92\% .$$

Тажриба-синов ишларидан олдинги вариация кўрсаткичлари 30% дан бўлганлиги учун, уларга мос ўрта арифметик ўзлаштириш кўрсаткичлари  $\bar{X}$  ва  $\bar{Y}$  лар мос, нормалум назарий ўрта қийматлари тўғри акс этар экан:

$$\bar{X} \approx a_x, \quad \bar{Y} \approx a_y \quad (1)$$

Бунга биз ўрта қийматлар аниқлиги катталикларини ҳисоблаб ҳам ишонч ҳосил қиламиз:

$$C_x = \frac{V_x}{\sqrt{n}} = \frac{28,06\%}{\sqrt{160}} = \frac{28,06\%}{12,64} = 2,21\%$$

$$C_y = \frac{V_y}{\sqrt{n}} = \frac{20,92\%}{\sqrt{154}} = \frac{20,92\%}{12,41} = 1,68\%$$

Ҳар икки хатолик кўрсаткичлари мумкин ҳисобланган 5% лик чегарадан етарли даражада кам экан. Бу эса тажриба-синов ишлари қониқарли ўтганлигини билдиради.

Энди биз ҳар икки статистик танланмаларни назарий ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги  $H_0: a_x = a_y$  гипотезани Стьюдент мезони ёрдамида текшираемиз. Шу мақсадда, мос статистикани ҳисоблаймиз:

$$T_{n,m} = \frac{|\bar{X} - \bar{Y}|}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{|3,1 - 4,11|}{\sqrt{\frac{0,7600}{160} + \frac{0,7343}{154}}} = \frac{1,01}{0,09} = 11,22$$

Стьюдент мезонининг 95% лик критик нуқтаси  $t_{kp}(0,95) = 1,96$  бўлиб, статистиканинг қиймати ундан етарлича каттадир:

$$T_{n,m} = 11,22 > 1,96 = t_{kp}(0,95)$$

Демак, биз  $H_0$  гипотезани рад этиб,  $\bar{Y} > \bar{X}$  ҳамда (1) муносабатларни эътиборга олган ҳолда  $a_y > a_x$ , яъни тажриба ишларидан сўнг, доимо ўртача

Ўзлаштириш кўрсаткичи олдинги ўзлаштириш кўрсаткичидан катта бўлар экан, деган хулоса қила оламиз. Ниҳоят, биз  $X_i$  ва  $Y_i$  статистик танланмаларнинг тақсимот қонунлари тенглиги ҳақида  $K: F_x = F_y$  гипотезани текшириш учун Пирсон мезонидан фойдаланамиз.

$$\chi^2 = \frac{1}{N \cdot M} \cdot \sum_{i=1}^k \frac{(n_i M - m_i N)^2}{n_i + m_i}.$$

Бу мақсадда қуйидаги 4.10 жадвални тузиб оламиз:

#### 4.10-жадвал

##### Пирсон мезони бўйича ҳисоб

Баҳолар	2	3	4	5
Гурухлар				
Тажриба аввалида	45	66	36	13
Тажриба сўнггида	11	12	80	51

Пирсон статистикасини ҳисоблаймиз:

$$\chi^2 = \frac{1}{160 \cdot 154} \cdot \left( \frac{(45 \cdot 154 - 11 \cdot 160)^2}{45 + 11} + \frac{(66 \cdot 154 - 12 \cdot 160)^2}{66 + 12} + \frac{(36 \cdot 154 - 80 \cdot 160)^2}{36 + 80} + \frac{(13 \cdot 154 - 51 \cdot 160)^2}{13 + 51} \right) = 97,19$$

Пирсон мезонининг озодлик даражаси баллар сонидан 1га камдир:  $k=4-1=3$ , бу  $k=3$ га мос 95%лик критик нуқта  $Z_{kp}(0,95) = 7,82$ .

$$\text{Аммо, } X_{n,m}^2 = 97,19 > 7,82 = Z_{k,p}(0,95)$$

Демак,  $K$  гипотеза ҳам рад этилар экан. Бу эса тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги ўқитиш методикаларининг фарқланиши тасодифий эмас, балки қонуний бўлиб, доимо ўзлаштириш кўрсаткичларининг ошишига олиб келар экан.

Юқоридаги статистик таҳлил шуни кўрсатадики, тадқиқот натижалари бўйича ўтказилган ва диссертацияда келтирилган статистик таҳлиллар тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини ва бизнинг кўзлаган мақсадимиз тасдиқланганини кўрсатади. Шу билан бирга, хорижий мамлакат материалларининг идентив ўқув фанларида акс эттирилиши шу масалалар бўйича тингловчилар билим доирасининг янада кенгайишига ва ўз

ватанимизда яратилган ва амал қилаётган тизимнинг афзалликларини яхшироқ ҳис қилишга ёрдам берганлигини кўриш мумкин.

### **Тўртинчи боб бўйича хулоса**

1. Хорижий ОТМлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон ОТМларида автономия кенг бўлмаса-да, жойлардаги ОТМларнинг сифатли ва рақобатбардошлик бўлиши раҳбар кадрларга, уларнинг билим ва тажриба, профессионаллигига боғлиқдир. Бундай билим ва тажрибага эга бўлишда Бош илмий методик марказ томондан ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари асосий восита сифатида қолмоқда.

2. Бош илмий методик марказда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаси шуни кўрсатмоқдаки, «Таълим сифати менежменти» йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитилаётган модуллар мазмунини ва назарий-услубий асосларини узлуксиз тарзда янгилиб борилиши, раҳбар кадрларда халқаро майдонда содир бўлаётган энг сўнгги тенденциялар ва илғор тажрибаларни илмий таҳлил этиш орқали назарий жиҳатдан чуқур англаш имкониятини беради.

3. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ОТМлари халқаро майдонда илмий ва академик салоҳиятлар борасида бошқа илғор университетлар билан баҳслашадиган даражага эришиш учун амалий ишлар олиб борилмоқда.

4. Хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишда маҳаллий урф-одат ва миллий қадриятларни ҳисобга олиниши зарур ҳисобланади.

5. Олий таълимда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини оширишда, олий таълим - илмий тадқиқот – ишлаб чиқариш учлиги ўртасидаги боғлиқликни такомиллаштиришда бенчмаркинг амалларини кўллаш ва у орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

6. Халқаролашув жараёнини ОТМдаги ҳар бир кафедра кесимида ривожлантириб бориш ва кафедраларнинг халқаролашувини таъминловчи стратегик дастурлари бўлиши лозим.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

XX аср бошларига қадар таълим ҳар бир давлатнинг ички иши сифатида қарор топган эди. Миллатлар, халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларнинг кенгая бориши билан таълим тизимида ҳам муайян ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди. ЮНЕСКОнинг «Олий таълим тўғрисида декларацияси: ёндашувлар, амалий тадбирлар» ҳужжатида таъкидланганидек, олий таълим эндиликда бир мамлакат доирасида қолиб кетмайди, балки у бутун дунё бўйлаб ҳам горизонтал, ҳам вертикал ҳаракатда бўлиб ўзаро таъсир этади. Бошқача айтганда, илғор ғоялар, ташаббусли ишлар, эксклюзив дастурларнинг кенг диверсификацияси амалга ошириб борилади. Бу эса пировард натижада олий таълим соҳаси глобаллашув жараёнларининг таъсири доирасида ривожланиб боришига олиб келади. Аслида глобаллашув жараёнлари юз берди. Хорижий мамлакатлар олий таълимидаги сифат ва рақобатбардошликнинг илмий жиҳатдан ўрганилиши Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими ҳам глобаллашув жараёнларида бевосита иштирок этаётганлигини кўрсатмоқда. Бунда, мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, таълим сиёсати ва унинг бевосита амалий татбиқини таъминлаган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуниятларининг бекиёс ўрни бор. Қолаверса, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлик лойиҳалари бўйича амалга оширилган ишлар ҳам Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими глобаллашув жараёнида ўз ўрни ва ҳудудига эга эканлигини тасдиқламоқда.

Аввал таъкидланганидек, олий таълим сифати ҳар бир олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий компонент, категориясидир. Бу эса олий таълим муассасасининг барқарорлигини ҳам англатади. Шундай экан, хорижий ОТМлар ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маърифий жиҳатлардан тобора яхшиланиб бориши учун илғор

ғояларни, тажрибаларни доимий равишда ўрганиб боришни тақозо қилади. Бундай ишларда бенчмаркинг ва тюнинг каби методлар кўп жиҳатдан асосий механизм сифатида ўзини оқлаган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг бир марказдан бошқарилиши ОТМларнинг ҳар томонлама текширилиши натижалари бошқа ОТМларда кенг муҳокама қилиниши илғор тажрибаларнинг ўзлаштирилиши ва аксинча, мавжуд камчиликларнинг тузатилишига асосий манба бўлиб хизмат қилади. Хорижий давлатлардаги ОТМлар автономияси бундай иш тутишга ҳар доим ҳам имконият бермайди. Тўғри, хорижий мамлакатларда таълим сифатини таъминлаш ва жорий этиш бўйича фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлар ОТМларни ўрганиш орқали ўз тавсияларини бериб боради, лекин уларнинг тавсияларини ижро этиш мажбурий эмас, аммо ривожланишга, янгиликни жорий этишга ва шу йўл билан рақобат майдонида ўз ўрнини, обрўсини сақлашга интилган ОТМлари бундай ташкилотларнинг тавсияларига ижобий муносабатда ёндошадилар.

Хорижий олий таълим тизимида сифат ва рақобатбардошликни ахборот манбалари орқали ўрганиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Олий таълимнинг сифати қайси давр, қайси тузум, қайси давлат ҳамда бўйсунувидан қатъий назар, олий таълимда кадрлар тайёрлашнинг асосий атрибутидир.

2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимидаги барча ислохотлар олий таълим сифатини оширишга, пировард натижада сифатли кадр тайёрлашга қаратилган. Бу жиҳатдан хорижий давлатлар билан кўп умумийликларга эга. Айниқса, таълим стандартларининг жорий қилиниши, профессор-ўқитувчилар салоҳияти, ўқув-методик таъминоти, талабаларга билим олишнинг барча ресурслари мавжудлиги, моддий-техник базанинг замон талаблари даражасида ривожланувчан таълимни амалга ошириш учун мослаштирилиши хорижий мамлакатлар олий таълими билан рақобатга кириша олишига имкон беради.

3. Хорижий мамлакатларда олий таълимда амал қиладиган стандартлар аксарият ҳолларда академик стандарт ёки таълим стандарти (educational standard) деб юритилади. Академик стандартларда кўпроқ ўрин танлов фанларига берилади. Бу эса мулкчилик ранг-баранглиги, асосан, хусусий мулк кучайган мамлакатда меҳнат бозорининг эксклюзивлашишига мос буюртмаларни бажаришга хизмат қиладди. Маълумки, юртимизда меҳнат бозорининг муайян таърифлар бўйича фаолият юритиши Давлат таълим стандартларининг амал қилишига ва Давлат томонидан бошқарилишига асос бўлади, лекин амалдаги Давлат таълим стандартларининг таълим дастурлари буюртмачилар билан ишлаши учун етарли имкониятларга эга.

4. Хорижий мамлакатларда олий таълим сифатини оширишда, асосан, бенчмаркинг методи қўлланилиб, у бўйича тузилган дастурларнинг барчаси олий таълим муассасалардаги ўрганилаётган ҳодисанинг қиёсига қаратилиши билан улар мазмунан уйғунликни вужудга келтира олган, лекин ҳар бир дастур муаллифи мақсаддан келиб чиққан ҳолда, у ёки бу масалада ўзига хос йўлдан борган. Барча бенчмаркинг турлари ўз афзалликларига эга.

5. Бенчмаркинг мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳаларни барча олий таълим муассасаларида тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Унда ўрганилаётган олий таълим муассасасининг ривожланиш даражасининг таъминланиш хусусиятлари, яъни уни такомил даражасига етказишда субъектив ва объектив омиллар қабул қилувчи олий таълим муассасасида шундай омилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, тажрибаси ўрганилаётган олий таълим муассасасининг ижодий кучлари даражасида қабул қилувчининг фаолият юрита олиши, албатта, ҳисобга олиниши лозим бўлади.

6. Тюнинг методи иш берувчи, олий таълим, талаба ва буюртмачилар ўртасидаги эҳтиёж ва талабларни таҳлил этишда, ўқув дастурларини такомиллаштиришда муҳимдир ва тюнинг лойиҳаларида компетенцияга асосланган таълимнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш орқали амалдаги

таълим компетенцияларини янада такомиллаштириш ва мослаштиришга эришиш мумкин.

7. Олий таълим сифати ва рақобатбардошликнинг устувор омили глобаллашувдир. Глобаллашув ғарб олий таълимида дастлаб минтақалашув, ундан сўнг европалашув босқичларини босиб ўтган. Халқаролашув эса жамият, сиёсат, иқтисод, меҳнат бозорларининг глобаллашуви натижасида мавжуд бўладиган эҳтиёж ва талабларга жавоб бўлувчи ҳар қандай систематик ва уни қўллаб-қувватловчи ҳаракатдир.

8. Таълим фуқароларга билим малака ва кўникма беришга ихтисослашган иқтисодиётнинг бир соҳасидир. У сотилиши ва харид қилиниб олиниши ҳамда шу муносабат билан товар каби танланиши мумкин. Хорижий ва ўз мамлакатимиз олий таълими тараққиёти тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, эндиликда олий таълимнинг халқаролашуви "билимларнинг коммерцияланишуви" (commercialization of knowledge) ва "транснационал таълим" (transnational education) фаолият мазмуни асосида давом этади.

Булардан келиб чиққан ҳолда олий таълимда сифат ва рақобатбардошликка эришишда куйидаги **тавсияларга** эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг ҳозирги жараёнларини маъқуллаган ҳолда, унинг янада ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаларида қўлланиб келинаётган методлардан кенг фойдаланиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ривожланган мамлакатларда олий таълим сифатини бенчмаркинг методларидан фойдаланиб ўрганиш мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг халқаролашув жараёнларига киришини жадаллаштириши мумкин.

3. Олий таълим сифати ва кадрлар рақобатбардошлигини таъминлаш кадрлар буютмачилари ва васийлик кенгашларининг бенчмаркинг методларидан фойдаланиб текширувлар ўтказиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

4. Ишимизнинг аввалида Ўзбекистон Республикасида олий таълим сифати ва рақобатбардошлиги бўйича Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан марказлашган ҳолда жиддий фаолият юритаётганлиги таъкидланган эди. Бу жараён билан бирга, турдош олий таълим муассасалари ўзаро бир-бирини бенчмаркинг методларидан фойдаланиб ўрганиш асосида, ўқув жараёни, маънавий-маърифий ишлар энг яхши ташкил этилган ўринларини ўзида тадбиқ этиш ва шу орқали ривожланишга эришиш мумкин.

5. Ҳар бир олий таълим муассасаси факультетлари кафедралари ҳам турли йўналишларда кадр тайёрласалар-да, муайян жабҳалари билан туташадиган масалаларни ушбу методдан фойдаланиб, ўз фаолиятларининг яхшиланишига эришишини ҳисобга олишлари лозим.

6. Ички бенчмаркинг методларини олий таълим муассасалари факультетларни, кафедра ва бошқа тузилмаларнинг фаолиятини ўрганиб, тобора мукаммаллашиш, такомиллашиш сари қадам ташлаши ва оқибатда таълим сифати ва кадрлар рақобатбардошлигини таъминлашлари мумкин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари жаҳондаги кадр тайёрловчи илғор университет, институт ва марказлар фаолиятини бенчмаркинг методлари орқали мукаммал ўрганиб чиқиб, ўз рейтингларида юқори кўрсаткичларга эришиши ва халқаролашуви асосида олий таълим бизнесини ташкил этишга эришишлари мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, – Тошкент: Ўзбекистон, 1997 – 326 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Шарқ, 1998 – 64б.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 8-том. – 525 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 546 б.
6. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятнинг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 488 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Тошкент, 7 феврал 2017 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 21 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва

тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли Қарори. Тошкент ш., 2017 йил 27 июль.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори. Тошкент ш., 2018 йил 5 июнь.

12. Ўзбекистон Республикаси олий таълимининг меъёрий хужжатлари. – Тошкент; 2004. – 512 б.

13. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Олий таълим, «Шарқ»: Т., 2001.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғриси»даги 242-сон Қарори. Тошкент ш., 2015 йил 20 август.

15. Абдуллаев Ю.Н. Хорижий олий таълимнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: тажриба ва тараққиёт тамойиллари: Пед.фан.док.дис... – Самарқанд: 2000. – 310 б.

16. Акулич М.М. Образование в условиях глобализация // Журнал «Университетское управление: практика и анализ». – Москва, 2005. – №4. – С. 50-57.

17. Аржанова И.В, Райчук Д.Ю. Бенчмаркинг как инструмент формирования международных совместных образовательных программ в России // Университетское управление. – Москва, 2005. – №4. – С. 56-59.

18. Бурмистрова Е.В. Оценка качества образовательных услуг // Журнал Университетское управление: практика и анализ. – Москва, 2004. – №2. – С.83-88.

19. Васильева Е.Ю. Системный мониторинг качества образовательной среды вуза // Университетское управление: практика и анализ. – Москва, 2008. – №2. С.24-35.

20. Всемирная Декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры / Интернет янгиликлари // Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси. – Тошкент, 2002. – № 6. 65 б.
21. Высшее образование в глобализованном обществе. Установочный документ ЮНЕСКО по образованию. – Париж, UNESCO, 2004. – 32 с.
22. Евдокимов.Я.Ш., Бенчмаркинг как методология совершенствования управления Российскими вузах // Университетское управления. – Москва, 2005. – №4. – С 27-38.
23. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент, БМТ, 2007/2008. – 200 б.
24. Каримов А.А., Перегудов Л.В. Основы системы мониторинга и управления качеством высшего образования. Ташкент, 2003. – 115 с.
25. Каримов А.А., Перегудов Л.В. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Тошкент, 2002. – 184 б.
26. Левшина В.В. Развитие методологии создания системы менежмента качества вуза // Университетское управление: практика и анализ. – Москва, 2003. – №2.
27. Маслов Д., Глобалный бенчмаркинг // Консультант. – Москва, 2005. – №11.
28. Миркурбанов Н.М, Аношкина В, Данилова-Кросс Е. Высшее образование в Узбекистане: состояние и рекомендации. / Аналитическая записка. – Ташкент, ПРООН, 2009. 16 с.
29. Наймушин А.И. Структура системы управления качеством образования. Основные направления развития / Интернет янгиликлари // Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси. – Тошкент, 2004. – №1. 75 с.
30. Никитина Н.Ш., Щеглов П.Е. Качество высшего образования. Риски при подготовке специалистов // Университетское управление: практика и анализ. – Москва, 2003. – №1. – С 46-59

31. Новиков Д.А. Статистические методы в педагогических исследованиях (типовые случаи). – Москва: МЗ-Пресс, 2004. – 67 с.
32. Ромашкина Г.Ф. Оценка качества образования: опыт эмпирического исследования // Университетское управление: практика и анализ. – Москва, 2005. – №2. – С 83-88.
33. Саидов М. Х. Менежмент и экономика высшего образования – Ташкент: Молия, 2001. – 255 с.
34. Саидов.М.Ҳ. «Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги» – Тошкент: Молия, 2003. – 325 б.
35. Солонин С.И., Кортков С.В. Качество образования: проблемы и задачи изменения внутренней среды ВУЗа // Университетское управление: практика и анализ. – Москва, 2003. – №2. – С 43-52.
36. Телегина Г.В., Штыкова Н.В. Университет в глобальном мире: новая миссия? // Университетское управление. – Москва, 2005. – №5. – С 63-67
37. Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари: Педагогика фанлари доктори. ....дис. автореф. – Т., 2007. – 43 б.
38. Тўхтаўжаева М.С ва бошқалар. Педагогика назарияси ва тарихи. I-қисм. «Иқтисод-молия». Т – 2007. – 380 б.
39. Эргашев.Ф, Обидов. Д. Миллий таълим тарихидан. Академия нашриёти. Т– 1998. – 78 б.
40. Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Пед.фан.док. автореф. ... дис. – Тошкент: ТДПУ, 2016.
41. Қурбанов Ш, Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. Т.: «Турон-Иқбол»: 2006. – 590 б.
42. Alashloo F.R., Castka P., Sharp J. Towards understanding the impededers of strategy implementation in higher education (HE), A case of HE institutes in Iran. // Quality Assurance in Education. 2005. Vol. 13 No. 2. – pp 132-147.

43. Alstete, W. J. Benchmarking in Higher Education: Adapting Best practices to improve quality. 1995. Washington, DC: George Washington University. – 258 p.
44. Altbach P. G., Peterson, P. M. Higher education in the 21st century: Global challenge and national response. 1999. New York [Boston]: Institute of International Education; Boston College Centre for International Higher Education. – 94 p.
45. Altbach. P.G. Globalization and the university: myths and realities in an unequal world // Tertiary education and management (No. 1, 2004). Boston, 2004. – 20 p.
46. Altbach P.G., Reisberg. L, Rumbley E.L. Trends in Global Higher Education: Tracking an Academic Revolution. Paris: UNESCO Publication, 2009. – 278 p.
47. Altbach P.G. Globalisation and the university: myths and realities in an unequal world // Tertiary Education and Management No 10, January 2004. – 24 p.
48. Anderson D., Johnson R., Milligan B. Quality Assurance and Accreditation in Australian Higher Education: An assessment of Australian and international practice / Centre for Continuing Education, The Australian National University. 00/1, May 2000. – 108 p.
49. Appleby A. Benchmarking and threshold standards in Higher Education. 1999. London: Kogan Page Limited. – 228 p.
50. Ashworth, A. Harvey, R. Assessing Quality in Further and Higher Education. 1994. London: Jessica Kingsley. – 171 p.
51. Bauer, M. Changing Quality Assessment in Sweden. (Westerheijden et al. *Changing Context of Quality Assessment*. Utrecht.). Utrecht, 1994 – pp 15-30.
52. Bender, B. E. Benchmarking as an Administrative Tool for Institutional Leaders // McKinnon (pp.113-120). San Francisco: Jossey-Bass, 2002. – pp 113-120.
53. Bender, B. E, Schuh, J.H. *Using benchmarking to inform practice in higher education*. San Francisco: Jossey-Bass. 2002. – 130 p.
54. Brookes M, Becket N. Quality Management in Higher Education: A Review of International Issues and Practice // The International Journal for Quality and Standards. 2007. – 37 p.

55. Brown S., Pill R., Brenda S. 500 Tips for Quality Enhancement in Universities and Colleges. 1997. London: Kogan Page. – 164 p.
56. Camp R.C. Global cases in benchmarking: best practices from organizations around the world. 1998. Milwaukee, Wis.: ASQ Quality Press. – 450 p.
57. Campbell C., Rozsnyai C. Benchmarking for Higher Education Programmes. 2002. Bucharest: UNESCO-CEPES. – 223 p.
58. Codling S. Benchmarking. Aldershot, Hampshire: Gower. 1998 – 168 p.
59. Codling S. Best practice benchmarking: an international perspective. 1996. Houston, Tex.: Gulf Pub. Co. – 178 p.
60. Consortium for Excellence in Higher Education. Benchmarking Methods and Experiences. 2003. Sheffield: Sheffield Hallam University. – 32 p.
61. Cook S., Measuring customer service effectiveness. 2004. England; Burlington: Gower Publishing Company. – 165 p.
62. Cox B., Ingleby A. Practical Pointers for Quality Assessment. London: Kogan Page. 1997. – 192 p.
63. Chadwick P. Strategic management of educational development // Quality Assurance in Education. 1996. Vol. 4 No. 1.
64. CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service). Benchmarking in Higher Education: An International Review /, 1998. London. – 81 p.
65. Cheng Y.C., Tam W.M. Multi-models of Quality in Education. Quality Assurance in Education // Science and Education. 1997. University of Oslo. 5. – pp 22-34.
66. Crosby, P.B. Quality without tears. 1984. New York, NY: McGraw Hill Book Company. – 205 p.
67. Csizmadia Tibor. Quality assurance in UK higher education. Netherlands. 2006. – 381 p.
68. Deming W.E. Out of the crisis. 1986. Cambridge, MA: Massachusetts Institute of Technology. – 507 p.

69. D'Uggento.A.M, Iaquinta.M, Ricci.V. A Proposal of a Balanced Scorecard for Governance and Strategic Planning in an Italian University / ResearchGate. 2010. – 2 p.
70. Ellis, R. (ed.). *Quality Assurance for University Teaching*. 1993. Buckingham: Open University Press – 322 p.
71. European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA). *Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area*. Helsinki (Finland), 2007. – 41 p.
72. Farquhar Robin H. (1998). *Higher education benchmarking in Canada and the United States of America // CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service) Benchmarking in Higher Education: An International Review* (pp. 32-50). London. 1998. – 135 p.
73. Fielden J. *Benchmarking University Performance / CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service) Paper No 19*. 1997. – 7 p.
74. Fong, S. W., Cheng, E.W.L., Ho, D.C.K. (1998). *Benchmarking: a general reading for management Practitioners // Management Decision*. 1998. No. 36/6 [1998] 407–418. © MCB University Press. – pp 407-418.
75. Freed J. E., Klugman M. *Total Quality Management on Campus: Implementation, Experiences and Observation // Paper presented at the Annual Forum of the Association for Institutional Research (34<sup>th</sup>, New Orleans, LA, May 29-June 1, 1994)*. 1994 – 22 p.
76. Green D. *To Rank or To Be Ranked?* 1994. London (England): Society for Research into Higher Education & Open University Press. – 120 p.
77. Haakstad J. *Quality Audits in Norway / NOKUT*. Outline of speech given to a seminar hosted by the Finnish Quality Assurance Agency for Higher Education in Helsinki, January 2005. – 4 p.
78. Hakan Wirlund. *Innovation and TQM in Swedish higher education institutions-possibilities and pitfalls // TQM Magazine*. Volume 15, number 2, 2003. – pp 99-107.

79. Hamalainen K, Haakstad.J, Kangasniemi.J, Lindeberg.T, Sjolund.M. Quality Assurance in the Nordic Higher Education / European Network for Quality Assurance in Higher Education. 2001. Helsinki. – 38 p.
80. Hoecht.A. Quality assurance in UK higher education: Issues of trust, control, professional autonomy and accountability // Higher Education. Springer. 2006. – pp. 541-563.
81. Hogg R.V, Hogg M.C. Continuous Quality Improvement in Higher Education // International statistics Review, 63, 1, pp 35-48. Mexico. 1995. – 14 p.
82. Gibbons M. Higher Education Relevance in the 21<sup>st</sup> Century / Education the World Bank. 1998. France. – 76 p.
83. Imai, M. Kaizen: The key to Japan's competitive success.1986. NY: Random House Busines Division. – 260 p.
84. Jackson N., Lund H. Benchmarking for Higher Education. 2000. Buckingham: SRHE and Open University Press. – 258 p.
85. JoLaine R. Draugalis, Marion K. Slack. A Continuous Quality Improvement Model for Developing Innovative Instructional Strategies // American Journal of Pharmaceutical Education, Vol. 63, 1999. – 5 p.
86. Juran, J.M. Juran on leadership for quality. An executive handbook. 1989. New York, NY: The Free Press, macMillan Publishers. – 376 p.
87. Karen L.Clark, Ed.D. Benchmarking as a global strategy for improving instruction in higher education // A paper presented at the XI Conference on New Concepts in Higher Education, Phoenix Arizona. 1993 – 12 p.
88. Kempner, D.E., Shafer, Barbara S. The Pilot Years: The Growth of the NACUBO Benchmarking Project / NACUBO Business Officer, 27(6). 1993. – pp 21-31.
89. Kerr Clark. Higher Education Cannot Escape History: Issues for the Twenty-First Century // Suny Series Frontiers in Education, State University of new York Press, Alnaby. 1994. – 248 p.
90. Knight J. and Hans de Wit. Strategies for internationalization of higher education: historical and conceptual perspectives // Strategies for the

Internationalisation of Higher Education. A Comparative Study of Australia, Canada, Europe and the United States of America. 1995. – 175 p.

91. Knight J. Trade in higher education services: The implications of GATS. London: The Observatory on Borderless Higher Education. 2002. – 24 p.

92. Knight J. An Internationalization remodelled: Responding to new realities and challenges // In H. de Wit et al. (Eds.), *Internationalization of higher education in Latin America: The Internationalization Dimension* (pp. 1-38). 2005. Washington DC, WA: World Bank.

93. Knight J. Updated definition of internationalization // *International higher education*, 33 (Fall), 2. 2003. – 28 p.

94. Lee T. J. Benchmarking Academic Key Performance Indicators for Higher Education / PhD dissertation. University of Minnesota. USA. 2001. – 120 p.

95. Levidow, Les (2002). Marketizing higher education: neoliberal strategies and counter-strategies // In: Robins, Kevin and Webster, Frank eds. *The Virtual University? Knowledge, Markets and Management*. 2002. Oxford, UK: Oxford University Press, pp 227–248.

96. Linda M. Baldwin. Total quality management in higher education: the implications of internal and external stakeholder perceptions. Thesis (Ph. D.) - New Mexico State University, 2002. 265 p.

97. Liston, C. *Managing Quality and Standards*. 1999. Buckingham: Open University Press. – 192 p.

98. Lund, Helen. Benchmarking in UK higher education // In CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service) *Benchmarking in Higher Education: An International Review* (pp. 66-92). London: CHEMS. 1998. – 135 p.

99. Mancuso S. Adult-Centered Practices: Benchmarking Study in Higher Education // *Innovative Higher Education*, Vol. 25, No. 3, Spring, pp 165-181. 2001. – 17 p.

100. Marginson, S., van der Wende, M.C. v.d. (2007). Globalisation and higher education // Centre for Educational Research and Innovation (CERI), OECD Directorate for Education. 2007. Paris: OECD/CERI. – 85 p.

101. Marginson S. van der Wende M. To Rank or To Be Ranked: The Impact of Global Rankings in Higher Education // Journal of Studies in International Education, Vol. 11 No. 3/4, Fall/Winter, 2007, pp 306-329. 2007. – 24 p.
102. Marjorie Peace Lenn. Quality Assurance and Accreditation in Higher Education in East Asia and The Pacific, Paper No. 2004-6. World Bank publication. 2004. – 87 p.
103. McKinnon, K.R., Walker, S.H., Davis, D. *Benchmarking: A manual for Australian Universities* / DETYA (Department of Education, Training and Youth Affairs) Commonwealth of Australia. 2000. – 177 p.
104. Munoz, Marco A. Total Quality Management and Higher Education Environment: impact on Educational leadership Theory and Practice. 1999 – 26 p.
105. Nokkala Terhi. Constructing the Ideal University – The internationalization of the higher education in the competitive knowledge society / Academic dissertation. University of Tampere, Finland. 2007. – 309 p.
106. Pablo et al. Reflections on and outlook for higher Education in Latin America. Final Report - Tuning Latin America project 2004-2007. Spain. 2007. – 420 p.
107. Piper D.W. Quality Management in Higher Education / Australian Government Publishing Service, Canberra: (2 Volumes), ISBN 0644289139 (country base: Australia). – 242 p.
108. Prabhu V., Appleby A., Yarrow D. and Ed Mitchell. The impact of ISO 9000 and TQM on best practice/performance // The TQM Magazine Volume 12. Number 2. 2000. p.84-91. 2000. – 8 p.
109. Pratasavitskaya H. Institutional quality management – a meta-analysis of theories and approaches / Master degree dissertation. University of Oslo. 2008. – 84 p.
110. Radford J., Raaheim K., Williams R., de Vries P. Quantity and Quality in Higher Education. 1997. London and Bristol, Pennsylvania: Jessica Kingsley Publishers. – p196.

111. Report by an ENQA review panel (European Association for Quality Assurance in Higher Education). Quality Assurance of Higher Education in Portugal. Helsinki. 2006. – 96 p.
112. Rosa M, Amaral A. A self-assessment of higher education institutions from the perspective of the EFQM excellence model // D.F. Westerheijden et al. (eds.), Quality Assurance in Higher Education: Trends in Regulation, Translation and Transformation (pp 181-207). 2007 Springer. – 27 p.
113. Ridder-Symoens d. H. A History of the University in Europe. 1992. Cambridge: Cambridge University Press, vol.1. 1992. – 536 p.
114. Rosli Ramli, Suzeini Abdul Halim, Siti Nurani Mohd Nor, and Asrul Mahjuddin Ressang. Assuring Quality of Higher Education through Internal Audit: A Case Study on University of Malaya / Quality Assurance Management Unit, University of Malaya. 2009 – 17 p.
115. Schofield A. An Introduction to Benchmarking in Higher Service // Benchmarking in Higher Education: An International Review (pp. 6-12). 1998. London: CHEMS. – 81 p.
116. Sherr L., Teeter D., (eds.). Total Quality Management in Higher Education. Jossey-Bass Inc., San Francisco. 1995. – p 242.
117. Smith, D. How will I know if there is quality? / Report on Quality Indicators and Quality Enhancement in Universities: Issues and Experiences,. Council of Ontario Universities, Toronto. 2000. – 40 p.
118. Spendolini, M. J. The Benchmarking Book / The 2<sup>nd</sup> Edition. Publisher: AMACOM. 2003. – 248 p.
119. Srikanthan. G. Developing a Model for Quality in Higher Education / Centre for Management Quality Research, Australia. 2000. – 15 p.
120. Swahn Urban. International Benchmarking and National Quality Assessment Systems: The Case of Sweden // Tertiary Education and Management 10: pp 173–192, Netherlands: Kluwer Academic Publishers. 2004. – 20 p.

121. UNESCO. World declaration on higher education for the twenty-first century: vision and action // World Conference on Higher Education Higher Education in the Twenty-First Century: Vision and Action, 9 October 1998. – 16 p.
122. UNESCO Position Paper. Higher Education in a Globalized Society. 2004. France. – 27 p.
123. Vargese. N. V. Globalization of higher education and cross-border student mobility / UNESCO publication, International Institute for Educational Planning, 2008. – 33 p.
124. Vlasceanu L, Grunberg L, Pârlea D. Quality Assurance and the Development of Course: A Glossary of Basic Terms and Definitions. 2004. Bucharest: UNESCO. – p 84.
125. Vlasceanu L, Grunberg L, Pârlea D. Indicators for Institutional and Programme Accreditation in Higher // Tertiary Education. 2004. Bucharest. – 179 p.
126. Villa Aurelio Sanchez et al. Competence-based learning, University of Deusto, Bilbao, – 335 p.
127. Vught v. F., Westerheijden D. Quality Management and Quality Assurance in European Higher Education: Methods and Mechanisms / Centre for Higher Education Policy Studies. Luxemburg. 1993 – 48 p.
128. Wende, M. C. v. d. The international dimension in national higher education policies: what has changed in Europe in the last five years? // *European journal of education, vol. 36, No. 4, Mobility and Cooperation in Education: recent Experiences in Europe (Dec., 2001), pp. 431-441. 2001.* – 11 p.
129. Wende, M. C. v. d. Internationalisation policies: about new trends and contrasting paradigms // *Higher education policy, 14(3), 249-260. 2001.* – 11 p.
130. Wit, H. d. Internationalization of Higher Education in the United States of America and Europe: a historical, comparative, and conceptual analysis. Westport, Conn: Greenwood Press. 2002. – 288 p.
131. Wit, H. d. European integration in higher education: The Bologna Process towards a European Higher Education Area // James J.F. Forest and Philip G.

- Altbach (eds.), *International Handbook of Higher Education*, 461–482. Springer. 2007. – 288 p.
132. World Bank publication. *Higher Education: Changing Quality Assessment in Sweden*. Washington D.C. 1994. – 116 p.
133. Wouter Van den Berge. *Application of ISO 9000 Standards to Education and training: interpretation and guidelines in a European perspective / European Center for the Development of Vocational Training*. Thessaloniki (Greece). 1997 – 153 p.
134. Xiaoping (Isadora) Jiang. *Globalisation, Internationalisation and the Knowledge Economy in Higher Education: A Case Study of China and New Zealand*. PhD thesis. The University of Auckland. 2005. – 416 p.
135. Zairi M. *Benchmarking for best practice: continuous learning through sustainable innovation*. Oxford: Butterworth Heinemann. 1996. – 496 p.
136. Zairi M. *Effective benchmarking: learning from the best*. London: Chapman & Hall. 1996. – 404 p.

## ИЛОВАЛАР

### 1-ИЛОВА

#### Маккинон, Волкер ва Девисларнинг Австралия университетлари учун яратган бенчмаркинг қўлланмасидан мисол

Масалан «университет бошқаруви ва раҳбарлик» компоненти бўйича ишлаб чиқилган андоза (template) қуйидаги кўринишга эга.

**Соҳа:** Бошқарув

**Элемент:** Бошқарув ва раҳбарлик

**Мантиқий изох:** *Юқори сифатли бошқарув қачонки, ОТМ раҳбарят аъзолари ўз ишларини самардор ва маҳоратли бажарсаларгина мавжуд бўлади. Бошқарув ва менежмент тушунчалари ва уларнинг бир-биридан фарқлари аниқланиб олиниши керак. Ректорнинг раҳбарлик ва масъулиятли вазифалари аниқланиб олиниши лозим. Кенгаш тузилиши ва ваколатлари узулуксиз қайта кўрилиб тузатишлар киритилиб борилиши керак. Университет бошқарувидаги жавобгарлик ректор учун ҳам администрация аъзолари учун ҳам бир-хил даражада муҳим ҳисобланади.*

**Намунавий тажрибалар:**

- Университетнинг аниқ истиқболли мақсадларга эга бўлиши
- Университет режалари ва уларнинг амалга оширилиши шу истиқболли мақсадларга монант бўлиши
- Бошқарувчиларнинг роли ва менежерларнинг масъулиятлари фарқланиб олиниши
- Университет сенати (кенгаши) ва профессор ўқитувчилар ўртасида билан узвий ҳамкорликнинг мавжудлиги
- Ректорнинг (Вайс Чанселор) лидерлик, бошқарув ва жавобгарлик масъулиятларининг белгилаб олиниши
- Менежмент ходимларнинг сенат (кенгаш) қарорлари ва кўрсатмаларини ижро этишини сўзсиз қўллаб-қувватлаш
- Камида бир йилда бир маротаба сенат (кенгаш) келишувлари, молиявий ва кадрлар бўйича бериладиган ваколатларни янгиланиши
- Университет бошқарув органларига янги аъзоларни эҳтиёткорлик билан тайинланиши
- Университет бошқарув органларининг самарали ва фойдали фаолият олиб боришлари уларнинг ошқоралиги

**Баҳолаш мезонлар:**

1	2	3	4	5
Университет сенати (кенгаши) миссия ва мақсадларни жиддий муҳокамасиз тасдиқлайди. Сенат (кенгаш) режа ва амалга оширилувчи		Сенат (Кенгаш) университет миссияси ва мақсадларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда иштирок этади.		Сенат (Кенгаш) университет миссияси ва мақсадларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда иштирок этади.

<p>таклифларни муҳокамасиз қабул қилади.</p> <p>Университет Комитети тизими ва бериладиган ваколатлар баъзида ёки умуман қайти кўриб чиқилмайди.</p> <p>Ўз-ўзининг самарадорлиги ҳеч қачон қайта кўриб чиқилмайди.</p> <p>Ректор (Вайс Чанселлор) лидерлик ва бошқарувдаги масъулиятларини «муваффақият критерийлари»сиз (success criteria) зиммасига олади.</p>	<p>Сенат (Кенгаш) режалаш ва ижро этиш жараёнлари боришини кўллаб қувватлайди, лекин масъулиятларни тайинлаш тизими мавжуд эмас.</p> <p>Ўз-ўзининг самадорлиги ҳеч қачон қайта кўриб чиқилмайди.</p> <p>Ректор (Вайс Чанселлор) лидерлик ва бошқарувдаги масъулиятларини маълум аниқлик ва талабларсиз зиммасига олади.</p>	<p>Сенат (Кенгаш) режалаш ва ижро этиш жараёнлари боришини мақсадга мувофиқ эканлиги ва жавобгарлигини таъминлайди.</p> <p>Университет Комитети тизими ва бериладиган ваколатлар доимий равишда қайти кўриб чиқилади.</p> <p>Ўз-ўзининг самарадорлиги доим қайта кўриб чиқилади.</p> <p>Ректорнинг (Вайс Чанселлор) ишни самарали олиб бориши критерийлари, мақсад ва баҳолаш методлари ёзма яравишда белгилаб олинган.</p>
--	---	---

**Бенчмаркинг уюшмаларининг қисқача шарҳи**

*Коллеж ва университетларда иш юритувчи ходимлар миллий ассоциацияси NACUBO (National Association of College and University Business Officers).* Ушбу ассоциация АҚШда барча ОТМларининг учдан икки қисмига, яъни икки ярим мингдан зиёд аъзо коллеж ва университетларга хизмат қилади. Барча вакил раҳбарият ва молиявий бошқарувчиларнинг ҳамкорлигини таъминлаб, билим ва тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш бўйича уларни бирлаштиради. Ушбу ассоциация АҚШ ОТМлари орасида бенчмаркинг ишларини олиб бориш бўйича энг катта ва нуфузли бирлашма ҳисобланиб, бенчмаркинг бўйича йирик лойиҳаларни олиб боради. Лойиҳалардан кўзланган асосий мақсадлар ОТМлар ҳамкорлигида илғор тажрибаларни ўзлаштириш, ўзларидаги иш жараёнларини яхши томонга ўзгартиришда керак бўладиган маълумотлар билан таъминлашдир. Масалан, 1991 йилги олиб борилган лойиҳада умумий бухгалтерия тизими, собиқ талабалар билан алоқалар, таълим хизмати тўловлари ва уни қабул қилиш, ҳар янги ўқув семестрида талабаларни рўйхатдан ўтказиш тизими, талабалар сафига қабул қилиш каби соҳалар бўйича бенчмаркинг олиб борган. АҚШлик Р.Фаркуҳарнинг фикрича, ушбу лойиҳалар натижаси тажрибалардаги мавжуд нуқсонлар ва бўшлиқларни аниқлаб олиш билан чегараланади, холос, аммо ундан сўнг аъзо муассасалар ишни қандай давом эттиришлари жорий ва истиқболли режаларига боғлиқ. Шундай бўлса-да, унинг фаолиятдан кўпчилик олий таълим муассасалари қониқиш ҳосил қилган.

*Ҳамдўстлик мамлакатлари олий таълим менежменти сервиси CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service).* Ушбу уюшма 1995 йилда Англияда ташкил этилган. Унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- илғор тажрибаларни ўрганиш ва қўллаб қувватлаш;

- муқобил ёндашувлардан хабардорликни ошириш ва янги ғояларни ёйиш;
- халқаро тажриба ва инновацион манбалардан фойдаланиш, бошқалардан кўра фойдали иш фаолиятларини ўрганиш;
- ўзаро қиёслашнинг янги усуллариини ўрганиш ва доимий равишда такомиллаштириш.

Ушбу уюшма ҳамдўстлик мамлакатлари университетлар ассоциациясининг кунсультатив менежмент сервисини ҳисобланади.

*Университетларни стратегик бошқариш Европа маркази (ESMU (European Center for Strategic Management of Universities)).* Ушбу ташкилот 1999 йилда Бельгияда ташкил этилган ва Европа университетлари ўртасида университет менежменти бўйича бенчмаркинг дастурларини ишлаб чиқди ва уни жорий қилди. Ушбу дастур аъзо университетлар учун ўзларининг энг муҳим менежмент жараёнларини қиёслаш ва зарурий фаолиятини ўзгартириш ёки ислоҳ қилиниши лозим бўлган соҳаларни аниқлаш каби имкониятларни яратади. Масалан, дастурнинг 2005 йилда халқаролаштириш, стратегик ҳамкорлик, бошқарув ва структуралар, янги магистратура мутахассисликларини ва докторантура ихтисосликларини яратиш эди. Бенчмаркинг дастурини амалга ошириш давомида кейс методлар, кўлланмалар, интерактив веб сайтлар, сўровнома тўпламлари ва шу каби материаллар яратилиб, университетларга тақдим этилган. Дастурдан кўзланган асосий мақсад Болонья жараёни бўйича ислохотларнинг боришини тезлаштириш ва университетларнинг Европа иқтисодиётида муҳим роль ўйнашини таъминлаш бўлган. *Европа сифат менежменти ташкилоти. EFQM (European Foundation for Quality Management).* Ушбу ташкилот 1991 йилда Англияда ташкил этилган. Бу ташкилот илмий ходимлари «Бошқарув тизими намуналик андозалари (EFQM Excellence Model)» номли дастурини ишлаб чиққанлар. Уларнинг бу ишланмалари Европа университетларида кенг қўлланиб келинмоқда. Масалан, ундан Португалия олий таълим муассасаларида ўз-ўзини баҳолаш механизми сифатида қўлланилмоқда.

Ташкилотнинг асосий вазифаси олий таълим муассасаларига ракобатбардошликни оширишда ёрдам беришдир. Ҳар қандай муассасанинг катта-кичиклиги, секторлари, ҳажми, структураси, имкониятлари ва шарт-шароитларидан қатъий назар, унга ўзига мос менежмент тизими лозим. Европа сифат менежменти ташкилоти менежмент тизимлари бўйича тажриба ўтказиш маркази ҳисобланиб, мавжуд муаммоли бўшлиқларни ёки ўнгланиши керак бўлган жараёнларни аниқлаш ҳамда уларга ечим топишга йўл-йўриқ кўрсатади. Бу ташкилот ҳозирги кунда бир неча бенчмаркинг дастурлари билан танилган. *Малком Болдрижд миллий сифат мукофоти (Malcolm Baldrige National Quality Award)* 1987 йилда АҚШнинг стандарт ва технология давлат институти (United States National Institute of Standards and Technology) томонидан тузилган. Ушбу мукофот АҚШ президенти Роналд Рейген даврида давлат савдо котиби (1981-87) бўлган Малком Болдрижд номига берилган бўлиб, ўша шахс бошчилигида олиб борилган ва эришилган ҳар бир сифат ҳаракати ташаббуслари учун бағишланган. Мукофот ҳар йили таълим, соғлиқни сақлаш, бизнес ва нотижорат ташкилотларнинг сифат масаласида кўрсатган илғор кўрсаткичлари, энг яхши менежмент тажрибалари учун АҚШ президенти томонидан тақдим этилади. Ушбу мукофот танлов асосида тақдирланган ва ушбу танлов шартлари ва меъёрлари бўйича ишлаш жараёни муассасалар учун улкан тажриба ва ўсиш имкониятиларини яратди. Меъёрлар ва танлов босқичларида бенчмаркингдан кенг кўламда фойдаланилади. Бенчмаркинг ва ялпи сифат менежменти (Total Quality Management)дан фойдаланиш мукофотнинг энг асосий талабларидан биридир. Демак, бундай жараёнлар халқаро майдонда яна ҳам кенгайиши даврнинг хусусиятларига айланмоқда.

**«Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари» модулининг  
такомиллаштирилган дастури**

Мавжуд мавзулар	Диссертация натижалари бўйича киритилган мавзулар
<p><b>1-мавзу: Таълим сифатини таъминлашнинг тамойиллари, концепцияси (2 соат).</b></p> <p>1. Сифат тушунчаси. Сифат менежменти концепцияси</p> <p>2. Сифат менежменти тамойиллари</p> <p>3. Таълим сифати менежменти ва таълим сифатини бошқаришга бўлган ёндашувлар</p> <p>4. Таълим сифатини баҳолаш ёндашувлари</p>	<p>Сифат ва рақобат тушунчалари. Сифат тушунчаси олий таълимдан манфаатдор гуруҳлар ва турли ваколатли ташкилотлар томонидан турлича қабул қилиниши. Халқаро аҳамиятга эга бўлган манбаларда унинг уч компоненти:</p> <p>1. Таълим субъектлари: - таълим ташкилотчилари:(ректор, деканат, ўқув бўлими, кафедралар), таълим хизматларини кўрсатувчи шахслар (профессор ўқитувчи, методист, маслаҳатчи, лаборант, дастур ва ўқув адабиётлари). - таълим хизматларидан баҳраманд бўлувчи шахслар (талаба ва бошқа билим олувчилар).</p> <p>2. Таълимнинг меъёрий ҳужжатлари (таълим концепциялари ва парадигмалари, ўқитиш технологиялари, ўқув адабиётлари, сифатли билимларни бериш ва назорат қилиш методлари).</p> <p>3. Таълим муҳити.(ижтимоий, маданий, психологик муҳитлар). Юқоридаги компонентларга кирган ҳар бир қисмдаги тайёргарлик даражаси пировардида олий таълим сифатини таъминлайди.</p> <p>Олий таълимда миқозни аниқлашда фикрлар қарама-қаршилиги.</p> <p>Олий таълимда «хизмат кўрсатувчи», «бююртмачи» ва «миқоз» категориялари. Олий таълимда «манфаатдор гуруҳлар» тушунчаси.</p> <p>Жаксон ва Лунднинг концептуал тизими. «Кириш ва ресурс», «Жараён», «Натижа ва мақсад» элементлари</p> <p>Европа Иттифоқи мисолида олий таълимда сифатга бўлган қизиқиш омил ва факторлари: - олий таълим муассасаси автономиясининг кучайиши; - олий таълимга бўлган эҳтиёжнинг ортиши; - ОТМлар даромадларининг давлат ажратмаларига нисбатан кўпроқ халқ маблағи ҳисобига ошиб бориши; - «Интеллектуал жамият» (knowledge society) тушунчасининг пайдо бўлиши ва олий таълимнинг маҳаллий, регионал ва умумевропа иқтисодиётига таъсирининг кучайиши; - «Европа таълим ва тадқиқот зонаси»нинг яратилиши</p>

	<p>(Европада Болонья жараёнинг пайдо бўлиши бунга мисол бўла олади),</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- олий таълимнинг глобаллашуви ва европалашуви,</li> <li>- олий таълимда рақобат ва маркетингнинг цивилизацияси.</li> </ul>
<p>Сифат мақсадларга мос келиш даражаси сифатида ҳозирги кундаги энг кўп ишлатиладиган категориялардан бири ҳисобланади. Бунинг асосида ҳозирда халқаро амалиётда қуйидаги <b>бешта асосий ёндашув</b> ажратиб кўрсатилади:</p> <p><b>1.Анъанавий ёндашув</b> қуйидагича таркиб топган:таълим сифатини таъминлаш-демак, уни нуфузли қилиш, сабаби бундай ОТМни тугатган битирувчи меҳнат бозорида бир мунча юқори позицияни эгаллайди.</p> <p><b>2.Илмий стандартларга мос келишдан келиб чиқади.</b></p> <p><b>3. Менежерлик ёндашуви</b> ўзида, сифатли таълим деб миқдор қониққандаги ҳолатни намоён этади.</p> <p><b>4. Истеъмолчи,</b> бу ерда истеъмолчи сифатни аниқлайди ва натижада унинг ҳар қандай истаги бажарилади. Асосийси ОТМ бунинг учун пул олади.</p> <p><b>5. Демократик ёндашувда</b> ОТМ ўзи жойлашган ҳудудга, жамиятга фойда келтиради.</p>	<p>Олий таълимда сифат тушунчасини талқин қилишда Диана Гриннинг қарашлари: сифатнинг анъанавий маъноси (the traditional concept of quality), маҳсулот ёки сервисларнинг стандартлар ёки спецификацияларга мувофиқлиги (Conformance to specification or standards), сифатнинг мақсадга мувофиқлиги (Quality as fitness for purpose), сифат миқдорларнинг талаб ва эҳтиёжларига қаратилганлигини (Quality as meeting customers' stated or implied needs).</p>
<p><b>2-мавзу:</b>  <b>Таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндашувлари (2-соат)</b></p> <p>1.Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари</p> <p>2.Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар ва ёндашувлар</p> <p>3.Европада олий таълимни ислоҳ этишга олиб келган</p>	<p>Стратегик режалаштириш (Strategic Planning), ялпи сифат менежменти (Total Quality Management), бизнес жараён реинжиниринги (Business Process Reengineering), Сифатнинг узлуксиз яхшиланиши (Continuous Quality Improvement), кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими (Balanced Score Card) методларининг фарқи ва уларнинг илмий асослари.</p> <p>Бенчмаркингнинг олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлашдаги ўрни. Унинг афзалликлари. Бенчмаркингни олий таълимда</p>

<p>омиллар 4. Буюкбритания (QAA) олий таълим сифатини назорат қилиш агентлиги - Академик стандартлар. - Академик сифат. - Яхшилаш/такомиллаштириш.</p>	<p>қўлланилиши ва уни татбиқ этиш бўйича эса Алстит (Alstete), Жаксон (Jackson) ва Лунд (Lund), Шух (Schuh), Роберт Кемп (Camp, R.C), Спендолини (Spendolini), Заири (Zairi), Алекс Аплбай (Alex Appleby), Аллен Скофелд (Allan Schofield), Бендер (Bender), Силвия Кодлинг (Sylvia, Codling), Фақуҳар Робин (Farquhar Robin) қарашларининг илмий таҳлили.</p> <p>Ички бенчмаркинг, ташқи бенчмаркинг, рақобатли бенчмаркинг, умумий бенчмаркинг, стратегик бенчмаркинг, жараён бенчмаркингни, диагностик бенчмаркинг, функционал бенчмаркинг, генерик бенчмаркинг, имплицит бенчмаркинг, функционал бенчмаркинг турлари уларнинг ОТМларда қўллашнинг илмий таҳлили.</p> <p>Бенчмаркингнинг Заири модели, Спендолини модели, Алекс Аплбай ва Роберт Кемп модели, Роял Мэйл модели, Сузан Монкуссо модели ва уларнинг олий таълим тизимида қўллашнинг илмий таҳлили.</p> <p>«Компетенцияларга асослаган таълим бериш» (competence-based learning), марказида талаба турувчи (student-focused learning) таълим бериш жараёни тушунчалари ва уларнинг олий таълимдаги аҳамиятининг илмий асослари.</p> <p>Тюнинг методининг ОТМларда қўланиши ва уларнинг самарадорлиги таҳлили.</p>
<p><b>3-мавзу: Касбий таълим сифатини ошириш борасидаги замонавий ёндашувларнинг ривожланиш тенденциялари.</b></p> <p>1.Таълимдаги ислохотлар тажрибалари. Болония келишуви 2. Таълимни бошқаришнинг замонавий парадигмалари 3. Билимнинг товарга айланиши. Таълим соҳасида бозор муносабатларининг ривожланиши. (121 слайд)</p>	<p>Олий таълимда глобализация (globalization), халқаролашув (internationlization), минтақалашув (regionalization), европалашув (europeanization) каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши</p> <p>Олий таълимда Сифат ва халқаролашув масалаларининг боғлиқлик тенденциялари.</p> <p>Олий таълимда халқаролашув ва билимларнинг коммерцияланишуви. дунё савдо ташкилотининг (World Trade Organization) Сервислар савдосининг умумий келишуви.</p> <p>Хизматнинг коммерцияланишининг тўртта категорияси ва уларнинг хусусиятлари: 1. Сервиснинг хориждан таъминланиши (cross-border supply) 2. Сервисдан хорижда фойдаланиш (consumption abroad) 3. Сервиснинг хорижда ташкил этилиши (commercial presence) 4. Сервис кўрсатувчининг хорижда бўлиши (presence of natural persons).</p> <p>Билимнинг коммерцияланиши ва таълимни «омма мулки» тушунчаларининг таҳлили.</p>

	<p>Жайн Найтнинг тўрт турдаги сервис таъминотининг олий таълимдаги талқини ва уларнинг хусусиятлари.</p> <p>Билимларнинг коммерциаланиши негизини ташкил этувчи «интеллектуал иқтисод» (Knowledge economy) тамойиллари ва улар хусусиятлари таҳлили.</p> <p>Транснационал таълим тушунчаси ва унинг хусусиятлари талқини.</p>
--	---

**Лутфуллаев Пўлатхон Муhibуллаевич**

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ СИФАТИ  
(бенчмаркинг, тюнинг ва диагностика)**

**МОНОГРАФИЯ**

**Мухаррир: Жамолиддин Муслим**  
**Техник мухаррир: Жумабоев И.**

Теришга 17.01.2020 йилда берилди. Босишга 21.01.2020 йилда рухсат этилди. Оқ қоғоз офсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 10,5 босма табоқ. Адади 300 нусха. Бюртма № 245. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Фахризода” кичик корхонасида (Дўстлик шоҳ кўчаси, 2 “А” уй) чоп этилди